25 ДЕК 1991



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبیکستان ادبیاتی وصنعتی 1991

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

20 ДЕКАБРЬ, № 51 (3155) ЖУМА

Ислом КАРИМОВ:

ЎЗБЕКИСТОН—ТАРАҚҚИЁТГА ЮЗ ТУТГАН ВАТАН

Бу иқтисодий янгиликлар, тажрибаларни рағбатлантириш, тадбиркорлик учун тўла эркинлик беришдир;

бу корхона, ташкилот, хўжаликлар, ишбилармонларни ҳар қандай тазйиқлардан халос этиш, мулкчиликнинг барча кўринишларига бирдек шароит яратиш демакдир;

бу фуқаролар кун кечириши учун зарурлигини давлат таъминлаб, камбағаллар, ногиронлар, қариялар, болалар, кўп фарзандли оилаларни ижтимоий ҳимояга олиб, шундан кейингина бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидир;

бу бечоралик, ғариблик, гадо бўлиб қолишнинг, ўзгалар ҳаққига хиёнат, ғўғирлик, жиноят ҳисобидан бойишнинг олдини олиш йўлидир!..

Мустақиллик ниҳоли кўкариши учун унга тинчлик, осойишталик, тотувлик, миллатлараро чидам ва бардош каби кучли илдизлар керак. Шунда у ҳар қандай шамол, довул, бўронларда йиқилмайдиган бўлиб улғаяди. Зеро, миллат севгиси ва эъзози қадар улуғ мукофот йўқдур. Бу мукофотга сазовор бўлишнинг бирдан-бир йўли — ўзга дин, ўзга миллатни таҳқирламаслик. Бу фаровон, тўкин кун кечириш учун яккаю ягона, тўғри, ақл-идрокли, имон-эътиқодли йўлдир. Бу йўлда хато қилиш мустақилликни бой бериш билан баробардир!

Яхшилик нур келтиради, ёмонлик зулмат, дейдилар. Ўзбекистоннинг келажаги яхшилик пойдеворига қурилмоғи шарт. Чунки фақат яхшилик боқий яшайди. Одамларнинг одамларга яхшилиги! Юртларнинг юртларга яхшилиги! Миллатларнинг миллатларга яхшилиги! Бугуннинг келажакка яхшилиги! Бу Ўзбекистоннинг шиорига эмас, даъватига, чақириғига, хислатига айлансин. Яхшилик қилган миллатни ҳурматлаш, яхшилик қилган авлодни эъзозлаш тафаккур оламининг қуёшига айлансин! Менинг орзуим ҳам, истагим ҳам, тутар тутумим, асосий қайғу-ташвишим, қувонч-севинчимнинг ибтидоси ана шу.

Истиқбол — қулф, интизом унинг калитидир! Биз интизом деганда милициянинг калтаги, казо-казоларнинг дўқ-пўписалари, очиқ эшикларнинг ёпилишини назарда тутмаймиз. Интизом инсоннинг инсонга, эл-юртга, қонунларга, масъулиятга, тарих ва давр олдидаги бурчга, мажбуриятга ҳурматидир. Бугунгидек, ҳуқуқ-тартибот идораларидаги ноҳақлик, савдо ўчоқларидаги ғирромлик, хизмат соҳаларидаги алдов-қалдов, бошқа кўп тармоқлардаги интизомсизликлар эртанги кунимизнинг эшикларини қулфлаб ташлайди. Шу сабабдан ҳамма жойда, барча соҳада интизом ўрнатилиши тарафдориман. Интизомсизлик мустақиллигимизга, келажагимизга хиёнатдир. Ўзбекистон Президенти ана шу хиёнатни бартараф этмоғи шарт.

Инсон шаъни, қадр-қиммати, орияти, ҳуқуқлари топталган юртдан қут-барака қочади. Йиғитнинг хуни юз танга, ор-номуси минг танга деган тарихий гапимиз бор.

Ҳеч кимнинг кўнгли оғримаслиги учун курашган раҳбар ўз халқининг ишончини йўқотмайди. Буюк мутафаккирларимиз инсон қалбини оғритишни каъбага ўт қўйиш, қуръонни куйдиришдан ҳам оғир гуноҳ ҳисоблаганлар.

Фуқаро ҳуқуқларининг энг асосийларидан яна бири — у ишсиз қолмаслиги керак. Ёпирилиб келаётган ишсизлик даҳшатининг олдини олиш учун бугун кўрилаётган тадбирларни тезроқ охирига етказмоқ даркор, деб ўйлайман.

Инсоннинг гулдек тўкилмаслиги, тошдек қотмаслиги у яшаган мамлакатнинг тақдири билан боғлиқ. Ҳар икки тақдир бутун бўлиши учун бу юртнинг раҳбари энг аввало одамлар ҳақида ўйлаши даркор.

Маълумки, ҳар қандай қалъа ичидан олинади. Демак, биз ичкарини мустаҳкам қилишимиз керак. Бунинг учун ёшлар қалбига юртга садоқат, катталарга ҳурмат, тарихга меҳр, келажакка умид туйғулари уруғини сочишимиз лозим. Улар шарму ҳаё, ор-номусни унутмасликларига эришмоқ ниятида мактабларда инқилоб қилишимиз, Ўзбекистоннинг ўз таълим тизимини, ўзига хос ва мос ўқув китобларини яратишимиз, яратганда ҳам бу ишни жуда тез амалга оширишимиз зарур.

Шу жараёнда ҳар бир йигит-қиз бирор ҳунар эгаси бўлишини назарда тутмоқ шарт. Ҳунари йўқ эркакдан игнаси бор хотин яхши, дейишади кексаларимиз. Бунда улар ҳунарсиз одамнинг хор бўлишини назарда тутганлар. Ҳунар ошхўрга ош, нонхўрга нон беради, эгнимизни бутлайди. Қолаверса, Ўзбекистоннинг келажаги кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқ. Бугун ёшларимиз чет элларда таълим ола бошладилар. Эртага улар юртимизга янгилик, истиқбол чечакларини олиб келадилар. Бу хайрли иш кўламини кенгайтирмоқ замони етди.

Шу ниятда қадам ташласак, Ўзбекистон қалъасининг ичида мустаҳкам, енгилмас кучлар устивор бўлади.

Маданиятсиз миллатнинг қон томири кесилгандир. Шу сабабли ҳам доим бизни маданиятсиз қолдиришга интилганлар. Аммо халқимизнинг маданиятини оёқ ости қилолмадилар, қилолмайдилар ҳам!

Бу Самарқанд гумбазлари, Бухоро миноралари, Хива қалъасининг садосидир. Ана шу садога эш бўлиб, қадриятларимизни тикладик...

Эндиги мақсад маданиятимиз, адабиётимиз, санъатимизни умумбашар майдонига олиб чиқишдир. Бир вақтлар дунёнинг уйғониши (ренесанс) бошланган замин яна ўша юлдузли қояга кўтарилиши керак.

Президентликка номзод Ислом Каримовнинг «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган суҳбатидан.

Адабий алоқалар тарихидан бир лавҳа
СУРАТДА: атоқли турк ёзувчиси Азиз Несин (чапдан биринчи) иждодкорлар даврасида
С. МАҲКАМОВ суратга олган

ҚАДИМ ВА ҚАДРДОН ЙЎЛ

Жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон республикаси ҳукумат делегациясининг Туркия жумҳуриятига қилган расмий ташрифи қондош ва жондош ўзбек ва турк халқининг ўзаро муносабатлар тарихида янги саҳифа очди.

Туркия жумҳурияти Президенти Турғут Ўзол учрашув чоғида «Турк ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари қадим замонлардан бошланган»лигини алоҳида қайд этди. Дарҳақиқат, туркияликлар ўзбекларни «бобо юртимиз Туркистон фарзандлари» дея нечоғли эъзоз этишлари ҳақида кўп эшитганмиз.

Бунга жавобан Ислом Каримов расмий учрашув чоғида «Дўст Туркияга ташрифимизнинг мақсади умумий, тарихий, маданий диний ва инсоний анъаналарга эга бўлган икки халқни яқинлаштиришдан иборат» дея таъкидлади.

Дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга бўлган иштиёқ туйғуси расмий делегациянинг Туркия президенти Турғут Ўзол билан суҳбати давомида ҳам, Туркия Бош вазири С. Демирал билан учрашувда ҳам, Истанбул, Анқара ва Измир каби шаҳарларга қилинган сафар пайтида ҳам яққол сезилиб турди.

Бош вазир Туркия Вазирлар маҳкамасининг собиқ Совет Иттифоқи республикалари, хусусан Ўзбекистон мустақиллигини тан олишга қарор қилганлигини айтди.

Учрашувлар ва музокаралар сўнгида икки давлат ўртасида маданий алоқаларни ривожлантириш, иккала жумҳуриятда консулхоналар очиш, ҳар томонлама иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш, Тошкент, Анқара ва Истанбул ўртасида ҳаво йўлларини очиш тўғрисидаги битимлар ва икки давлат ўртасида дўстлик тўғрисидаги декларацияга имзо чекилди.

Ёдингизда бўлса, бундан бир қанча муддат муқаддам Ўзбекистон президенти Ислом Каримов чет эл журналистлари билан бўлган суҳбат чоғида «Биз Туркия йўлидан борамиз» деб айтган эди. Расмий ташриф жараёнида президент бу фикри қатъий эканлигини яна бир бор таъкидлади: «Мустақиллик йўли бу — кўплаб оғир синовлар орқали ўтиладиган йўлдир. Биз буни биламиз. Ўзбекистон мустақиллиги тўғрисида қарор қабул қилганимиздан сўнг олдимизда тўртта йўл пайдо бўлди. Биз Туркия йўлини танладик».

Дарҳақиқат, Туркия сўнгги йилларда иқтисодий тараққиётнинг олдинги босқичларига, катта йўлга чиқиб олган саноқли давлатлардан биридир. Бундан ташқари Туркия йўлининг танланишида ўзига хос рамзий маъно ҳам мужассам. Туркия йўли бу—туркистонлик отабоболаримиз йўли, бир лисонли халқларни бирлаштирувчи йўлдир. Ўзбекистон ана шу тарихий йўл сари қадам қўйди.

МУҲАРРИР МИНБАРИ

ОЛИЙ НАЙРАНГ

Кейинги пайтда «қоғознинг нархи» деган даҳшатли бир ибора пайдо бўлди. Даҳшатли дейишимнинг боиси шуки, қоғоз нархи худди Масков бозорларидаги гўшт, Эски Жўвадаги думбаёғ нархидай кун сайин, соат сайин ошиб бормоқда. Ойномалар, рўзномалар, ҳафталиклару қанчадан-қанча нашриётларнинг аҳволи танг бўлиб қолди.

Қоғоз арзонлигида бизни сўриб ёғимизни олганлар, миллион-миллион соф даромадларимизни жаракатиб саналанлар бугун жим. Қани ўша пуллар? Сирли бир ўпқон юҳодай ютгану кетган!

Қоғоз нархини аввал икки баробар, сўнг уч-тўрт ва ниҳоят беш-олти баробар ошириш нима учун керак бўлиб қолди? Нари борса минг сўм атрофида турадиган бир тонна энг охирги сўрт қоғозни 7—8 мингга сотишдан, сотганда ҳам минг хил нарма қилишдан кимга фойдаю кимга зиён?

Бундан бир йил аввал журналистлар қурултойи минбаридан туриб «қоғоз нархининг оширилиши — ҳукуматнинг ошкораликка қарши найрангидир», деган эдим. Бунинг боиси шуки, ошкоралик туфайли кўп ўқиб, кўп билиб, кўзи очилиб, ақли пешланиб келаётган халқни тинчлантирмоқчи бўлдилар. Нари борса 50—60 сўм тўлаб 7—8 та газета-журнал ўқийдиган ўқувчи билан баҳслашиш осон бўлмай қолди. Бирор нима ўйлаб топилмаса бу бебош 7—8 эмас, 10—15 тасига обуна бўлади-да, кун бўйи идорадан чиқмайдиган раҳбарни ҳадеганда мулзам қилаверади. Бу ҳам етмаганидек, бошқаларни ҳам тарғиб қилади. Қарабсизки, бутун мамлакат газет ўқийди. Яширилган, ниқобланган, афтига атир сепиб қўйилган не-не ҳақиқатлардан хабар топади. Ана унда кўрасиз нима бўлишини. «Ўртоқлар!..», дейишингиз билан битта тирмизак «Ҳой, ака мулло, тўхтанг», дейдию ишнинг белига тепади.

Ҳўш, нима қилиш керак?

Ҳукумат мана шу саволнинг ягона тўғри йўлини тоға билдики, қойил демай иложингиз йўқ. Қоғоз нархининг терак бўйи оширилиши сабабларидан бири мана шунда. Бошимизни чангаллаб улгурмай ёқилғи-ёнилғилар, қўмирчию темирчилар нарх-навога нарвон қўйишди. Ана ундан кейин транспортчилар, аэрофлотчилар, темирйўлчилар, «Союзпечать»чилар, алоқачилар бош кўтаришди: биз ҳам оширамиз.

Ошди-ошди деганлари болалардаги қизамиқ касалидай ҳаммага тарқаб кетди. Натижада бугуннинг ўзидаёқ не-не нуфузли нашрлар ёпилиш арафасида турибди. Пул топиш керак, харажатларни қоплаш керак. Ёки... нарх-навони уч-тўрт баравар ошириш керак.

Ушбу мулоҳазаларни ёзишга «Известия» газетасида босилган миттигина бир мақола туртки бўлди. Сарлавҳаси «Алвидо, ошкоралик, сўз эркинлиги, матбуот». Уларнинг бошида ҳам шу ташвиш экан: газета харажатлари даромадга нисбатан 101 миллион сўм ошиб кетибди. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб «Союзпечать» ўз хизмати учун ҳозиргига нисбатан салкам 4 баробар кўп ҳақ талаб қилаётган эмиш. Бу дегани, — дейилади ўша мақолада, — янги йилдан бошлаб бутун Россия ҳудудида биророта газета ёки журнал тарқатилмайди. Алвидо, ошкоралик!

«Союзпечать» иштаҳасига тасаннолар айтиб турганимизда (уларга нима, газета-журнал сотишдан бир амаллаб қутулиб олишсин кооператив иштон, резина сақич сотиб ҳам бой бўлиб кетишади) «Правда» газетасида «Матбуотни жиловлаш» («Приручение прессы») деган мақола босилиб чиқди. Собиқ тузумнинг таниқли устунларидан бири А. Н. Яковлев бизнинг қоғоз нархига оид тахминларимизни тасдиқлаган: «қоғоз нархининг оширилиши, тарқатиш хизматларининг қимматлаштирилиши — матбуотга қарши уюштирилган фитна эди. Матбуотни ҳозир ҳам жиловлашга, уни эмас, буни, ановини эмас, бошқани қўллаб-қувватлашга мажбур қилмоқдалар. Акс ҳолда қоғоздан маҳрум этишлари мумкин».

«Матмусанинг найранги оддий найранг,
Ҳукуматнинг найранги — олий найранг —
Вой миёнам»,
деганлари шу бўлса керак-да!

ЭРК ҚЎЛИМИЗДА

Юртимиз, халқимиз тарихидаги оламшумул воқеа арафасида турибмиз. Президент сайлови ва Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги учун ўтказиладиган референдумга саноқли кунлар қолди. Бу узоқ йиллик эрксизликдан сўнг тарих бизга берган биринчи имкониятдир. Абадий орзудек туюлган ана шу олий мақсаднинг рўёбга чиқиши — бу сизу бизга боғлиқ. Тарих бизни яна бир бор синовдан ўтказади. 29 декабрь куни республикамиз фуқаролари Ўзбекистоннинг давлат сифатида мустақил бўлиш-бўлмаслигини ҳал этадилар. Хўш, биз шу муҳим тадбирга ҳар жиҳатдан тайёрмизми? Давлат мустақиллигини қандай тасаввур этамиз? Яқинда муҳарририятимизда бир гуруҳ олимлар, файласуфлар, ҳуқуқшунослар, тарихчилар, адиблар иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати шу мавзуга бағишланди. Гурунгда ЎзФА мухбир аъзолари **Ҳайдар Пўлатов, Тўрабек Долимов, Алишер Навоий** номидаги Адабиёт институти директори, Беруний мукофоти лауреати **Тўра Мирзаев**, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби, шоир **Мирпўлат Мирзаев**, тарихчи олим **Азамат Зиёев**, жумҳурият прокуратурасининг ходими **Малик Эсонов**, ҳафталик бош муҳаррири ўринбосари **Иброҳим Ғафуров** иштирок этдилар.

Суҳбатни «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги бош муҳаррири **Аҳмаджон Мелибоев** бошлаб берди.

А. МЕЛИБОЕВ: — Халқимиз ниҳоят XXI аср бўсағасида мустақилликка қадам қўйди. Гарчи, 31 августда қонлар тўкилмаган бўлса-да, озодлигимиз баъзилар ўйлаганидек беталафот қўлга киргани йўқ. Мустақиллик туғимизда миллий озодлик кўзғолонларида жон берган, 18-йилда Қўқонда яксон қилинган, «босмачи» деб қувилган, Сталин қамоқхоналарида чиритилган, Афғон тоғларида қолиб кетган, Фарғона, Ўш ва Паркентда ўққа учган, тинч йилларда армиядан уйига тобут бўлиб қайтган йигитларимизнинг қони ва оҳи бор. «Қиғир ишнинг қийғи қирқ йилдан сўнг ҳам билинади», деганларидек 22-йилда тузилган зўраки Иттифоқнинг умри етмиш йилга бормади. Ва биз тарих кулиб боққан қутлуғ лаҳзада ўз мустақиллигимизни эълон қилдик. Халқимиз юз йилдан ортиқ давом этган озодлик курашида бир фурсат нафас ростлади. Бироқ чинакам озодлик, мустақиллик учун кураш ҳали давом этади. Биз бугун унинг пойдеворини қўймоқдамиз. Лекин озодликнинг сабоғи шундайки, мустақиллик пойдевори бошдан метиндек мустаҳкам қилиб қурилмаса, у тақдирнинг оддий синовларига ҳам дош беролмаслиги мумкин. Бунга атиги 72 кун умр кўрган Париж Коммунасидан тортиб, ёнгинамиздаги Афғонистон республикасида сўнгги 15 йил ичида бўлиб ўтган тўнтаришларгача мисолдир. Демоқчиманки, биз бугун миллий давлатчилигимиз асосларини тиклаётиб, ўтмиш сабоқларидан асло кўз юма олмаймиз. Ўзбек мустақил давлатини барпо этишга қаттиқ бел боғлаган эканмиз, ўтмишдаги давлатчилигимиз анъаналари билан бирга жаҳон мустақил мамлакатларининг тараққиёт тажрибалари ҳам бизга ўзига хос мактаб бўлади.

МУСТАҚИЛЛИК ГУРУНГИ

Биз бугун Президент сайлови ва Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги муносабати билан ўтказиладиган умумхалқ референдуми арафасида сизларни мустақиллик ҳақидаги гурунгга чорладик. Мақсад ҳурфикрлик, плюрализм принципларига амал қилган ҳолда мустақиллигимиз манзаралари хусусида амалий фикрлашиб олишдир.

Ҳ. ПЎЛАТОВ: — Референдум варақасига «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?» деган савол қўйилган экан биз мустақиллиннинг моҳиятини тушуниб олмоғимиз керак. Биз кимдан мустақил бўлмоқчимиз? Демак, шу чоққача кимгадир тобе эканмизки, энди мустақил бўлмоқчимиз. Референдумга тайёргарлик кўрилаётганда марказ, Иттифоқ бор эди. Ва савол бир қадар жўнроқ бўлса ҳам тўғри эди. Энди эса ўша Иттифоқнинг ўзи йўқ. Бу масаланинг мантиқий жиҳати. Ҳуқуқий жиҳатига келсак, биз Олий Кенгашимиз қарори ва Президентимиз Фармони билан жумҳуриятимизни мустақил давлат деб эълон қилдик. Энди шу масалада халқнинг фикрини олиш учун референдум ўтказмоқдамиз. Умуман, халқнинг фикрини билиш муҳим. Негаки, давлатни мустақил қиладиган айрим шахслар эмас, балки халқдир. Шу халқнинг сиёсий маданияти, миллий бойликларни ишлаб чиқаришда тутган ўрни мустақиллигимизни белгилайди. Шунинг учун бундан буёғига иқтисодий-ижтимоий масалаларда қандай йўл тутишимиз кераклиги, ижтимоий-сиёсий ва маънавий масалалардаги мақсад ва вазифаларимизни ҳозирдан аниқ белгилаб олмасак, бунинг муайян концепцияларини яратмасак яна бешолти йил мустақилмиз, дея гап сотиб юраверишимиз мумкин. Унда озодлигимиз ҳавойи гаплигича қолаверади.

Т. ДОЛИМОВ: — Ҳолва деган билан оғиз чучимайди, деганларидек мустақилликнинг ҳам аниқ концепцияси, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари бўлмаса олға силжиш қийин. Ҳозир Ўзбекистонга хориждан кўплаб сармоядорлар, ишбилармонлар келишмоқда. Лекин улар фаолият олиб бориш учун муайян ҳуқуқий кафолатлар берилмаганлиги туфайли иш бошлашдан чўчиб, гумонсираб, иккиланиб туришибди. Яқинда чиққан ишбилармонлик тўғрисидаги қонунда ҳам чет давлатлар сармоялари, маблағларига кафолат берувчи бирор модда йўқ. Биз мустақиллигимизга пойдевор қўяётганимизда бу масалаларни тез ҳал қилиб олишимиз зарур. Ўзимиздаги ишбилармонлар ҳам бирор корхона очиш учун олти-саккиз ойлаб овора бўлишади. Райжроқўмда ўтирган муҳрдорлар қоғозбозликдан ғов қўйишади. Уларни қоғоз тўлдириш ниқобидаги сунъий тўсиқлардан озод қилиш керак. Бу мустақилликнинг энг асосий жиҳатларидан биридир.

Энди иқтисодий масалаларга келсак, биз гоҳо ҳамма нарсамиз бор, Менделеев жадвалидаги барча қазилма моддалар сероб, деб ғурурланиб юрамиз. Аслида ундай эмас, гарчи, дунёда ягона конларимиз бўлса-да. Масалан, бизда металл, нефть масаласи оғирроқ. Темир конлари йўқ ҳисобида... Ҳамманинг оғзида олтин. Бировлар—50, бировлар—70, ҳатто 80 тонна олтин оламиз, дейишади. Аслида, очиқ айтиш керакки, буни ҳеч ким билмайди. Билса ҳам икки-уч одам, марказдаги «Главалмаззолото» идораси билади. Бизнинг раҳбарларимиз ҳам энди билишгандир. Аниқ айтадиган нарсамиз шуки, яқинда Мурунтовдаги чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича Ўзбекистон—АҚШ қўшма корхонаси тузилди. Мурунтовдаги чиқиндиларнинг ичида иккита Мурунтов турибди. Уни чет эл технологияси ёрдамида элакдан ўтказишнинг ўзи ҳам бизга катта иқтисодий фойда беради. Мустақилликнинг иқтисодий концепциясини яратар эканмиз, нимамиз бор-йўқлигини аниқ ҳисобкитоб қилишга, улардан фойдаланиш йўлларини, мавжуд имкониятларимизни чамалаб кўришга мажбурмиз.

Т. МИРЗАЕВ: — Халқимиз феодал тарқоқлик, мустамлакачилик даврларини бошдан кечирди. Кўпйиллик маънавий азоблардан сўнг озодликка эришганимиз халқимиз руҳини кўтарувчи тарихий ҳодисадир. Бироқ орадан ўтган вақт кўрсатяптики, мустақилликнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жиҳатлари, маънавий-руҳий жиҳатларига тайёргарлигимиз етарли эмас экан. Тоталитаризм бизни ура-урачиликка ўргатган эди. Ҳар қандай янги шиорни сохта ғурур билан кутиб олардик. Назаримда, мустақилликни эълон қилганимиздан сўнг ҳам шу кайфият сезилди. Ҳолбуки, ҳурриятга жанговар чақириқлар билан эришиб бўлмайди. Мустақил давлатда мустақил шахслар яшаши керак. Уларгина

Давоми иккинчи бетда

АДИБЛАР ИТТИФОҚИНИНГ БИРИНЧИ ЙИҒИНИ

Маълумки, ўтган ноябрь ойининг ўн бешида Ўзбекистон республикаси Адиблари иттифоқи (ЎзРАИ)нинг таъсис қурултойи бўлиб ўтган эди.

Куни кеча Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек драма театри биносида ЎзРАИ аъзоларининг биринчи умумий йиғилиши бўлди. Йиғилишни Ўзбекистон республикаси Адиблари иттифоқининг биринчи котиби Сулаймон Раҳмон очди ва ЎзРАИ Раёсатининг фаолияти тўғрисида ахборот берди:

— Бугунги умумий йиғинимиздан мақсад аввало адиблар иттифоқининг бундан бўёнги вазифалари, ишчи аппарати, унинг фаолият йўналишлари тўғрисида, Адабиёт жамғармаси билан боғлиқ масалалар ҳақида, ЎзРАИга кириш ва аъзолик бадаллари хусусида фикрлашиб олишимиз керак. Собиқ ССЖИ ёзувчилари қурултойига муносабатимизни билдиришимиз лозим.

Йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди: 1. ЎзРАИ Раёсатининг бир ойлик фаолияти тўғрисидаги ахборот. 2. ЎзРАИ қошида «Маърифат маркази» тузиш ва унинг бошлиғини сайлаш; 3. ЎзРАИ таркибида «Ҳимоят» қўмитаси ташкил этиш ва унинг раисини сайлаш;

4. Хорижий мамлакатлар билан адабий алоқалар марказини ташкил этиш ва унинг бошлиғини сайлаш;

5. ССЖИ Ёзувчилари уюшмасининг бўлажак қурултойига вакиллар сайлаш.

Қўйилган масалалар юзасидан ЎзРАИнинг котиби Мирзо Кенжабек қисқача ахборот берди.

— «Маърифат маркази» биринчи навбатда адабиётимиз тарғиботи билан, маданий-маърифий анжуманлар, учрашувлар, адабий кечалар ўтказиш ишлари билан, нашр ва китоб савдоси билан машғул бўлади. Умуман, халқимизнинг маърифатини юксалтириш билан боғлиқ барча масалалар бу марказнинг ваколатига киириши керак. Энди «Ҳимоят» қўмитаси хусусида. Мазкур қўмита адиб-ёзувчилар шаънини, уларнинг муаллифлик, фуқаролик ва бошқа ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, 30—50-йилларда қатағонга учраган ва турли даврларда чет мамлакатларга ҳижрат қилган ёки хорижда туғилиб-ўсиб, турк-ўзбек тилида ижод қилаётган қалам аҳлининг ҳақ-ҳуқуқи ва хотирасини тиклаш, уларнинг асарларини нашрга тайёрлаш, яқин қавм-қариндошларига моддий ва маънавий мадад бериш ишлари билан шуғулланади. Қатағон дегани фақат 30—50-йилларда юз бергани йўқ. Бу ҳол турли шаклларда ҳозир ҳам мавжуд. Айрим адибларга қилинган туҳмат ва тазйиқлар, матбуот ва ойнажаҳонда уларга қўйилган кўринмас тақиқлар бунга мисол. «Ҳимоят» қўмитаси ана шу инсоний ҳақ-ҳуқуқларнинг тикланиши учун курашади. «Хорижий алоқалар маркази» эса ўз номидан кўринниб турганидек, ташқи дунё билан Адиблар иттифоқининг маданий-маърифий, иқтисодий алоқаларини тартибга солади.

Давоми еттинчи бетда

ЎзАО АХБОРОТИ

БМТ Бош Ассамблеясининг 46-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудованинг Орол денгизини асраб қолиш юзасидан халқаро ҳамкорлик бўйича хати матни расмий ҳужжат сифатида тарқатилди. Орол бўйидаги экологик вазият ва қуриётган денгизни асраб қолиш юзасидан чора-тадбирларни 1992 йили БМТнинг Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференциясида кўриб чиқишга қарор қилинди.

●

Ўзбекистон «Бирлик» халқ ҳаракати Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Озарбойжон давлатлари Ҳамдўстлигини тузиш зарурлигини маълум қилди. Бу ҳақда «Известия» рўзномаси хабар берди.

●

Қозоғистон Республикасининг Олий Кенгаши 16 декабрь куни Қозоғистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисида қонун қабул қилди.



Қутлайлик!

Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон 70 ёшда

Таниқли шоир ва драматург ижоди ҳақида ҳамкасбларининг дил сўзлари, янги шеърларидан намуналар бизнинг ҳафталигимизнинг тўртинчи саҳифасида таниласиз.

4 БЕТ.

ЭРК ҚЎЛИМИЗДА

Бошн биринчи бетда

мустақилликни амалга ошириши мумкин. Шу маънода биз референдум муносабати билан мустақиллигимиз манзараларини аввалроқ кенг кўламда муҳокама қилиб олишимиз зарур эди. Матбуотимиз эса фақат президентлик сайлови тарғиботи билан овора. Бунга хоҳлаган газетадан мисол келтириш мумкин. Майли, у ҳам керак. Бироқ мустақиллигимиз учун нималар қилиш керак деган саволларга халқ бугун жавоб топмаса қачон топади?

Ҳозир ишбилармонлик, тадбиркорлик кенг қулоч ёймоқда. Бироқ тадбиркорлик маданияти ниҳоятда заиф. Мустақил давлатнинг ишбилармонлари қандай бўлиши керак? Бунинг аниқ дастури кўринмаяпти. Халққа хизмат қиламан деганларнинг кўпи халқни алдаш йўлига ўтиб кетаяпти. Мана, сиз, Ҳайдар ака, қаҳатчилик даврини кўргансиз. Ҳозир, худога шукур, ундай давр эмас. Бироқ қимматчилик бор. Оддий нонни олинг. Самарқанднинг машҳур нонлари 50 тийин турарди, ҳозир 5—6 сўмга чиқди. Ахир, уннинг нархи ошган эмас-ку! Новвойлардан: сизлар ун билан таъмий этилгансизлар, нега нонни бунчалик қиммат қилиб юбордиларинг, деб сўрасам «сотувчиларга бир нима бермасак, унни ололмаймиз», дейишади.

Биз тақчилликни сунъий равишда яратиб қўйганга ўхшаймиз. Албатта, бундай ҳоллар мустақилликнинг маънавий-руҳий жиҳатларига келиб тақалади. Тадбиркор, ишбилармон одамлар кимнингдир ҳисобига яшашни эмас, энг аввало, ҳалол кун кўришни ўрганиши керак. Халқнинг маданиятини, истиқболини ҳам ўйлайдиган бўлиши керак. Чунки ҳамма жамиятда мукаммалликка интилиш, камолотга эришиш орзу бўлиб келган. Ўтмишда бежиз 16 йиллаб мадрасада ўқишмаган.

Биз юртимизда кечаётган муҳим тарихий жараёнларга лоқайд муносабатда бўлиш кайфиятидан ҳам батамом қутула олганимиз йўқ. Бу борада ижтимоий соҳа олимларининг сусткашлиги катта. Энг муҳими, сиёсий жиҳатдан мустақилликка эришишдир. 130 йиллик эрксизлик даврида ўзимизнинг айбимиз билан ҳам мустамлакачилик занжирлари анча йўғонлашиб кетган кезлар бўлди. Бу занжирни бирданига узиб ташлаш мушкул. Шунинг учун қўшни давлатлар билан, бошқа мустақил мамлакатлар билан ўзаро тенг муносабатлар ўрнатишимиз зарур. Бироқ бизга сиёсий эмас, иқтисодий ҳамдўстликлар керак. Борди-ю, сиёсий ҳамдўстликка кирадиган бўлсак, албатта, кимдир ҳукмронликни қўлга олишга ҳаракат қилади. Мана, 8 декабрда тузилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги. У асли славян давлатлари ҳамдўстлиги эди. Сал норозилик бўлиши билан унга бошқача тус берилди. Барибир, улуғдавлатчилик кайфиятлари сезилиб турибди. Шунинг учун ҳам сиёсий ҳамдўстликка кириш-кирмаслик масаласини шошилмасдан, чуқур ўйлаб кўриш зарур бўлади. Шундай йўл тутайликки, асло мустақиллигимиз зиён кўрмасин.

Т. ДОЛИМОВ: — Марказ демайлигу ҳамдўстлик десак. Лекин ана шу ҳамдўстлик, умумий кенгашга кирмасак, яқин ўн йил ичида нефть масаласи нима бўлади? Сиз иқтисодий ҳамкорлик қилаверамиз, демоқчисиз. Лекин бундай ҳамкорликка кўп мамлакатлар «коса ичида нимкоса» деганларидек, барибир қандайдир сиёсий мақсадларни кўзлаб рози бўлади. Халқаро муносабатлар тарихи шундай. Иқтисодий эмбарголар ҳар куни жаҳонда юз бериб турибди-ку! Мана, масалан, Ельциннинг бизга қўйган талабларидан биттаси: у Ўзбекистондаги руслар ҳам (улар бир миллиондан ортиқ), Россиядаги ўзбеклар ҳам (улар 160—170 минг атрофида) икки мамлакатнинг фуқароси бўлсин, деди.

Т. МИРЗАЕВ: — Икки мамлакатнинг фуқароси бўлишнинг ўзи тутириқсизлик.

А. ЗИЁЕВ: — Бунинг тагида сиёсий мақсад ётибди-да...

Т. ДОЛИМОВ: — Ҳа, балли. Бироқ бу масалаларни ечишга ниҳоятда нозиклик билан ёндашиш зарур бўлади. Биз ўз мустақиллигимиздан қанчалик фахрланмайлик, барибир чет элга чиқадиган йўлимиз битта. Афғонистон орқали, Саланг довони орқали ошиб, хорижга чиқишимиз мумкин. Бошқа қаёққа бормайлик, у ёки бу мамлакат ичидан ўтиб боришимизга тўғри келади. Масалан, Сарахс-Машҳад темир йўли қурилганда ҳам Туркманистон ва Эрон орқали ўтамиз. Озарбойжон Туркия ва Эронга чиқишга ўз воситачилигини, темир йўлини таклиф этмоқда. Бу ҳам жуда яқин эмас. Катта қийинчилигимиз шундаки, чет мамлакатларга чиқиладиган йўлларимизнинг 95 фоиз қисми Россия ва Қозоғистон ҳудуди орқали ўтади. Саноатимиз учун зарур бўлган металл ва нефтнинг асосий қисми Россиядан келади. Агар Россия бизга нефтнинг бир тоннасини 180 доллардан сотаман, деса ҳеч бир маблағимиз етмайди.

— **Биз газни юборяпмиз-ку!**

— Газ юбориш уч йил олдин тўхтаган. 1966 йили очилган Бухоро гази миқдори 22 миллиард куб метрга тенг эди. Биз қирқ миллиард куб метр қилиб олдик. Шунга Ленин мукофоти олишган...

— **Пахтамиз-чи!**

— Ҳисоб-китоб қилиб кўриш керак. Пахта, қоракўл, ипак... Олтинни ҳам ўз-ўзидан сотиб бўлмайди. Бу ишларда ниҳоятда катта донолик, сиёсатдонлик керак. Муаммонинг нозик жиҳатларини ҳис этган ҳолда уни бирдан-бир тўғри ҳал қила олиш маҳорати керак.

Т. МИРЗАЕВ: — Инсоннинг яшаши учун энг асосийси — истеъмол маҳсулотлари, кийим-кечак. Уларнинг ҳаммасини мустақил давлатимизнинг ўзи таъмин этиши мумкин. Энди бизга етишмаётган нарсалар бор: металл, машиналар, тракторлар, илғор технологиялар. Буларни ўзимиздаги сероб нарсалар эвазига олишимиз, олди-берди қилишимиз мумкин-ку. Айтайлик, пахта ва ҳоказо. Биз ўзимизнинг ички имкониятларимизни ҳисобга олмасдан фақат четдан келадиган нарсаларга умидвор бўлиб яшаяпмиз. Металлу мукаммал технологияларни кўя турайлик ҳатто адабиётимиз тарихи, назариясини ҳам четдаги олимлар яхши ёзади деган кайфият ҳукмрон эди. Ўзимиз шунақа тасаввур туғдирганмиз. Мустақиллик ички имкониятларимизни рўёбга чиқаришимизни ҳам тақозо этади. Ахир, бировнинг қўлига қарам бўлиб яшаш жонимиздан ўтиб кетмадими? Яна шу кайфиятга бериляпмиз: кўшма корхона бўлса, чет эл капитали кирса иш юришади-ю, бўлмаса гўё юришмайди. Шундай деб, беш-олти йилни бекорга ўтказиб юбордик. Энди буёғини ўйлайлик. Майли, кўшма корхоналар ҳам бўлсин, чет эл капитали ҳам кирсин. Бироқ ўзимиз тебранмасак, фақат шуларнинг ўзи муаммони ҳал қилмайди. Масалан, мен Ўзбекистон ўзини озиқ-овқат, ғалла, гуруч билан таъминлай олмаслигига ишонмайман. Уруш йиллари Ўзбекистон қишлоқларда ғалла майдонларини кенгайтириб, ҳатто фронтга ҳам буғдой жўнатганлиги маълум-ку...

— **Нефть масаласида гап кетди. Озарбойжон нефти Россияникидан яқинроқ эмасми!**

Т. ДОЛИМОВ: — Озарбойжон нефти Россияникига қараганда, биринчидан, кам. Иккинчидан, уни Каспий денгизидан паромда олиб ўтиш керак. Қувур йўқ, темирйўл эса Шимолий Каспий орқали айланиб ўтади. Менинг фикримча, бу иқтисодий жиҳатдан ўнғай эмас...

Бу муаммоларнинг ҳаммаси республиканинг иқтисодий программаси йўқлигига келиб тақаляпти. Иқтисодий концепциямиз йўқ. Ҳолбуки, бу жиҳатдан уч-тўртта муқобил дастурларга эга бўлишимиз лозим эди. Масалан, айтайлик, Россия билан олди-берди қилганимизда нимадан ютамиз-у, нимадан ютказамиз? Бошқа давлатлар билан муносабат ўрнатганимизда-чи? Президент атрофида иш юритувчи иқтисодчилар командаси бундай программаларни аниқ-равшан ишлаб чиқиши ва ундан халқни ҳам хабардор этиб туриши лозим. Бундай команда Гайдарнинг командасига ўхшаб математиклар, сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар, программа тузувчилар, ўткир иқтисодчилардан иборат бўлиши керак.

А. ЗИЁЕВ: — Биз иттифоқ деганда аввало нимани тушунамиз, шуни аниқлаштириб олсак. Чунки шу қоққача иттифоқ деганда фақат СССРни тушуниб келдик. Ҳолбуки, иттифоқ, бу — одамларнинг ўртасидаги оддий борди-келди, мулоқот, ҳамкорликдир. Ва у қон-қонимизда, турмуш тарзимизда азалдан, ижтимоий жамоа тузумидан буён бор нарса. Биз сўз юритаётган иттифоқ эса, бу — сиёсий иттифоқ. Маълум сиёсий мақсадларни кўзда тутиб, ташкил қилинган иттифоқ. Унда халқларнинг, одамларнинг манфаатлари умуман эътиборга олинмаслиги ҳам мумкин. Биз буни кўрдик. Утган етмиш йил ичида қандайдир эўр иттифоқ мавжуддай эди. Бугун у тарихнинг оддий синовларига ҳам дош беролмади. Зўраки иттифоқлиги фош бўлиб қолди. Шунга қарамай, март ойида бўлиб ўтган иттифоқ масаласига доир референдумда халқимиз чалғитилди. Гўёки бизлар иттифоқдан ташқарида яшасак, ҳолимиз танг бўлармиш. Гўёки рус, белорус ёки қозоқ халқидан ажралиб қолармишмиз. Ахир ўтмишда бу халқлар билан сиёсий иттифоқсиз ҳам борди-келди қилиб келганмиз-ку! Бу масалани ҳал қилишдан олдин бизлар ўзимиз учун бир нарсани очиқ-ойдин қилиб олишимиз керак: биз учун бирламчи нима? Давлатчилигимизми ёки сиёсий иттифоқ? Албатта, давлатчилигимиз! Олдин шу масалани аниқ-равшан қилиб олайлик-да, сўнгра иттифоққа қирамизми, ҳамдўстлик ёки ҳамжамиятга аъзо бўламизми — ўйлашиб, маслаҳатлашиб кўришимиз мумкин. Қолаверса, бу саволга жавоб ўз давлатчилигимиз моҳиятидан келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун мен 29 декабрда бўладиган референдумга тарих нуқтаи назаридан, халқимизнинг келажаги қандай бўлиши кераклиги жиҳатидан ёндашиш мақсадга мувофиқ деб биламан.

Биз референдум ва президент сайловида икки тарихий давр: мустамлакачилик ва «қизил империя» зулми остида ўтган йилларимизга якун ясаймиз ва ўз озодлигимиз, чинакам мустақиллигимиз учун пойдевор қўямиз. Шу маънода 29 декабрь биз учун тарихий сана бўлиб қолиши керак. Чунки биз бу кун эски тузум занжирлари узилганлиги, ўзбекларнинг ўз миллий ҳақ-ҳуқуқини таниб, эркинлик ва равнақ йўлига, дунёдаги озод халқлар сафига кирганлигини маълум қиламиз. Ўзбекистондаги давлат мустақиллиги сиёсати бу, энг аввало, халқ иродаси эканлигини намойиш қиламиз. Масаланинг бу томони ташқи сиёсатда, айниқса, хорижий давлатларнинг бизни тан олишларида муҳимдир. Биз Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги учун овоз берар эканмиз, янги давлат раҳбарияти қўлига маънавий-сиёсий қурол тутқизилганлиги, халқнинг ўз мустақиллиги учун жавобгарликни ўз бўйнига олганлиги ва собиқ иттифоқ халқлари олдидаги фуқаролик бурчимизни бажарганлигимизни билдирамиз.

Лекин асосан эртанги кун кўпроқ қизиқтиради. Социал-иқтисодий аҳволимиз маълум: ярим аҳоли қашшоқликда кун кечирмоқда, бозор иқтисодиёти нимага олиб келади, уни ҳали олдиндан кўриш мушкул. Жумҳуриятимизда ишлаб чиқаришнинг бир томонлама йўлга қўйилганлиги, собиқ иттифоқдош жумҳуриятлараро иқтисодий алоқалардаги номутаносибликлар хусусида гапирмаса ҳам бўлади. Ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимизга ижобий таъсир ўтказиши мумкин бўлган сиёсий оқимлар, ижтимоий-ижодий ташкилотлар фаолиятига назар ташлагудек бўлсак, умумий тарқоқликни кўрамиз. Сиёсий кучлар ичида ўзаро келишмовчиликлар борлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Фикримча, сайловдан сўнг мухолиф сиёсий кучлар ўртасидаги масофа янада узаяди. Мусулмонлар ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг йўқолиши, жумҳурият ижтимоий-сиёсий ҳаётида ижобий таъсир жиҳатидан муҳим ўрин тутиб келган Ёзувчилар уюшмасидаги ажралиш — барча-барчаси бир бўлиб оқибатда худди ўша — барча партиялар, ташкилотлар, уюшмалар ғамини еяётган, ўзлигини бағишлаётган халқни кўп азобларга солиб қўйиши мумкин. Бугун шундай дейишга асос бор. Ўзингиз ўйлаб кўринг: сиёсатчилари, дин ва маданият арбоблари тарқоқ бўлган халқдан бирликни талаб қилиб бўладими? Бу тарқоқлик иқтисодий танглик кучайиши билан халқ ўртасида стихияли ҳаракатларга сабаб бўлиб, жамиятимиз, олий мақсадларимиз, келажагимиз учун кутилмаган оқибатларга олиб келмаслигига ким кафолат бера олади? Шуни назарда тутган ҳолда президентлик сайлови ўтгандан сўнг барча ижтимоий-сиёсий кучларни халқимизнинг олий мақсадлари йўлида бирлаштирувчи умумхалқ ташкилоти — МИЛЛИЙ ФРОНТга асос солиш хусусида ўйлаб кўришни таклиф этаман. Янгидан сайланажак президент шундай ташаббус билан чиқса, маълум сабабларга кўра ҳали заиф сиёсий кучлар томонидан табиий равишда намоён бўлиши мумкин бўлган хавфсирашларга барҳам берилган бўлур эди. Бунинг учун МИЛЛИЙ ФРОНТни ташкил этишнинг қуйидаги бошланғич шартларини таклиф қилардим:

1. Президент ўз раҳбарлиги давомида ҳар қандай сиёсий партиядан мустасно бўлади. У бирон-бир сиёсий оқимнинг эмас, умумхалқ манфаатларининг ҳимоячиси сифатида гавдаланиши керак.

2. МИЛЛИЙ ФРОНТГА раислик президентга юклатилади.

3. Раис муовинлари тенгҳуқуқли равишда партиялар раҳбарларидан ё вакилларидан тайинланади.

4. Давлат олий идораларига қайтадан сайлов ўтказилади. Жойлардаги мавжуд сиёсий-бошқарув ва сиёсий-ижтимоий кучлар мутаносиблигини ва уларнинг раҳбарлик билан боғлиқ имкониятларини назарда тутган ҳолда янги олий Кенгаш депутатларининг ярми мавжуд сиёсий кучлар ҳисобидан баб-баравар рўйхат асосида сайланади. Қолган ярим депутатлик мандати умумхалқ сайловига қўйилади.

5. Ижроия органларини ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш, ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиш МИЛЛИЙ ФРОНТ аъзолари — партиялар қатнашувида умумдавлат манфаатлари асосида олиб борилади.

6. МИЛЛИЙ ФРОНТ раиси ва унинг муовинлари умумхалқ олдида, жамият ҳурматини қозонган атоқли шахслар, оқсоқоллар олдида халқ мақсадларига содиқлик хусусида Қуръони Карим тутиб қасам ичадилар. МИЛЛИЙ ФРОНТНИ ташкил этишга киришишдан то таъсис этилгунга қадар бутун жараён матбуот, радио ва телевидение орқали ҳар томонлама холис ёритиб борилади.

МИЛЛИЙ ФРОНТНИНГ бош вазифаси халқимизнинг оғир кунларида, мустақилликнинг тетапоя дамларида нафи тегиши зарур бўлган ижтимоий-сиёсий кучларнинг бошини қовуштиришга хизмат қилишдир.

М. ЭСОНОВ: — Халқнинг хоҳиш-иродаси энг олий қонун. Шу маънода референдум ўтказиш демократиянинг энг олий кўринишидир. Бироқ мустақиллигимизни халққа тасдиқлатиб олиш ҳар қанча муҳим бўлмасин амалий қадамлар қўйишда иккиланса озодлигимиз яна қоғозда қолаверади. Менинг назаримда, биз гоҳо ҳамон кимдандир доҳиёна маслаҳатлар кутаётганга, нимадандир ҳадиксираётганга ўхшаймиз. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш тақозо этаётган туб ўзгаришлардан ўзимизни тийиб турганга ўхшаб кетамиз. Ахир, мустақил давлатнинг ниҳоятда кучли армияси бўлмаган тақдирда ҳам унинг чегаралари қўриқланиши, дахлсизлиги назорат қилиниши керак эмасми? Ҳамон хоҳлаган одам келиб-кетиб, истаган нарсасини ташиб кетяпти-ку! Ҳудудимизда ҳуқуқий жиҳатдан бизга бўйсунмайдиган ҳарбий округнинг бўлиши ҳам ташвиш уйғотади. Кўриб турибмиз, воқеалар шиддати тез. Эртага, айтайлик, марказда демократик кучлар ҳокимиятдан четлаштирилса, бу ҳарбий округ бизнинг давлат мустақиллигимизга раҳна солмасмикан? Бунга ишонч йўқ! Шу боис Туркистон ҳарбий округи тўла давлатимиз тасарруфига ўтиши керак.

Мустақиллигимизнинг тан олиниши, БМТга аъзо бўлиш учун ҳам ҳаракатни жонлантириш лозим. Яхши бўлардики, Олий Кенгашимиз БМТга шу масалада мурожаат қилса. Атрофимиздаги барча қўшни мамлакатлар, араб давлатлари, ўтмишдан алоқаларимиз бўлган давлатларга ҳам Олий Кенгашимиз Ўзбекистонни тан олиш хусусида мурожаат қилса ёмон бўлмасди. Ташқи ишлар вазирлигини мустаҳкамлаб, хорижда ўз элчихоналаримизни очишни ҳам ўйлаб кўрадиган вақт етди. Мустақиллигимизнинг пойдевори мана шу масалаларда кўринади.

А. ЗИЁЕВ: — Умуман, ташқи сиёсат масаласида биз атрофимиздаги ҳамма давлатларни чуқур ўрганишимиз, улардаги жараёнлардан хабардор бўлишимиз, сиёсатдонларнинг қарашларини эътиборга олишимиз зарур. Шунга қараб йўл тутсаккина адашмаймиз.

М. МИРЗАЕВ: — Март ойида бўлиб ўтган референдумда халқимизнинг тўқсон фоизидан кўпроқ қисми Иттифоқ бағрида бўламиз, деб овоз берганлиги бизнинг онгимиз мустақил эмаслигини кўрсатди. Энг қийини — онгни тарбиялаш. Бунинг учун, истаймизми-йўқми, муайян вақт керак бўлади. Биз шу вақтнинг ичида иқтисодий аҳволимизни яхшилаб олишимиз лозим. Тан олишимиз керак, ҳаммамиз ҳам эски одамлармиз. Уша кишанга меҳр қўйган одамлармиз. Юрагимиздаги ҳайкалларнинг ҳаммаси йиқилиб ётибди, уни олиб ташлашимиз керак. Токи, кейинги авлод бу йиқилган ҳайкаллардан ҳам хавфсираб юрмасин. Биз узоқни ўйлаб, ҳозирданоқ кенг кўламли ишларнинг дастини тутишимиз керак. Мустақилликни тор доирада — фақат Ўзбекистон ҳудудида деб тушунсак, янглишган бўламиз. Кейин ҳар қадамда муаммоларга дуч келаверамиз. Мана, славян жумҳуриятлари яқинда ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Уларни табриклаш керак. Бироқ биз қачонгача орқада юраверамиз? Биз ҳам ташаббусни қўлга олишимиз мумкин эди-ку? Мустақилликни Умумтуркистон мисолида ҳис қилсак, Туркистон конфедератив давлатини тузиш ташаббуси билан чиқсак ёмон бўлмасди. Бу бизнинг кучимизга куч қўшган бўлур эди.

Модомики, жараёнлар шу қадар тезлашиб кетаётган экан, ҳозирги даврда иқтисодий танглик, озиқ-овқат тақчиллиги пайтида туб ўзгаришлар қилишимиз лозим. Пул ўзгариши, купонлар билан боғлиқ масалаларни ҳам Урта Осиё кўламида, жумҳуриятларнинг бир-бирига узвий боғлиқлиги вазиятида ҳал қилиш лозим бўлади. Шунда биз мустақиллик тақозо этаётган туб ўзгаришлар даврида ўзимизга хайрихоҳ минтақа яратган бўлур эдик. Айни пайтда, узоқни ўйлаб кенг кўламда фикр юритадиган бўлсак, биз турли халқларнинг муштарак илмоси, умумий ёзувини яратишга ҳам эътибор беришимиз зарур... Мустақиллик халқимизнинг маънавий камолоти йўлида ўзига хос дорилфунун бўлади.

Ҳ. ПЎЛАТОВ: — Мустақил давлатимизнинг қадри, обрў-эътибори масаласи ҳам муҳимдир. Бу ўткинчи, жузъий нарса эмас. Бу давлат, аввало, ўзбек халқининг давлати. Негадир бу ерда мен ўзбек давлати деган атамадан чўчийдиган ибора эшитдим. Халқларимиз деб айтайлик, дейишди. Йўқ, ўзбек бор экан, давлатимиз бор. Ўзбек бўлмаса, давлатимиз ҳам бўлмайди. Бошқа нарсани қўйиш керак эмас. Ўзбек давлати демократик давлат бўлгани учун бошқа миллатларни қадрлайди, эъзозлайди, уларга шароит яратиб беради. Нима учун? Чунки улар ўз тақдирини ўзбек халқи тақдири билан боғлаганлари учун. Ўзбек деган сўзни давлатдан олиб ташлаш яна эскича қолипда фикрлашга олиб келади.

И. ҒАФУРОВ: — Давлатни қиёфасиз қилиб қўймаслик керак-да.

А. ЗИЁЕВ: — Шу нарсани тушуниш керакки, бу заминда ўзбекка яхши бўлмас экан, биз билан бирга яшовчи бошқа халқларга ҳам яхши бўлмайди.

Ҳ. ПЎЛАТОВ: — Агар биз ўз давлатимизни ўзбек давлати деб атамасак, бу ерда ўзбекларнинг қадрига етишмайди. Бу давлатдаги эркинликлар, ҳуқуқий имтиёзлардан халқимиз тенг ҳуқуқли фойдалана олмаслиги мумкин.

И. ҒАФУРОВ: — Биз ўз давлатимизни ўзбек давлати деб атамасак қайтанга бизнинг зиёнимизга бошқаларга яхши бўлиши мумкин. Чунки одамларнинг маданий, сиёсий, илмий даражаси, савияси бир хил эмас. Бошқаларнинг даражаси бу жиҳатдан бир қадар юқори ҳам бўлиши мумкин.

Ҳ. ПЎЛАТОВ: — Расмий иш юритиш тили бошқа тил бўлиб келган, бизнинг халқимиз ўрис тилида бемалол ёза олмайди...

И. ҒАФУРОВ: — Шуларнинг ҳаммасига «интернационализм» ниқоб қилинган. Сохта интернационализм. У халқларни қиёфасизликка маҳкум этди. Бу ерда айтилди: қанча янги-янги илмгоҳлар, академиялар очилаяпти, шунча йиллардан бери кадр етиштираяпмиз, улар қаёққа кетаяпти? Худди қумга сингиб кетишгандек...

Т. МИРЗАЕВ: — Мана, оддий мисол. Яқинда институтимиз иккига бўлиниши муносабати билан янги ҳисобчи лавозимига мутахассис керак бўлиб қолди. Қанча жойга мурожаат қилмайлик, маҳаллий миллат вакилидан мутахассис топиш қийин бўлди. Ҳар бир корхонага иқтисодчи, алоқачи, эҳ-ҳе, қанчадан-қанча ўзбек тилида, она тилимизда иш юритувчи мутахассислар керак.

Ҳ. ПЎЛАТОВ: — Мустақиллик майзарасини келишиб олдик. Энди биз мустақил давлатимиз қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб беришимиз керак. Бу масаланинг асл моҳиятидир. Қоида бўйича мустақиллик ўша давлатнинг фаолияти билан белгиланади. Лекин бу фаолият сиёсий материянинг маълум бир белгиларидан келиб чиқади. Биз ҳуқуқий давлат тузяпмиз. Бундан ҳеч ким кўз юмаётгани йўқ. Бироқ уни ҳамма йўллар, воситалар бўйича ишлаб чиқишимиз, рўёбга чиқаришимиз керак. Президентлик — ҳуқуқий давлатчиликка хос. Биз ҳозир президент сайловига жуда катта тайёргарлик кўряпмиз. Аммо зарур бўлганда президентни бўшатиш механизмини мен негадир кўрмаяпман. Эҳтимол, мен хато ўйлаётгандирман, ундай бўлса мени тузатишларингиз мумкин.

— **Муҳлати бор-ку!!**

— Муҳлат нима у? Конституцияни, қонунни бузиш ҳоллари бўлса-чи? Президентлик — демократик лавозим. Шундай экан, бу механизм ҳам аниқ бўлиши керак. Менинг ушбу фикримнинг у ёки бу номзодга алоқаси йўқ. Президент ким бўлишидан қатъи назар, халқнинг иродасини ҳис этиб туриши керак. Бу ҳуқуқий давлатчиликнинг энг муҳим шартидир.

Иккинчиси, бу — қонун. Ҳамма нарсадан энг олий ҳокимият, бу — қонун ҳокимиятидир. Назаримда, биз бунга ҳам етарли аҳамият бермаётган кўринамиз. Суд ҳокимияти ҳам шу аҳволда. Конституцион назорат қўмитасининг фаолияти умуман менга қоронғу. Ҳуқуқий давлатнинг уч устуни бор: ижро ҳокимияти, қонун ҳокимияти ва суд ҳокимияти. Мустақил давлат тузадиган бўлсак, буларнинг ҳаммаси мукаммал бўлиши керак. Мукаммал бўлмас экан, мустақиллигимиз ҳам омонат бўлиб қолаверади.

Энди халққа маънавий таъсир этадиган воситалар бор. Уларнинг ҳам деярли аксариятида совуқ сувни пуфлаб ичадиган одамлар ўтиришибди. Улар консерваторлар, ҳуқуқий давлатчиликнинг кишанларидир. Мен мустақил давлатнинг тўртинчи ҳуқуқий ҳокимияти деб мана шу жамоатчилик фикрини бошқаришга масъул бўлган мафкура, идеология соҳасини тушунаман.

Мустақил давлатнинг албатта қатъий чегараси бўлиши керак. Ҳозир шлагбаум олдида турган мелисага 500 сўм бериб, бошқа жумҳуриятлардан келиб ҳаммаёғимизни талаб кетишяпти. Бедарвоза мамлакат бўлиб қолдик. Қаллобликнинг янги-янги турлари келиб чиқмоқда. Демакки, бизга миллий разведка органи ҳам керак. Хуллас, чегарамизни қулфу-калитлик қилиб, ҳақиқий мустақил давлат тизимини ўрнатишимиз зарур. Солиқ масаласи ҳам бор. Чунки бутун давлат системаси, қуролли кучлар солиқ ҳисобидан фаолият олиб боради. Тўла иқтисодий мустақиллик шароитида солиқ муҳим ўрин тутади.

Пулимиз бўлиши шарт. Биз ўзимизни алдамайлик — армиямиз бўлиши ҳам шарт. Ягона ҳарбий қуролга эга бўламиз дейиш мутлақо нотўғри. Ўзимизни мудофаа қила оладиган замонавий қурол билан қуролланган муайян ҳарбий кучимиз бўлиши шарт. Ички ва ташқи сиёсат тўғрисида гап кетди. Мустақил, янги, жаҳон билан муомала қила оладиган халқаро субъектнинг ташқи ишлар вазирига қўйиладиган талаб ниҳоятда катта. У душманни дўст қиладиган, минглаб армиялар ҳал қилолмайдиган ишни эплайдиган алоҳида бир қобилиятли шахс бўлиши зарур. Ташқи ишлар сиёсатини ишлаб чиқишнинг ўзи, бу — алоҳида бир илм. Биз бу соҳада ўз мактабимизни яратишимиз керак. Давлатимизнинг дунёвий давлат эканини мутлақо унутмасдан, мафкуравий ишимизда уни марказий масала даражасига кўтаришимиз керак. Мен диндорлар орасида ҳам бўлдим. Очиғини айтсам, уларнинг юриш-туриши менга мутлақо ёқмаяпти. Масалан, муфти Муҳаммад Содиқга нисбатан бўлган «ҳужум»ни олинг — бу умуман маданиятсизликдир. Очиқдан-очиқ амал талашиш.

Ҳ. ПЎЛАТОВ: — Дунёвий давлатнинг белгилари плюрализм, ҳурфикрлик, виждон эркинлиги. Бироқ бу дунёвий давлат қонунсиз деган эмас. Виждон эркинлиги бўйича муайян қонунимиз бор экан, шунга қараб иш тутайлик. Бу ерда миллий фронт тузиш масаласи айтилди. Бироқ унга, албатта, президент раислик қилиши унчалик шарт эмас.

Мактаб ва олий ўқув юртларида сиёсий-ҳуқуқий фикрлар тарихи ўқитилиши керак. Биз фарзандларимизга ёшликдан мустақиллигимиз учун зарур бўлган сиёсий онгни сингдирайлик. Биз шу масалада депутатларимиздан ранжиб юрамиз. Аслида улардан хафа бўлишимиз керак эмас. Улар аввалдан тайёрланмаган, бори шу!

Т. ДОЛИМОВ: — Ҳаммамиз у йўқ, бу йўқ деяпмиз. Ростини айтолмаяпмиз. Ҳайдар Пўлатович, сиз айтаётган одамлар — буларнинг ҳаммаси илгариги компартиянинг одамлари, аппаратчилар. Улардан нимани кутасиз? Бир қатлам пастроқ тушайлик: яхши олимларимиз ҳам, ёзувчи, журналистларимиз ҳам, ўткир сиёсатдонларимиз ҳам бор.

Ҳ. ПЎЛАТОВ: — Барибир сиёсий-ҳуқуқий фикрлар тарихини кенг кўламда ўқитмасак, бўлмайди. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини тўла ислоҳ қилиш керак. Ҳозирги ўқитиш бу фикр диктаторлигидир. Шунга эришайликки, ҳар бир ўқувчи, талаба ўз мустақил фикрига эга бўлсин. Юнон файласуфи Демокрит: сиёсат одамларга ҳусн беради, дейди. Биз халқимизни камолотга олиб чиқмоқчи бўлсак, унга сиёсий фикрлаш, ҳуқуқий фикрлаш имконини яратиб бермоғимиз, нутқ санъатини жонлантирмоғимиз, демократик омиллардан фойдаланиш дастурини қўлига бермоғимиз керак.

И. ҒАФУРОВ: — Ҳамма нарсани охир-оқибатда халқимизнинг умумий сиёсий-маънавий савияси ҳал қилади. Мен кейинги йилларда ўқиб, ниҳоятда хурсанд бўлган чиқишлардан бири Ҳайдар Пўлатовнинг «Мулоқот»да босилган «Ўзбек концепцияси» деган мақолалари бўлди. Ўзбек халқи неча минг йиллардан бери бор. Лекин ҳали халқимиз қандай халқ, нимага қодир халқ, ўтмиши қандай, келажаги қандай бўлади — ана шу асосда умумий, равшан бир концепциясини ярата олган эмас эканмиз. Шунинг учун ҳам халқимиз тўзғиб, ўзининг заифликлари ичида қоришиб ётибди. Уша заифликлардан қутулиб кетолмаяпти. Четдан келган мустамлакачилар эса шу заифликларга урғу беради. Бизни оилага қамаб қўйишни истайди. Улар бизнинг жуда тор қобиқдаги масалалардагина фикр юритишимиз ва ўша тор қобиқлардагина яшашимизни истаб келган. Миллий озодлик ҳаракатларимизнинг ҳаммаси шафқатсизлик билан мажақланган. Ҳатто номи ҳам ўзгартирилиб, чунончи, босмачилик деб ҳам аталган. Ҳатто бизда эмас — Афғонистондаги миллий озодлик ҳаракатига ҳам «душман» деган тус берилди, ўзининг Ватани учун курашган одамлар душман ва босмачига чиқарилди. Бу яқин кунларда бўлиб ўтган гаплар. Ҳали беш йил ҳам бўлгани йўқ. Демак, бу империянинг жуда катта сиёсати — Пётр I, Иван Грозний даврларидан бошлаб давом этиб келаётган сиёсатнинг кўринишларидир.

Шунинг учун менинг назаримда, аввало, миллат концепциясини, сиёсатимиз, иқтисодиётимиз концепциясини ишлаш ниҳоятда зарурдир. Мустақилликка эришган халқ учун мана шу учта катта «кит»ни англаш уни ўша равшан англаш замирида ҳаракат қилишга олиб келади. Бошқа йўлимиз йўқ. Мана ҳозир ҳазрат Беҳбудий 17—18 йилларда кўтарган масалаларни бошқатдан кўтараяпмиз. Мен «Фан ва турмуш», «Шарқ юлдузи» ва ўзимизнинг ҳафталикда босилаётган мақолаларни айтяпман. Бугун бошимизни қотириб ўтирган нарсаларни миллатдошларимиз 16—17-йилларда — Қўқонда Туркистон мустақил давлати тузиш даврида ниҳоятда қаттиқ ўйлашган. Ундан кейин бу ғоялар мажақлаб ташланди. Озодлик ҳаракатлари йўққа чиқарилди. Миллат концепцияси ҳам кун тартибидан мутлақо олиб ташланди. Мана, Болтиқбўйи жумҳуриятларига ҳавасимиз келади. Улар 50-йилларда ҳам шу ҳақда ўйлаган: озодлик нима, мустақиллик нима, миллатнинг умумий қиёфаси, савияси нима ва булар қандай қилиб юзага чиқарилади?

Улар шуни ўйлаб келганлиги учун бутун адабиёти, фалсафасида бу муаммолар акс этиб келган. Бизда бу нарсалар мутлақо йўқ бўлиб кетди-ку. Қодирийдан кейин озодликнинг овози ўчди, десак ҳам бўлади. Бу ерда айтиб ўтилганидек, сохта ғоялар, сохта ғурурлар устида фикр юритдик. Ҳатто йирик, жуда талантли олимларимиз ҳам интернационализмнинг миллатга таъсири, интернационализм ва маданият деган сохта гаплар устида 30—40 йиллаб бош қотириб келишди. Халқ онги учун асосий нарсалар эса қолиб кетди. Шунинг учун ҳозир халқ жуда ожиз бўлиб қолган. Фақат кун кўришни ўйлайди. Энди уни кўтаришимиз керак. Ҳайдар ака бу ерда жуда тўғри айтдилар: миллат концепциясини ҳаммамиз ишлашимиз, у матбуотимизнинг асосий мавзуси бўлиши керак. Бўлмаса, ҳеч нарсага эришолмаймиз.

Бу ерда ресурслар масаласи мунозарага сабаб бўлди. Қувайт, Саудия Арабистони нақадар бойлигини ҳамма билади. Бироқ менинг назаримда, биз Саудиядан ҳам, Қувайтдан ҳам минг баробар ресурсларга бой бўлсак керак. Уларнинг фақат нефти бор. Битта нефть туфайли бутун жаҳоннинг бойликлари уларга оқиб келяпти. Ё нотўғримми?

Т. ДОЛИМОВ: — Тўғри, улар бу бойликдан жуда оқилона фойдаланишади.

И. ҒАФУРОВ: — Ҳа, мен шуни айтмоқчиман. Ресурслардан фойдалана олиш учун миллатнинг ақл-идроки етарли даражада ривожланган бўлиши керак. Ва ўзининг бойликларини минг-икки минг йилга етказа оладиган томонларини ҳам ўйлаши керак. Эҳтимол, ҳали бизнинг Қизилқумимиз тагида нефть денг

„ТИРИК САТРЛАР"НИНГ ҚИЙИН ҚИСМАТИ

Қайта қуриш шарофати билан «ошкоралик» деган неъматга эришдик. Секин-аста бўлса-да, сўз эркинлиги ва бошқа эркинликлар жорий бўляпти. Матбуот саҳифаларида илгари тасаввур ҳам қилиш қийин бўлган мақолалар чоп этиляпти, айниқса, XX аср бошларидаги адабий мерос намуналари халққа қайтариб берилляпти, қатли ом қилинган ижодкорларнинг асарларини қидириб топиб, янгидан босиляпти, авваллари ман этилган ёки ўта бир томонлама сохталаштириб талқин қилинган мавзуларда эркин баҳс юритиляпти, кескин фикрлар айтиляпти. Буларнинг бари жуда яхши, албатта. Чунки сўз эркинлигисиз ҳеч қандай тараққиёт ҳақида, жамиятнинг ривожи тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бироқ сўз эркинлигининг жуда муҳим бир жиҳати борки, назаримда, буни баъзан унутиб қўяётганга ўхшаймиз. Сўз эркинлиги ҳар кимга ошкора тарзда истаган мавзуида, истаган фикрини айтиш имконини бериш билан бирга унинг зиммасига муайян масъулият ҳам юклайди — унинг айтадиган фикри ижтимоий салмоққа эга бўлмоғи, бошқаларда ҳам фикр уйғотмоғи лозим. Бу фикрлар ўзгаларга малол келмайдиган тарзда юксак маданият билан айтилмоғи керак. Айниқса, ўтмиш тарихимиздаги сохталиклар ва уйдирмаларга қарши курашишдек олижаноб ниятга эга бўлган одамларнинг ўзлари ёлғондан узоқ юрмоқлари, уйдирмаларга йўл қўймаслиги керак.

Афсуски, бугунги кунда матбуот саҳифаларида биз анча-мунча ҳолларда масалани чуқур ўрганмай туриб, ҳовлиқмалик билан иш юритилаётган, натижада «ярми ёлғон ярми чин» гапларни ҳам «кашфиёт» тарзида тақдим қилинаётган фактларга дуч келяпмиз. Масалан, айрим журналларда «Гавҳар» деган ҳикоя Чўлпонники деб эълон қилинди. Ҳолбуки, бу ҳикоя ўз вақтида «Йўксил» деган тахаллус остида эълон қилинганди. «Йўксил» эса 20-йилларда Баҳром Иброҳимовнинг тахаллуси бўлган. Айрим «тадқиқотчи»ларимиз сира андиша қилиб ўтирмай, ўз чаласаводликларининг самарасини китобхонларга кўз-кўз қилишга ошиқади. Масалан, библиографик кўрсаткичларнинг бирида 20-йилларда Чўлпоннинг «Имом Фузулий» деган мақола эълон қилгани таъкидланади. Афсуски, мен ҳам бу гапга чиппа-чин ишониб, «Чўлпон» деган рисоламда уни айнан такрорлаганман. Аммо кейинчалик кўрсатилган манба («Инқилоб» журнали) текшириб кўрилганида мақоланинг номи «Имом Ғаззолий» экани, муаллифи ҳам бошқа одамлиги маълум бўлди. Яқинда Тошкент дорулфунунида бўлган бир анжуманда нотиқлар Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон ва бошқаларнинг асарларини чоп этишда текстологик хатоларга кўп йўл қўйилаётганини, бу арабча ёзувни ўқиш ва талқин қилишдаги саводсизлик оқибати эканини айтишди. Бундай хатолар асар матнини бузиб юборади, унинг маъносини хиралаштиради. Таассуфки, бундай хатолар Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» деган китобида ҳам анча-мунча бор. Бунга китобнинг муҳаррири сифатида мен жавобгарман, албатта.

Яқинда «Ёшлик» журналининг 11-сонини олиб, юқоридаги каби «яхши ният» билан қилинган янги бир уйдирмага рўпара келиб, жуда ҳайрон қолдим. Бу гал журнал таҳририяти бир вақтлар чоп этилган, бироқ китобхонлар ўртасида тузукроқ тарқаб улгурмай ман этилган «Тирик сатрлар» китоби ҳақида муштарийларга маълумот беришни, ўз вақтида китобга нисбатан йўл қўйилган адолатсизликни фош қилишни мақсад қилиб олган. Бу мақсад яхши, албатта, уни табрикламасдан илож йўқ. Аммо бу мақсадни амалга оширишда журнал таҳририяти масъулият билан иш тутганда, ёлғон-яшиқ, ҳавойи гапларга йўл қўймасдан билимдонлиги ва талабчанлигини намойиш этганда айни муддао бўлур эди. Шундоқ ҳам ёлғон-яшиқларга кўмилиб кетган адабиётимиз тарихини бугунги кунда яна сохталаштириш, бир ёлғоннинг ўрнига бошқа, «яхшироқ» ёлғонни барқарор этиш на даркор. Ёлғон гаплар, уйдирма ва сохталиклар ҳеч кимга шуҳрат келтирмайди, ахир.

Биламан, менинг бу гапларим журнал таҳририятига малол келади. Шунинг учун тезроқ далилларга кўча қолай. Журнал иккинчи саҳифасида «Миллатим деб куйди жоним, кимга дей?» деган рукн остида Нозимахоним, Мискин, Сидқий-Хондайлиқий, Дилафгор, Манзура Бону, Абдулла Алавий, Абдураззоқ Фақирий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон ва Элбекнинг шеърларидан намуналар берган. Учинчи саҳифада муштарийларга мурожаатда «эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу шеърлар «Тирик сатрлар» деб номланган китобдан олинди» дейилган. Билмадим, «Ёшлик»нинг шу шеърлар чоп этилган саҳифасини ким тайёрлаб берди экан? Ким бўлганда ҳам бу ерда тутуриқсизлик ва масъулиятсизликка йўл қўйилган. Бунинг устига бу материалларни саҳифага олиб чиққан ўртоқ «Тирик сатрлар» китобини қўлига олиб варақламаган ҳам кўринади. Чунки биринчидан, «Тирик сатрлар»га Сидқий-Хондайлиқий, Дилафгор, Абдурауф Фитратнинг биронта асари киритилмаган, уларнинг номи ҳатто тилга ҳам олинган эмас. Иккинчидан, Чўлпоннинг тўпламга киритилган йигирма уч шеъри орасида «Бузилган ўлкага» деган шеъри йўқ эди. Хўш, китобга кирмаган шеърларни «кирди» дейиш нима учун зарур бўлиб қолди? Бунга жавобни яна шу таҳририят мурожаатидан топамиз: «Тирик сатрлар» китобига кирган шеърлар бошдан охир худди ана шу ҳурриятсизлик, ўзликни англаш руҳи билан суғорилган эди. Уларда асримизнинг биринчи чорагида бошланган миллий уйғониш, жадидчиликнинг эрксевар ғоялари ўз бадиий ифодасини топган эди». Бу гаплардан мақсад китобга унда йўқ фазилатни туфлаб ёпиштиришдир. Китоб 1968 йили чоп этилган. Ўйлаш мумкинки, ўша пайтда Сидқий-Хондайлиқий, Дилафгор, Фитрат ва Чўлпоннинг юқоридаги шеърлари китобга киритилган экан, китобни тўплаган Муҳсин Зокиров, таҳрир ҳайъатига аъзо бўлган Миртемир, Зулфия, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин ва ҳам таҳрир ҳайъатига аъзо бўлган, ҳам муҳаррирлик қилган яна бир ўртоқ роса довюрак бўлишган экан-да! Ахир, ўша кезларда «Миррих юлдузига» ёҳуд «Бузилган ўлкага» каби шеърларни эълон қилиш учун одам қамалишни бўйнига олиб, кўрпа-тўшагини орқалаб, бола-чақаси билан видолашиб чиқмоғи керак эди. Ёки «турғунлик йиллари» деб аталган йилларда ҳар ким истаган нарсасини бостириб чиқараверадиган эркинлик барқарор бўлганми? Партия Марказий Комитети, бошқа мафкуравий органлар ижодкорларнинг бошини силаб, уларга зўр шароитлар яратиб, орден-медаллару унвон ва мартабалар улашишдан бошқа иш билан шуғулланмаганми?

Таҳририятнинг мурожаатида яна бир ваҳимали гап бор — эмишки китоб «нашрга тайёрланиб, дастлабки нусхалари китобхонлар қўлига текканида, давлат хавфсизлик қўмитасидаги «сергак ҳимоячилар» бундан хабардор бўлиб қолишади», кейин эса китобнинг «барча нусхаларини... бир жойга тўплайдилар ва нашриёт ҳовлисида гулхан ёқиб роса исинадилар». Буни ўқиб, «Ё тавба!» деб ёқа ушлайсан, киши! ДҲҚнинг ёвузлиги ва маккорлиги ҳақида юзлаб мақолалар ўқиётган, ТВ кўрсатувларини томоша қилаётган ҳозирги одамлар «Ие, журнал муҳарририяти айтган «сергак ҳимоячилар» роса ландавур, бефаросат, ўз ишига яроқсиз одамлар экан-да, улар давлатнинг пулини бекор еб ётишган экан-да!» деб таажжубланишлари мумкин. Аслида эса, «сергак ҳимоячилар» «миллий уйғониш, жадидчиликнинг эрксевар ғояларини» ифодаловчи асарлар бўлса, улар босилиб чиқиб, китобхонлар қўлига етганда эмас, ижодкорларнинг кўнглида шундай китоб яратиш нияти пайдо бўлиши биланоқ хабардор бўлишарди ва унга қарши зарур тадбирларини кўриб қўйишарди. Ким қандай қўлёзма кўтариб келди, унинг мазмуни қанақа, унинг атрофида қандай гаплар бўляпти, қўлёзмада ҳукуматга қарши эмас — бундан худо асрасин — унга маъқул келмайдиган, бирон иллатга шама қиладиган нималар бор — булар ҳақида ДҲҚга бир зумда оқизмай-томизмай маълумот берадиган хуфялар нашриётда бўлмаган дейсизми?! «Сергак ҳушёрлар» китобнинг барча нусхаларидан нашриёт ҳовлисида гулхан ёқди, деган гап ҳам тўғри эмас. Нима, ёқаман деса, ДҲҚнинг ўзининг ҳовлиси йўқмиди? Ўша пайтдаги ДҲҚнинг энг даҳшатли томони, одамларнинг юрагига белгисиз даҳшат соладиган жиҳати шунда эдики, у жамики разил ишларини, қабиҳ кирдикорларини одамларнинг кўзидан панада, сирлилик пардасига ўраб қиларди. ДҲҚдаги «довюраклар» «Тирик сатрлар»нинг тақдирига аралашганми-йўқми, аралашган бўлса қай даражада ва қандай шаклда аралашган — буни аниқ билмайман, ҳар ҳолда, аралашмай, бир чеккада томошабин бўлиб турмаган бўлса керак.

Лекин мен қатъий ишонч билан шунга кафил бўла оламанки, ДҲҚ ходимлари бу китоб нусхаларини нашриёт ҳовлисида ёққан эмас. Тўғри, 70-йилларнинг охирида бўлса керак, китоб муқовалари нашриёт йўлагида бир қанча вақт ётиб ётди. Улар коленкордан жуда бежирим қилиб ишланган муқовалар эди. Кейин уларни қирқиб ташлашди, шекилли. Салкам беш минг дона қимматли муқовани бошқа бирон китобга ишлатиш ўрнига, бутунлай исроф қилишди. Бугун ўша совуришларнинг уволи тутмаяптимикин?

Билмадим нима сабабдан бўлсайкин — бу ёлғон устига яна бир ёлғон ҳам қўшилади: эмишки, китоблардан гулхан ясалгандан сўнг «китоб муҳаррири бўлса, нашриёт биносининг 4-қаватидан ўзини ерга ташлаб, бошига тушажак кулфатдан «қутулиб» қолади». Бўлмаган гап! «Ие, қизиқ-ку, — деб эътироз билдиришингиз мумкин, — бу воқеа камида 22—23 йил аввал рўй берган бўлса, сиз буни қаёқдан биласиз?! Тепасида турганмидингиз?» Ҳамма гап шундаки, «Тирик сатрлар»нинг муҳаррири... мен эдим. Биламан, бир қанча одамларнинг қўлида китобнинг айрим нусхалари сақланиб қолган. Ўшалардан сўранглар — китобнинг камида уч жойида менинг фамилиям муҳаррир сифатида рақам қилинган. Китобга ишонмасангиз, ўша пайтда нашриёт раҳбариятида ишлаган одамлар бор — масалан, Иброҳим Ғафуров — улар гапимни тасдиқлаши мумкин. Мен қасам ичиб гувоҳлик бераманки, ҳеч қачон нашриёт биносининг 4-қаватидан ўзимни ташлаган эмасман, нафақат нашриётнинг, умуман, ҳеч қандай ташкилотнинг 4-қаватидан ҳам сакраган эмасман. Худога шукур, оёқ-қўлим соғ, гавдам жойида, мана, олтмиш учга киряпман...

Кўриниб турибдики, аниқ фактлар ва ҳужжатларга таяниш ўрнига ёлғон-яшиқдан ҳавойи гаплар тўқишлар адабиётимизнинг бусиз ҳам чигал тарихини тўғри кўрсатишга халақит беради.

Воқеа аслида бундай бўлган эди: 1967 йили Октябрь инқилобининг 50 йиллиги зўр тантаналар билан жуда кенг нишонланди. Ҳамма ташкилотлар тўйга атаб тўёналар тайёрлашди. Ўша пайтнинг таомилига кўра кўп ишларимиз, шу жумладан, мафкуравий ишлар ҳам шундай саналар муносабати билан амалга оширилади. Қўйинг-чи, нашриётда ҳам шу байрамга муносиб китоб чиқариш нияти пайдо бўлади.

Худди шу ният XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти материалларини йиғиб юрган, вақтли матбуот саҳифаларида уларни қисман эълон қилган адабиётшунос Муҳсин Зокиров нашриётга ўз қўлёзмасини таклиф қилади. Ўша пайтдаги тартибларга кўра нашриётга келган ҳар бир қўлёзма бир марта, лозим бўлса бир неча марта тақризга бериларди. Нашриёт қўлёзмани менга тақризга берди. Мен китобни, умуман, қурилишини ўзгартириш ҳақида таклиф киритдим. Менинг фикримча, китоб уч қисмдан иборат бўлмоғи, биринчи қисмга ижодини инқилобдан аввал бошлаган шоирлар, иккинчи қисмга, асосан 20-йилларда фаол ижод қилган шоирлар, учинчи қисмга эса 30-йилларда балоғатга эришган, лекин турли сабаблар билан номлари унутила бораётган шоирлар кирмоғи керак эди. Таклифим маъқул бўлди, шекилли, нашриётчи менга китобга муҳаррир бўлишни таклиф қилди. Мен рози бўлдим. Бироқ инқилоб тўйига улгуришнинг сира иложи йўқ эди, материал ҳаддан ташқари кўп, ундан жуда синчиклаб, муайян қисминигина ажратиб олмоқ керак эди. Айтмоқ керакки, танлаш жараёнида на тўпловчи, на мен «миллий уйғониш, жадидчиликнинг эрксеварлик ғоялари»ни ифодалайдиган шеърларни олиш йўлидан борганимиз йўқ. Муҳсин Зокировни билмадим-у, лекин мен у пайтларда ҳукмрон коммунистик мафкурани бирдан-бир тўғри мафкура деб ҳисоблардим, унга зид ғояларни қоралардим, синфийлик ҳақидаги таълимотнинг этагидан астойдил тутган эдим. Мен анча жасоратли, ҳақ гапни айтишдан чўчимайдиган бир одам сифатида танилган бўлсам-да, коммунистик мафкуранинг чириклигини англайдиган даражага етмаган эдим ва табиийки, унга қарши ошкора курашиш мумкинлиги етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди. Тўғри, ҳаётимиздаги кўп нуқсонларни, мантиқсизликларни, расмиятчиликни, адолатсизликни кўрардик, баъзан юрак ютиб улар тўғрисида гапирар ҳам эдик, адабиётни бу иллатларни фош қилишга ундардик. Лекин бирон марта на коммунизм ғоясининг чинлигига, на Ленининг буюклигига, на коммунистик партиянинг етакчилик ролига шубҳа қилганмиз. Бизнинг фожиамиз шунда эдики, тузумимиз биринчи навбатда ҳар бир ижодкорнинг ичида бир муҳаррир яратган эди. У ёзаётганларимизни ҳар қандай цензордан ёки раҳбар партия ходимидан қаттиқроқ кузатиб турарди. «Тирик сатрлар»ни тайёрлаш ва таҳрир қилишда ҳам шундай бўлган — сўз бошида ҳам М. Зокиров ўнлаб ўзбек шоирларини инқилобни улуғлагани, Ленинга мадҳиялар ёзгани, социализмга садоқат изҳор этгани учун алқаган. Мен ҳам муҳаррир сифатида шоирларнинг худди шундай шеърларини биринчи навбатда китобга киритишга урининганман. Бунга Чўлпон шеърларига қараб амин бўлиш мумкин. Унинг эрксеварлик руҳида ёзилган биронта шеъри китобдан ўрин олган эмас, кўпроқ муросаи мадора билан ёзилган ёҳуд бетарафроқ оҳангда ёзилган шеърлари киритилган. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Ҳеч ким бизга Чўлпон шеърларини истаган тарзда чиқаришга эрк бермади. Хуллас, мен китобни ҳукмрон коммунистик мафкура манфаатлари нуқтаи назаридан таҳрир қилиб битирдим. Лекин шундоқ бўлса ҳам, «Тирик сатрлар» адабий ҳаётимизда, менинг назаримда, катта воқеа бўлмоғи керак эди. Чунки, унда 30-йилларда қатли ом қилинган шоирларнинг ижодидан намуналар бор эди — бу китоб уларнинг асарларини кенгроқ нашр этишга йўл очиб бермоғи шарт эди. Китобда Мискин, Хислат, Фақирий каби ноҳақ унутилган, тилга олинмайдиган ғазалнавис шоирлар ижодига ўрин берилган ва шу билан уларнинг асарларини тузукроқ тарғиб қилишга чорлангандай эди. Ниҳоят, Абдулҳамид Мажидий, Тошпўлат Саъдий каби ғоят истеъдодли шоирлар, Ҳасан Саид, Бурҳон Турсун, Темур Маъруфий каби Ватан урушида ҳалок бўлган ижодкорлар ҳам ўрин олганди. Бизнинг назаримизда, «Тирик сатрлар» шеъриятимизнинг ранг-баранглиги ҳақида, шоирларимиз истеъдодининг хилма-хиллиги тўғрисида, умуман, адабиётимиз босиб ўтган йўлнинг мураккаблиги ҳақида жиндай бўлса-да тўғри тасаввур бермоғи керак эди. Афсуски, умидларимиз пучга чиқди, камида икки йиллик меҳнат елга учди.

Қўлёзма таҳриридан чиқди, таҳрир ҳайъати йиғилиб, ҳар бир шоир устида, унинг ҳар бир шеъри устида тортишиб-талашиб, узоқ мунозара қилиб, кимларнидир олиб ташлаб, кимларнидир қўшиб, қўлёзмани узил-кесил маъқуллади. Шундан кейин қўлёзма муҳарририят кенгашида муҳокама қилинди. Ниҳоят, шундай чиғириқлардан ўтиб, бош муҳарририят қўлига етиб келди. Шу босқичларнинг ҳаммасида маъқуллангандан кейин тўғри босмахонага йўл очилгандай эди.

Аммо — қаёқда дейсиз! Орадан уч-тўрт кун ўтгач, бош муҳарририятдаги ўртоқлар менга қўлёзмани Марказий Комитетга олиб кетишганини айтишди. Бу гап аввал менга малол келди — ахир, бу қанақа бедодлик! Нега менга ишонишмайди! Ахир, мен мутахассис бўлсам, бу гапларнинг барини миридан сириғача ўрганиб чиқ-лум бўлишича, бу Шароф Рашидовнинг буйруғи билан бўлган экан.

Олтмишинчи йилларнинг бошларида фольклорчи адабиётшунос олим Малик Муродов бир янги шоирни кашф қилганини эълон қилди. Бу — 1919 йили Наманган вилоятида қўрбоши Омон полвон томонидан 25 ёшида қатл қилинган Мухторхон деган йигит эди. М. Муродов «Келмас Коросконнинг суви» деган достон билан бир нечта кичик шеърни Мухторхонники деб, газета ва журналларда, рус ва ўзбек тилларида тарғиб қилиб келарди. У бу асарларни «Тирик сатрлар»га киритишни таклиф қилди. Мен кўнмадим, чунки шеърлар чиндан ҳам Мухторхонники эканига менда шубҳа уйғонди. Лекин ўша пайтларда нашриётда бош муҳаррир муовини бўлиб ишлаган ва «Тирик сатрлар»нинг юзага чиқишида жуда катта ҳисса қўшган Иброҳим Ғафуров бу шеърларни кўзи қиймай, «Ёш кашшоф», «Чап белида босмачи», «Бизники» деган шеърларни китобга киритишга мени кўндирди.

Буни қарангки, «Тирик сатрлар» тарқалиши олдида «Звезда Востока» журналида Малик Муродов Мухторхон шеърларини бостириб чиқаради. Аввалари чекада ишлаган, ўша кезларда нафақахўр бўлган бир ўртоқ буни ўқиб, тепа сочи тикка бўлади ва «Мухторхон босмачиларнинг айғоқчиси эди, уни мен ўзим қамоққа олганман, нега энди унинг шеърлари тарғиб қилиняпти», деган мазмунда Шароф Рашидов номига ариза ёзади. Фақат жадидлар эмас, босмачилар масаласини ҳам бир оғиз гапи билан бутун жумҳурият учун ҳал қилиб берган, коммунистик мафкурага заррача доғ тегиздирмай пок сақлаган Шароф Рашидов дарҳол матбуот ва нашриёт раҳбарларини йиғиб, баъзи иштирокчиларнинг айтишича, дарғазаб бўлиб, столни муштлаб, «қачондан бери совет матбуоти босмачиларни тарғиб қилувчи минбарга айланиб қолди!» деб хитоб қилган. Шундан кейин «Тирик сатрлар» шаънига ҳам қаттиқ гаплар айтилган ва китобни ман этиш ҳақида кўрсатма берилган. Лекин назаримда анча-мунча одамлар уни қутубхоналарида сақлаб ҳам қолган. Аввалари «эссизгина, шу Мухторхонни қўшмай қўяқолсак бўларкан, китоб омон қоларди» деб афсус чекиб юрдим. Кейин ўйлаб қарасам, гап Мухторхонда эмас, Чўлпонда экан, Мухторхон бўлмаганда ҳам, барибир, бирор баҳона билан бу китоб устига чизиқ тортиларди. Чунки у кезларда Чўлпоннинг рўёбга чиқишини истамаган, ҳали мавқеи мустаҳкам, нуфузли зўр одамлар анчагина эди. Улар Чўлпон фойдасига гап айтган одам борки, зимдан иш юритиб, фитна-фасод ва иғволарни ишга солиб, унга панд беришнинг пайида бўлишарди.

Бундан ташқари XX ва XXII съезддан кейин зиёлиларнинг бемалолроқ нафас олишига имкон бермоқ учун жиндай очилган тешиклар 68-йилга келиб қайтадан ёпила бошланди, яна гайкалар қаттиқроқ буралди, яна зиёлилар ўйлаган гаплари ичларида қолиб, оғизда ҳамду санодан бошқа гапни айтолмайдиган қилиб қўйилдилар. Шароф Рашидов ҳузуридаги йиғиндан кейин мафкура соҳасида кенг кўламда ҳужум бошланди, ҳар хил катта-кичик пленумлар, конференциялар, йиғинлар бўлиб ўтди, уларда мафкура соҳасида бузғунчилик қилаётганларнинг роса «пўстаги қоқилди». Ўшанда бизнинг фамилия ҳам Марказий Комитет пленумининг қарорига тушиб қолган эди. Кейин мен ишлайдиган дорулфунуннинг партия мажлисида бу қарор ишлаб чиқилди ва ҳаммага намуна бўлсин учун мени яна «уришди». Зиёлиларнинг шаҳар йиғилишида эса ўша пайтдаги Марказқўмнинг мафкура бўйича котиби Рафиқ Нишонов маъруза қилди ва бошқалар қатори мени ҳам Чўлпонни тирилтиришга уринаётганим «мафкуравий калтабинлик» ва ҳатто «мафкуравий диверсия» эканини айтди ҳамда ҳали «Чўлпонни ўрганадиган вақт келгани йўқ» деди. Мен ўрнимдан туриб савол бердим: «Совет ҳокимиятининг ярим асрлик тўйини кечагина нишонладик. Чўлпоннинг оқланганига ҳам 12 йилдан ошди. Сизнингча, яна неча йиллардан кейин Чўлпонни ўрганишни бошласак бўларкин». Савол Рафиқ Нишоновга ёқмади. У ношуд ўқувчининг маъносиз саволига жавоб бераётгандай жеркиб берди: «Мен хронологик маънода айтаётганим йўқ. Яна қанча керак бўлса, шунча кутасиз!».

Ўшанда мен ўт билан ўйнашаётганимни, бошимда нақадар жиддий хатар чарх ураётганини тузукроқ ҳис қилмаган эканман — аввалги замонлар бўлганда оёғимни ерга теккизмай олиб кетишлари аниқ эди. Шукрлар бўлсинки, энди замон бироз бўлса-да ўзгарган эди — мени қамаш у ёқда турсин, ҳатто ишдан ҳам бўшатишмади — ҳамон аввалгидай қора рўйхатга тиркалганимча қолавердим. Лекин ростини айтсам, шунча дўпослашлардан кейин ҳам, таъна-дашномлар ва ташбеҳлардан кейин ҳам ақлимга ақл қўшилиб қолгани йўқ.

Мана, сизга бир китобнинг қийин қисмати. Ваҳималарсиз ва олди-қочдиларсиз ҳам кўриниб турибдики, «турғунлик йиллари» деб аталган йилларда ҳукмрон мафкура адабиётни исканжада сақлаш учун, ёзувчиларнинг «гаҳ» деса қўлга қўнишларига эришмоқ учун ҳамма чора-тадбирларни кўрарди. Бу борада улар кўпол тазйиқлардан ҳам, маъмурий чеклашлардан ҳам тап тортишмас эдилар. Бунинг натижасида қанчадан-қанча олижаноб ниятлар рўёбга чиқмай қолди, қанча-қанча гўзал асарлар дунёга келмай жувонмарг бўлди.

Энди аста-секин эркинлик шабадалари эса бошлади. Бу неъматдан донолик билан самарали фойдаланайлик!

Озод ШАРАФИДДИНОВ

САРКАШ ТЎЛҚИНЛАР

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ОЛДИДАН

Бундан қарийб йигирма йилча муқаддам рассом укам устахонасида унинг катта қилиб чизилган суратини кўрганман. Сўнг ўзи билан учрашиб, негадир кўнглим тўлмаган, қўпол, ўта такаббур ҳатто худбинроққа ўхшаб туюлганди менга. Буни Темурдан яширмадим ҳам. Ўшанда у «Ака, Муҳаммад Солиҳ яхши шоир, кўнгли тоза, фидойи йигит. Табиатан шунақароқ холос, кейин билиб оласиз» деганди.

Ростданам ҳар ким дарров англаб етавермайдиган ҳулқатворли бу шоир билан кейинча яқиндан таниш бўлиб қолдим. Менинг назаримда у олисдаги баланд тоғлар бағридан сизиб чиқиб, атрофдаги яшиллик оламига оби ҳаёт бахш этаётган сокин чашмага ўхшайди. Бу чашманинг исёнкор, саркаш тўлқинлари бор. Гап унинг бизлар учун ҳозирча анъанавий бўлмаган услубдаги шеърлари ва унда яширилган маъно ҳақида кетмоқда. Бу маънолар ғалвирак бодом мағзидай кафтингизга дарров тушақолмайди, уни андак ақл тарозусига солиб «чақмоқ» керак.

Шоирнинг кейинги йиллардаги энг долзарб, оғриқли муаммоларни ўз ичига олган маърузалари, марказий ҳамда маҳаллий матбуот саҳифаларида тез-тез босилиб турадиган публицистикаси ҳеч қачон, ҳеч кимни бефарқ қолдирган эмас. Қизғин тортишувларга сабаб бўлган. Солиҳнинг бу ижтимоий, сиёсий мавзудаги мақолалари ўз вақтида Мустақиллик, Истиқлол, миллий қадр-қиммат ғояларини ҳаммадан олдинроқ халққа етказган, кўпчиликнинг «кўзини очган» сабоқнома вазифасини ўтади.

Ёзувчилар уюшмамизга котиб этиб сайлангач, Муҳаммад Солиҳ Бўстонлиқ ҳимоясига шайланган ижодкорларнинг олдинги сафида турди. Жумҳуриятимизда халқ демократик ҳаракатнинг илк куртаги — «Бирлик» ташкилотини тузишда катта фаоллик кўрсатди. Унинг номзоди халқ ноиблигига кўрсатилиши баъзи амалдорларимизни чўчитиб юборди. Ёшлар шоир номзодини ёқлаб, қонуний митингга йиғилганларида майдон атрофида зир югуриб, милиция ходимларига «уриб ҳайданглар, тарқатинглар, буларни!» дея ғиж-тижловчи буйруқ бериб юрганларнинг кўпини кўрганмиз. Қарангки, ўшанда район милиция состави талаба йигит-қизлар устига бостириб бормади, ҳатто улар эртаси кун ўз бўлинмаларининг мажлислар залида Муҳаммад Солиҳни ёқлаб йиғилиш ўтказишди.

Бу «бедодлик»дан Россияда асфальт бетончи бўлиб ишлаб, бизда Тошкентдай шаҳри азимнинг «оқпошо»лигини эгалалган Сатин жаноблари қай даражада жазавага тушгани, кимларга партиявий жазо бериб, кимларни мажлисларда «дўппослагани» алоҳида мавзу... «Мен уни кўриш тугул «Магамет» деган номни эшитишни ҳам истамайман!» деб бақирган экан йиғилишлардан бирида.

Қаранг, подшоҳимнинг кўнгилхушлиги деганларидай, орадан кўп ўтмай бу истакни амалга оширадиганлар топилақолди: «расмий ёлғончи»лиги билан кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлган ЎзТАГ мухбирлари худди ўттиз еттинчи йилларнинг жирканч усулини эслатувчи катта мақолани бир йўла бир неча газеталарда эълон қилиб, шоирни «фош» этишди. Уни порлоқ келажакни кўрабилмайдиган ғаламиса чиқариб қўяёздилар.

«Юқори»нинг кўрсатмасига биноан уюштирилган бу иғвогарликка қарши минглаб ёш-яланглар ЎзТАГ биноси, Инқилоб ҳиёбони атрофидаги кўчаларни тўлдириб норозилик намойиши уюштирдилар... Яна ўша «Муҳаммаднинг асл қиёфаси» бутун Ўзбекистонга овоза қилиб юборилган кунлар биз Мирзо Кенжабек билан шу воқеани гувоҳи бўлганмиз: азон пайтида Муҳаммад Солиҳ яшайдиган бинонинг эшиги остонасида бир ҳовучгина бўлиб ўтирган кекса онахонга кўзимиз тушди. У тепа қаватга кўтарилишга юраги бетламайми, юм-юм йиғларди. Момо узоқ Хоразмдан етиб келибди. Бизни кўрибоқ сўрагани шу бўлди: «Болаларим, ўғлим шу ердами? Ҳеч қаёққа олиб кетишмаганми?!»...

Кўп ўтмай ўшаларга қарата Мирзо «Шоирнинг онаси» шеърини ёзди. Унда қуйидаги мисралар бор:

Шоирнинг айбими ҳақни уққани?
Онанинг айбими шоир туққани?
Ҳақ қани? Ҳақиқат тиккан туғ қани?
Шоирнинг онаси нима кўради?...

Модомики биз ҳам кўплар қатори ўзимизни демократ деб атаётган эканмиз, жумҳуриятимиз президентлигига муқобил номзодлар кўрсатилганлигини расман тан олинган экан, инсоф юзасида ҳар икки томоннинг ҳақ-ҳуқуқи баробар бўлсин!

«Пошшо ўлди! Яшасин пошшоваччалар!» деган заҳарханда нақл бор. Бизда ҳамон «Сатинваччалар» яйраб яшнаб юришганга ўхшайди. Куни-кеча шаҳарнинг Собир Раҳимов районида бўлиб ўтган йиғилишда сўз олганлардан бири Муҳаммад («Магамет» эмас!) Солиҳ номини айтиб юборди-ю, юқорида ўтирган бошлиқ чаён чаққандай сапчиб тушди ва бақирди: «Қўйинг, ўша номни тилга олманг!»

Биз мана бир неча йиллардан бери ошкоралик, ҳурфикрлилик дея наъра тортиб келаётибмиз. Аммо уларга қачон амал қиладиган бўламиз! Баъзи раҳбарларимиз онгини ўз қавми жонкуярларига нисбатан аламзадалик эмас, бирдамлик, миллатпарварлик тушунчалари қачон эгалларкин! Худо уларга ҳам инсоф берармикан?!

Яна бир мисол: яқинда Бўстонлик маорифчиларининг бошлиғи кўпчиликни йиғиб, президент сайлови ҳақида маъруза қилди. Масхараомуз оҳангда «Муҳаммад Солиҳ дегани чиқибди. Президент бўлмоқчи эмиш, шоир экан, шеърини ёзавермайдими», деган мазмундаги гапларни айтди.

М. Солиҳнинг бир неча йил аввал эълон қилинган мақолаларидан бирида шундай жумлалар бор: **«Биз юксак онгли инсон тарбияси ҳақида кўп гапирамиз. Бугун қарасак, ҳалол одамлар биз ўйлаганчалик кўп эмас экан. Улар бизнинг боқчаларимизда тарбия топди, мактабларимизда ўқиди. Олий ўқув юртларини битириб диплом олди-ю илм-имон олмади. Улар на худо, на шайтонга ишонди, фақат ўз қорнини ўйлаб яшади. Зотан маданияти чуқур бўлмаган одам ҳеч қачон ҳалол бўлолмайди».**

Ҳақ гап! Ҳозир одамлар баланднарвоз мақтовлардан, қуруқ ваъдалардан тўйиб турган бир пайтда, уларнинг юзига қараб, қизишмай оқилона ҳалол гаплар айтиш жуда-жуда зарур! Буни, бир жуфт калиш олиш учун жиққа-мушт бўлиб ётган оломон, кун бўйи зир югуриб дурустроқ егулик, оддийгина кийим-кечак тополмай кўнгли ярим ҳолда болалари ҳузурига қайтаётган фуқароларнинг дарди бир четда қолиб, минбарни шоирларни оқ калтак-қора калтак қилиб, адабини бериб қўйиш жойига айлантириб олган оғзи ботир, сўзи кескир халқ ноиблари тушунмоқлари лозим! Яна уларга шу маълум бўлсинки, давлатни бошқариш йўриқларига оид қадимги Ҳинд «Таъбирнома»ларида жоҳиллари устивор бўлган юртда шоирларга тош отилур, деган жумлалар бекорга ёзиб қўйилмаган.

Биз мислсиз истибдод даври деб қоралаб келган ўтмиш замонларда ҳам ҳеч ким Ҳазрат Навоий, Мирзо Бобур, Умархон, Хоразмий, Нодирабегимга фақат шеър ёзинглар, давлатни бошқариш палончи акамизга ярашади деб айтмаган.

Бу даражадаги нодонликдан шоирнинг куйиниб ёзганича бор:

Кулинг, сўкинг.Бу кун урф булар,
Деманг: шеърни ардоқлаган Шарқ.
Ёқавайрон шоирдан кулар
Дунёда ҳар хонавайрон халқ.
Ўйланг! Қўйманг! Нур ҳам ёв бўлар!
Жаҳолатнинг дунёси ажиб!
Кейин қандоқ яшарсиз, булар
Кўзингизни қўйсалар, очиб?!

Дарвоқе, Муҳаммад Солиҳнинг ўзи ким?!

Уни билиб-билмасликка, таниб-танимасликка олиб юрган ўртоқларга яна шуни маълум қилиб қўймоқчиман: жумҳуриятнинг тўла мустақиллиги ғоясини биринчилардан бўлиб кўтариб чиққанида бундай ғайритузум «баёнот»га норозилик сифатида Олий кенгашдаги «ватанпарварлар» ер тепиб, уни минбардан тушириб юборишганди... Хайрият бу «хатолик» кўп ўтмай тузатилди! Яна, Иттифоқ шартномасига имзо чекиш миллат олдидаги катта жиноятдир деб қаттиқ туриб олган ва ўз фикрини маълум даражада ўтказа олган ҳам мана шу зот бўлади!

У «қандайдир шоир» ёки тасодифан ўйин майдонига тушиб қолган ҳаваскор эмас!

Муҳаммад Солиҳ — бу Шахс!

Дадахон НУРИЙ,
ёзувчи

Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон 70 ёшда

КЎЗЛАРИМ ТУБИДА ЁНАР ЮРАГИМ

Муҳтарам Рамз Носирович!

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси бошқарув ҳайъати, қаламкаш дўстларингиз Сизни, таниқли шоир, драматург, СССР давлат мукофоти лауреати, йирик жамоат арбобини таваллудингиз етмиш йиллиги билан самимий муборакбод этадилар.

Сиз катта ижод йўлини босиб ўтдингиз, истеъдодингиз имкониятларини тобора кенгайтира бордингиз, ўз эътиқодингиз билан жамиятга сидқидилдан хизмат қилдингиз.

Дастлаб ижод майдонига қадам қўйганингиз, илк шеърий китобингиз дунё юзини кўриб, ўз мухлисларини топганида эндигина ўн олти ёшга кирган ўсмир эдингиз. Низомий номидаги педагогика олий илмгоҳида 1939-1944 йилларда таҳсил олаётган талабалик йилларингиз юртнинг шоири сифатида танилдингиз.

Замона алломалари Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирлар ижодларидан ҳавасландингиз, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир ижодиётининг издоши бўлдингиз, Ҳамза, Комил Яшин драматургияси анъанасини давом эттирдингиз. Эл орасида маҳоратли драматург сифатида танилдингиз. Зулфия, Ҳамид Ғулом, Шуҳрат, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Шукрулло, Иброҳим Раҳимнинг тенгқури сифатида елкадошлик қилдингиз.

Шоир сифатида шаклланишингизда жаҳон ва қардош халқлар шоирлари Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Маяковский, Самад Вурғун, Есенин, Тихонов, Грибачев ижоди, уларнинг асарларини таржима қилганлигингиз катта таъсир кўрсатди.

Замондош буюк рус шоири Александр Твардовскийнинг «Василий Тёркин» поэмасини севиб, катта маҳорат билан ўзбек тилига ағдардингиз. Бу тажримангиз билан эл-юрт орасида ҳам шоир, ҳам истеъдодли мутаржим сифатида эътибор қозондингиз.

Узоқ ижодий умрингиз давомида ўттиздан ортиқ шеърий тўпламлар, уч томлик «Танланган асарлар» чоп этдингиз. Сизнинг «Сенга, севгилим», «Ташаккур, азизим», «Юрак ҳамиша уйғоқ», «Шоир икки бор яшар», «Қуёш кўзларида», «Ҳа, мен осиёликман», «Лирика», «Монолог», рус тилида чоп этилган икки жилдлик «Танланган асарлар»ингиз кенг китобхонлар жавонларидан ўрин олди. Улардан кўплари хорижий ва қардош халқлар тилларига таржима қилинди.

Достончиликда ҳам куч синаб кўрдингиз, новаторлик намуналарини кўрсатдингиз, «Юсуф ва Зулайхо», «Она «Ҳиндистон», «Минг биринчи турна», «Диалог» достонларингиз ҳамон севиб ўқилади. Айниқса, «Обиҳаёт» достонингиз катта шуҳрат келтирди, шу достон туфайли СССР давлат мукофотига сазовор бўлдингиз.

Драматургияга қўшган ҳиссангиз оз эмас. «Тоға-жиянлар», «Юсуф ва Зулайхо», Москвадаги «Ромэн» театрида қўйилган «Лўли алданмас» пьесаларингизни томошабинлар катта қизиқиш билан қабул қилдилар.

Кўп шеърларингизга бастакорлар куй битганлар. Улар қўшиқ бўлиб ҳаво тўлинларида дамба-дам жаранглаб турибди.

Сиз дунё кўрган ижодкор ва жамоат арбобисиз. Кўплаб Осиё, Оврупо ва Америқо қитъаси мамлакатларини зиёрат қилдингиз. Халқлар ўртасида алоқалар ўрнатиш борасида фаолият кўрсатдингиз, жўшқин фаолиятингизнинг кўп қирралари маълум.

Сизнинг ижодий режаларга бой хаёлотингиз қанотлари ҳали бақувват, кучга, илҳомга тўлиб турибсиз. Ўзгариб бораётган замон руҳидан орқада қолмайсиз, кўп асарлар битасиз, дўстларингизни, китобхонларингизни хушнуд этасиз.

Уюшманинг бошқарув ҳайъати, қаламкаш дўстларингиз сизни яна бир бор қутлуғ ёшингиз билан муборакбод этади, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ижодий сермаҳсуллик тилайди.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ БОШҚАРУВ ҲАЙЪАТИ.

СУРАТДА: Р. Бобожон қаламкаш дўстлари Мирмуҳсин, Евгений Евтушенко ва Лазиз Қаюмов даврасида.

С. МАҲКАМОВ суратга олган.

ИЛҲОМ ПАРИСИ

ҲАР БИР ШОИРНИНГ ўз илҳом париси бўлади. У қоронғи осмондаги чақноқ юлдузми, гуноҳкор еримиздаги гўзал аёлми ёки чинорлар остидаги мангу чашмами — нима бўлмасин, ижод учун эзгу манбадир.

Илҳом париси бўлмаган шоир вазну қофия санъатини қанчалик эгалламасин, у чин шоир эмас, оддий ҳунарманд, яъни шоирдир.

Рамз Бобожоннинг илҳом париси бор. Бу на юлдуз, на чашма, на тансиқ ер ва на табиатнинг ўзга парчаси, балки энг оддий, энг нозик мўъжиза — Инсондир. Яна ҳам ардоқли, энг азиз ва бетакрор хилқат — Аёлдир.

Бизнинг авлодимиз, яъни Шуҳрат, Туроб Тўла, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Шукрулло адабиётга кириб келган давримиз — ўттизинчи йилларнинг ўрталарида тошкентлик бадавлат хонадоннинг фарзанди пўрим йигитча Рамз Бобожон сафимизга қўшилди. Бизга уни инқилобчилар оиласидан, бобоси Тошкент Эски шаҳар Шўросининг биринчи раиси, отаси Кўнчилар касабасининг раҳбарларидан; амакиси Маориф халқ комиссари, деб таништирдилар. У биз, яъни тенгдошлари билан бирга «Ёш ленинчи» рўзномаси жамоасида қизғин ишлаб турган «Қизил қалам» адабий тўгарагига, Ёзувчилар уюшмасидаги Адабий дастага фаол қатнаша бошлади. Биз бу адабий анжуманларда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Шокир Сулаймон, Элбек, Отажон Ҳошим, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, булардан ёшроқ Ҳасан Пўлат, Амин Умарий, Султон Жўра, Усмон Носир, М. Даврон билан танишдик.

Умумий қатағон бошланиши арафасидаги вазият мудҳиш бўрон қутуриши арафасидаги обод боғни эслатарди. Осмонда қора булут тобора қуюқлашиб боряпти, совуқ довул нафаси сезиляптию, бироқ боғ, ундаги одамлар ва қушлар яшашда, сайрашда давом этмоқдалар...

1937 йил ёзидаги энг қувончли ва унутилмас воқеа — Усмон Носир ҳаётининг 25 йиллиги, ижодининг 10 йиллигига бағишлаб, Ёзувчилар уюшмасининг мажлислар залида ўтказилган адабий кеча бўлди. Юқорида номлари зикр этилган тенгдошларимиздан ташқари, Юнус Латиф, Тўхтасин Жалолов, Иззат Султон, Зулфия, Н. Охундий, яна бир қанча адиб ва шоирларнинг ўша ижодий кечада қатнашганликларини эслайман.

Биз, Усмон Носир шеъриятининг шайдолари, «Нахшон» достонини, жамъи шеърларини, унинг бетакрор гўзал таржимасидаги «Демон»и билан «Боқчасарой фонтани»ни тўла ёдлаб олган укалари устозларнинг Усмон ҳақидаги сўзларини сеҳрланиб тингладик, қайноқ шоирнинг ўзи ўқиган шеърларни нафасимизни ютганча, дил-дилдан тақрорладик...

Бироқ, бир неча кундан сўнг қора довул бошланди...

Мана, орадан эллик йилдан ортиқ вақт ўтди. Давр сафларимизни ҳаддан ташқари сийраклаштириб юборди. Ўттиз еттинчи йил қатағон бўронидан кейин қирқинчи, эллигинчи йилларнинг ажал изғиринлари адабиётимиз боғларини кунпаякун босди, қанчадан қанча чинорларимизни қуритди. Бир неча авлод ўзбек зиёлилари, олимлар, адиблар, шоирлар, санъаткорлар давр синовсиноатларига бардош бердилар. Эндиликда янги давр — маънавий уйғониш, руҳий тикланиш, миллий юксалиш, чин истиқлол даври бошланиши шарофати билан буюк ва мангу чинорларимиз истиқлол чаманида яна қад кўтарди, биз ўтмиш қадриятларимизни тиклаш, улуғлаш бахтига мушарраф бўлдик.

Ўттизинчи йилларнинг ўрталарида адабиётга кириб келган авлод вакиллари ҳам эндиликда бармоқ билан санарли қолдилар. Эндиликда биз Рамз Бобожон каби етмишга кирган ва ёшимиз ундан ҳам улуғроқ оқсоқолларимиз.

ИЖОДИМИЗНИ САРҲИСОБ ҚИЛАДИГАН пайт келди: хўш, биз қандай яшадик ва қандай ишладик? Нималар ёздик ва ёзганларимиз давр синовларига қандай бардош берди? Баъзи мунаққидлар даъво қилаётгани каби, қатағон йилларидаги, турғунлик давридаги адабиёт шароитга мосланиш, муросасозлик адабиёти бўлдими ёки ўлмас ғояларни, бетакрор қадриятларни тараннум этган, бироқ, айни вақтда, давр таъсиридан холи бўлмаган ҳақиқий, улкан ижод бўлдими?

Ана шу энг муҳим саволга Рамз Бобожон шеърияти мисолида жавоб бериш мумкин.

Р. Бобожоннинг Шуҳратга бағишланган бундай шеъри бор:

Ёшлигимиз қанот қоқарди
Яқин-яқинда...
На чора! Соч-соқол оқарди,
Ҳаёт оқинда...
Кел, азизим! Ўтган умрга
Алёр айтайлик,
Қалб тўқинин жойлаб
шеърга,
Шеърга қайтайлик!

«Шеърга қайтайлик...» Демак, шоирнинг шеърдан узоқлашиб қолган вақтлари ҳам бўлган. Тўғрироғи, шоирлар шеърдан узоқлашган эмаслар, балки ҳамма вақт ҳам дил торини чертмасдан замонасозлик қилиб, ҳақиқий санъатдан четлашган вақтлари ҳам бўлган. Қачонки, шоир худди косиб каби, буюртма асосида чок тикишга, мисра тўқишга ўтар экан, илҳом париси уни тарк этади.

Р. Бобожоннинг рубоийлари беназирдир. Илҳом париси унинг қаршисида қуриб турган чоғларда Умар Хайёммнинг бу садоқатли издоши қаламидан бетакрор тўртликлар қўйилади:

Мабодо севгига боқсанг
бепарво,
Анвойи гулларга қарасанг
лоқайд,
Фаҳмига етмасанг
ўқилганда байт,
Билки,
ётган жойинг нариги дунё!

Лирик дил туғёнлари, сўнмас эҳтиром ифодаси — бундай рубоийлар қайда-ю, «5.000.000» сарлавҳали ялтироқ тизма, алдамчи замонга ҳайбаракалла, беҳис, бедил мадҳиялар қайда!

Мадҳиябозлик— чин шеъриятнинг кушандаси. Қирқинчи — етмишинчи йиллар адабиётига тоталитарияккаҳокимлик тузуми, шахсга сиғиниш касофати қора тамға босди. У мудҳиш давр шоирни иккиюзлама қилиб қўйди. Ғафур Ғулом билан Мақсуд Шайхзода Сталинга достонлар бағишладилар. Ленин — Сталиннинг «улуғлиги»ни осмонга кўтариб, шеър ёзмаган, мадҳия тўқимаган шоир борми? Ким у: Ойбекми, Миртемирми, Асқад Мухтормми, менми, Рамз Бобожонми?

Лекин имоним комилки, биз, халқимизнинг манглайи шўр шоирлари, қачонки, даврга, «доҳийлар»га, партияга, «улуғ оғамиз»га мадҳиялар, қасидалар, «хат»лар ёзган бўлсак, ўша қийноқли битик соатларида илҳом париси биздан юз ўгиргани, ижодхоналаримизни тарк этгани муқаррар ва бул можарога ҳукм ягонадир: биз ҳақ эмасмиз, илҳом париси ҳақ.

«Мен сени кутардим, олис юлдузим...» — Шоир Қора денгиз соҳилида ёлғиз қолган кезлари туғилган мисра бу.

«Сурайё бетоблигида ёзган шеърим» — ҳасратли муҳаббатга маъюс куй, афтода ғазал:

Деразам ортида қуярди
ёмғир,
Ернимас, қалбимни ўярди
ёмғир.
Ёмғир қамчисидан кузги
дов-дарахт
Юлинган-юлқинган
жондордай карахт.
Кўкда на юлдуз бор,
на бир табассум,
Табиат ингграрди,
йиғларди юм-юм.
Кўнглим ёримасди ёқса
ҳам чироқ,
Кечаси тубсиздай,
узундан-узоқ.
Офтоб ётоғида ётар
бемордай,
Давога, дорию дармонга
зордай.
Деразам ортида қуярди
ёмғир,
Ернимас, қалбимни ўярди
ёмғир.

Мана, бу—ҳақиқий шеър, инсонга, муҳаббатга, вафога тарона.

Рамз Бобожон ёзган шеърий, насрий, саҳнавий асарлар жилд-жилд нашр этилган. Бу асарларни эндиликда ўқилса, уларни турли даврларнинг ўткинчи ғоялари нуқтаи назаридан эмас, балки юксак бадиий ижоднинг ҳамма даврлар учун ягона қонун ва талаблари нуқтаи назаридан таҳлил этиб кўрилса, сараги саракка, пучаги пучакка ажраладди-қолади.

Бундай хайрли ишга илк бор шоирнинг ўзи бел боғлади. Унинг «Муҳаббатга таъзим» номли шеърлар, балладалар тўплами ва бу тўпламга киритилган «Хайёмнома» достони анча пухта сараланган, замонасозлик асоратидан анчайин тозаланган нашрдир. Бироқ, бу тўплам устида ҳам, бошқа асарлар устида ҳам уларни қайта нашрга тайёрлаш учун қилинадиган ишлар анчагина ва булардан энг муҳими — турғунлик даврининг сохта ғояларидан, сунъийлик ва ясамачилик асоратидан воз кечмакдир.

«Хайёмнома»нинг дебочасида шоир ўз мақсадини бундай баён этади:

Қиссадан бир ҳисса Хайём
ҳақида,
Аммо, гап ана шу айём
ҳақида.
Ўтмишни ёзмадим,
ёзганлар етар,
Тонготар демадим оқшом
ҳақида.

Воқеа анъанавий: йигит ва қиз бир-бирини севадилар. Албатта, булар орасига тўғаноқ — ёв аралашади. Лекин, ёв оддий рақиб эмас, у — ЦРУ, яъни АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси! Ҳайрон бўлиб, ёқангизни ушламанг, азиз ўқувчи: давр шунақа бўлган, шоир достонини бизнинг сиёсатимиз ЦРУга қарши қаратилган, партия ва давлат раҳбаримиз мамлакатимиздаги чатоқ ишлар учун ҳамма айбни Америка разведкасининг бошига ағдариб турган даврда ёзган! Мана, сизга чигилнинг учи.

Агар шоир достонини қайта кўриб чиқиб, замонасозлик туфайли тўғилган сунъий воқеадан воз кечса, табиий ишқнинг табиий ёвини оддий ҳаётнинг ўзидан олса, воқеа ўз маъ тиқий ва шеърий йўналишини топиб кетади.

Рамз Бобожон улуғ ёшини арзигулик йирик асар билан ютиб олди. У Дурбек изидан бориб, илгари ёзган «Юсуф ва Зулайхо» достони асосида шу номда музикали драма яратди. Муқимий театрида муваффақиятли намойиш этилаётган бу миллий томоша санъатимизда воқеа бўлди. Унинг видеокассеталари шу кунларда Туркияда, Саудия Арабистонида, АҚШ ва ҒФРда яшовчи ватандошларимиз хонадонларида ҳам намойиш этилмоқда.

Шоирнинг қалби жўшқин, қалами ўткир, илҳом париси ҳамдам ва ҳамкор. Бу, албатта, бахт.

Муҳаббат ундайди
келажак сари,
Ўйлаб кўр, ишончни
оқлолласанми,
Сен учун, азизим,
кўзим гавҳари,
Гавҳарни гавҳардай
сақлолласанми?
Менинг севгим сенга
беқиёс, тенгсиз,
Юрагим тўхтаса,
юраксан гўё.
Демак, яполмаймаи
бир умр сенсиз,
Юраксиз яшамоқ
мумкинми? Асло!

Шоиримизга илҳом париси умрбод ёр бўлсин!

Ҳамид ҒУЛОМ

КЕКСАЛИГИМ ҲЕЧ ГАПМАС

Мен муҳаббат қулиман,
Сочим оқи ҳеч гапмас!
Кексаликнинг гулиман,
Гармсел урмаса, бас!

Юлдуз учса қарайман,
Учдими деб, юлдузим...
Кечаларни санайман,
Ўчдими деб, кундузим...

Ўтган ўтди, ҳеч қачон
Қайтаролмайсан уни,
Юрагингдаги армон
Гўё кузак қуюни...

Болалигим, ёшлигим
Ўтган бўлса, ўтгандир...
Ишқпараст оташлигим
Камолига етгандир...

Қўяолсам умримни —
Торозу палласига,
Алишмас эдим уни
Онамнинг алласига.

Муҳаббат меҳробига
Танлаган йўлим чапмас
Ошиқлик ҳисобига
Кексалигим ҳеч гапмас!

НЕГА ИНДАМАЙСАН?

Кўзларим тубида ёнар юрагим,
Ёнган юрагимни яна ёқсанг, ёқ!
Сенсан саодатим, сенсан тилагим,
Севгилим, дилбарим, кўзларимга боқ,
Кўзларим тубида ёнар юрагим...

Нега индамайсан, нега тилинг лол,
Ким айтиб беради севги эртагин?
Вафо деганинг, бу, ҳақми ё хаёл?..
Кўзларим тубида ёнар юрагим,
Нега индамайсан, нега тилинг лол?

НАЙЛАЙ

Бағримни қон қилди, найлай,
афсуну надоматлар,
Муҳаббат чеҳрасига
лой суртди-ку, маломатлар...
Вафодан лоф урганим йўқ,
имон келтирдим, холос,
Кўз ўнгимдан ўтди ногоҳ
не турли синоатлар...
Қабоҳатга мушт кўтардим,
мурод бўлмади ҳосил,
Панд берди-ку ҳар қадамда
минг йиллик хиёнатлар.
Лутф ила кутдим саховат
толеим меҳробидан,
Рўпарамдан чиқди аммо,
қақшаган адоватлар.

ТУНЛАР НУРСИЗ БЎЛМАГАН

Неча ўн йиллар давомида муз қотган фикрлар кўзғалди, туйғулар уйғона, нафратлар, ғазаблар, меҳрлар ўз йўналишларини топа бошлади. Энди ҳеч бўлмаганда оқни оқ, қорани қора дейишга ҳаддимиз сиғадиган бўлди...

Оқни оқ, қорани қора деймиз, аммо бу рангларни ўчириб ташлай олмаймиз. Зеро, демократик дунёқарашларни дастур қилиб олган эканмиз, бунга ҳақимиз ҳам йўқ. Илло, у ҳолда худолик даъво қилган, гумроҳлик йўлига ўтган бўлардик. Бошқача айтганда, коммунистлардан фарқимиз қолмаган бўларди.

Етмиш тўрт йиллик коммунистик-тоталитар тузум ўз адабиётини, ўз адибларини юзага чиқарди. Баъзилар коммунистик ғояларга чиндан ишонди, ишониб хизмат қилди, баъзилар яшаш истаги, жонини асраш учун ишлади, баъзилар бу ғоянинг ёзувлигини рўй-рост айтиб, ҳалок бўлди...

Шоир зоти борки, изланишлардан, инсонийликдан ҳоҳ ботинан, ҳоҳ зоҳиран, бегона эмас. Шу туфайли кўпларнинг алами, армони ичида, юраккабғрини кемирганча кетганига ишонаман. Бу кунларга етиб келганлар эса (кўплари десак бўлади) тез ҳушёр тортиб, атрофга очиқ кўз билан қарай бошладилар. Бор ҳаларга ҳам тиғ уриб турарди. Шунга қарамай:

Эркинликка маёқ юлдузлар
Эркинликни кўриб ётар
туш —

каби мисралар қалқиб, чиқиб қолар ва улар ўз вақтида муҳлисларини, англовчиларини топарди.

Дастлабки шеърим «Ўзбекистон маданияти» газетасида чиққанидан кейин раҳматлик Юсуф Шомансур дўсти Ҳайриддин Салоҳ билан мени қишлоқ мактабларидан бирида ўтёқар бўлиб ишлаб юрганимда йўқлаганлари ҳам эсимда. Ўшанда анча кўнглимни кўтариб, машқларимни тўплашни, ном қўйиб, ёзувчилар уюшмасига муҳокамага қўйишга кўндиргандилар.

Кўп андишалар билан, айтқатни мардона айтиш пайти келганини тушуниб етдилар. Қолганларнинг ҳамон ғафлат уйқусидан кўз очолмаётганларини оллоҳ ҳукмига ҳавола қилайлик...

Ҳарқалай, тунлар мутлоқ нурсиз бўлмаган. Ҳамма ҳам имонини ютиб юборавермаган. Шеъриятда рамзийлик, мажозийликнинг ўша даврга хос ранглари бежиз юзага чиқмагандир. Тўғри, ўша даврда адабий давлат назорати ўз фаросати унчалик етмайдиган рамзий, мажозий образ-дас жойда ҳам мунофиқлик, маккорлик, худбинлик бўлиши мумкинлигига ҳеч ишонолмасдим ёки ишонгим келмасди.

Шундай кунлардан бирида, уюшма эшигидан киролмай турганимда яна Юсуф Шомансур учраб қолди, қўлимдан ушлаб ичкари олиб кирди. Шеърият бўлимидагилардан тўпламимни суриштирди. Тўплам топилмади.

Машқларимни қайтадан машинкада кўчиртириб, Юсуф акага кўрсатдим. У кишининг ўшанда айтган гаплари ҳали эсимда:

— Сиз майда гапларга ўралашиб юрманг. Одам ўзи учун ҳам кураша билиши керак. Тўпламни олиб, тўғри Рамз Бобожоннинг олдига киринг. Қолган гапни кейин гаплашамиз.

Ўша пайтларда Рамз ака уюшма котиби эдилар. Биз учун анча юқоридаги одам. Ҳадик билан кириб бордим. Тўпламни индамайгина узатдим...

Рамз ака:

— Ке, ўтир, — дедилар-да, жилдни очиб, биринчи икки қаторлик шеърни ўқигач, менга бир қараб қўйдилар. Шеър шундай эди:

УМИД

Чарс-чарс уриб, ясси қояга
Ўз муҳрини қўймоқчи ёмғир.

Кейин қолган шеърлардан уч-тўрттасини ўқиб, тўпламни ёпдилар-да:

— Қолган шеърларингни кейин, бафуржа ўқиб қўяман. Истаган пайтингда келавер. Эшигим очиқ, шу шеърларинг сенга пропуска ўрнига ўтади, — деб кулиб, эшиккача кузатиб қўйдилар. Кўнглим тоғдай кўтарилди.

Орадан икки ҳафта ўтмай, илк тўпламим уюшма муҳокамасига қўйилди. Юсуф Шомансур маърузачи бўлди. Рамз ака кўп илиқ гаплар айтиб, кўпчилик олдида шеърий тўпламимни тайёрлашим лозимлигини таъкидладилар, унга ўзлари сўз ёзишга ваъда бердилар.

Тўпламни нашрга тайёрлаш жараёнида ҳар бир шеър, сатр устида мен билан тенгдошлардай соатлаб баҳслашиб ўтирганлари эсимда. Сўз танлаш, сўзни ўрнига қўйиб ишлатишда шунақа қаттиққўлликлари бор.

Орадан кўп йиллар ўтди, устоз тавсиялари билан Москвадаги М. Горький номидаги Адабиёт илмгоҳида таҳсил олиб қайтдим. Аввал Ҳайриддин Салоҳ, кейин Юсуф Шомансур оламдан ўтди. Энди ўзгарабошлаган замонни, муҳитни кўрмай кетишди... Биз ҳозир кўтараётган муаммоларни ўша пайлардаёқ гапириб юришарди...

Шу орада Рамз Бобожоннинг «Она Ҳиндистон», «Хайёмнома», «Минг биринчи турна», «Юсуф ва Зулайхо» асарлари пайдо бўлди. Кўп шеъру достонлар битилиши жараёнининг гувоҳиман. Рамз акада сўз масъулияти, ҳар бир мисра устида қайта-қайта ишлаш одатлари ўзгармаган. Бирон кишига дилозорлик қилганларини билмайман. Менга ҳам ўқтин-ўқтин: «Қўлингдан келса — яхшилик қилавер», деб қўядилар. Ҳозир ҳам ҳар кўришганда, «бир ўтириб, шеърхонлик қилсак бўларди...» деб қўядилар. Демак, бугунги етмиш ёшларида ҳам ижодий руҳ жойида. Илоҳим, ҳаммагаям шу ёш ва шу руҳни насиб этсин.

Ёдгор ОБИД

АСАРГА МАФТУН БЎЛДИК

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театр жамоаси Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожоннинг «Юсуф ва Зулайхо» асарини саҳналаштириб, адибнинг 70 йиллик тўйига муносиб совға тайёрладилар.

Куни кеча мухбиримиз театрда бўлиб, спектаклдаги бош ролларни ижро қилган артистлар Зулайхо Бойхонова (Зулайхо) ва Ҳамидулла Тўхтаев (Юсуф) билан суҳбатлашди.

Зулайхо БОЙХОНОВА:— Очиғини айтсам, спектаклни саҳналаштирган режиссёримиз, раҳматли Рустам Бобохонов драмани уйимга олиб келиб, «ўқи, албатта сенга маъқул бўлади. Бундаги Зулайҳо образи атайин сен учун ёзилгандай», деб айтди. Дарҳақиқат, «Юсуф ва Зулайхо» менга жуда ёқди. Уйдаги ёш боламни ҳам қайнонамга бериб, театрга келдим. Тез куннинг ичида тайёргарликни бошлаб юбордик. Ўзи шунақа бўлади, актёрларга мансур бўлган асарни саҳналаштириш ҳеч вақт орқага сурилмайди. Асарни саҳналаштиришда, айниқса, Рустам Бобохоновнинг хизматлари жуда катта бўлди. У киши ҳамиша «Юсуф ва Зулайхо»ни залда томошабинлар билан бирга ўтириб томоша қилсам, армоним қолмасди», деб айтардилар. Афсуски, бу унга насиб этмади...

Ҳурматли адибимиз Рамз Бобожоннинг бу асари, менимча, охирги йилларда яратилган яхши асарлардан бири бўлиб қолса, ажаб эмас. Оддий бир мисол: менинг ўзим Зулайхо ролини шунақа берилиб, шунақа орзиқиб ўйнайман, ҳар гал саҳнага чиққанимда, ўзимча яна бир нарсани кашф қиламан.

Театрга ишга келганимга эндигина беш бўлди. Лекин шу пайтгача томошабинларга бу даражада маъқул тушган асарни кўрмаган эдим. Актёрларнинг бир гапи бор. «Чўмилиб ўйнадим», деб қўйишади. Мен учун ҳам «Юсуф ва Зулайхо»даги Зулайхо роли ана шундай қаҳрамонлардан бири бўлди. Бу образ орқали мен ўзбек халқининг ор-номусли, иболи бир қизи тимсолини ярата олганимдан хурсандман. Айниқса, бугунги кунда ёшларимиз орасида муҳаббатнинг ҳавойи бир нарса деб қаровчилар кўпайган, ҳаётда ўз ўрнини топа олмаганлар тобора ортиб бораётган пайтда тарихимиздаги Зулайҳолар севгиси, ҳаётни ардоқлаши, инсонийлик қадр-қимматини янада баланд тутиши ниҳоятда зарур.

Ҳамидулла ТЎХТАЕВ:— «Юсуф ва Зулайхо» асари таниқли шоиримиз Рамз Бобожон томонидан муҳаббат билан ёзилгани учун артистлар севиб ижро этишяпти, томошабинлар ҳам чин дилдан муваффақият билан табриклашмоқда.

Рамз ака асарни театрга олиб келганларидан бери бир оёғи шу ерда. Ҳар бир машғулотимизни жиддий кузатади, масалаҳатлар беради, биз билан фикрлашади. Айни, пайтда ҳар гал спектаклга келишни канда қилмайдилар. Томошабинлар билан бирга ўтириб, асарнинг уларга қандай таъсир этаётганини ҳам кузатадилар.

Спектаклга келаётган томошабинларнинг ҳам кети узилмай қолди. Ўз хоҳишларига кўра, «мен Юсуфни ўйнай», «мен Зулайхони ўйнай», дейдиган актёрлар ҳам кўпайди.

Яқинда Саудия Арабистонидан келган юртдошларимиз ҳам «бу асарни саҳнага қўйиб, кўп савоб иш қилибсизлар», деб табриклаб кетишди. Улар ҳам ўз навбатида спектаклни видеоленталарига ёзиб олиб, хориждаги ватандошларимизга кўрсатишни ваъда қилишди.

«Юсуф ва Зулайхо» саҳна асарининг муваффақиятли чиқишида бастакор Фарҳод Алимов ёзган мусиқа катта аҳамиятга эга. Рамз Бобожоннинг халқ афсоналаридан фойдаланиб, тили равон, томошабин учун содда, шу билан бирга ўзига яраша «юкли» асар яратгани билан чин дилдан қутлаймиз.

Бундай мукаммал асарни доим ҳам театрларга олиб келаверишмайди. Биз эса «Юсуф ва Зулайхо» драмаси каби асарни ойлаб, ҳатто йиллаб кутамиз. Шундай пайтлар бўладики, муаллифларнинг асарларини бошқатдан ёзишга, ўзгартиришга тўғри келади. Ундай ҳолларда, муаллиф ҳам, артистлар ҳам, режиссёр ҳам анча азият чекади, бирмунча кўнгилхираликлар бўлади. Р. Бобожон саҳнамиз учун боп асар ярата олган.

Ўйлайманки, Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожоннинг «Юсуф ва Зулайхо» асари театримиз репертуаридан тушмай ўйналадиган спектакллардан бири бўлиб қолади.

Мирза РАҲИМ

СУРАТДА: спектаклдан лавҳа.

С. КОГАН олган сурат

ШАЙБОНИЙХОННИНГ 540 ЙИЛЛИГИ

ТУРК САРОЙИДАГИ НОДИР АСАР

Темур ХЎЖА ўғли

1510 йил декабрь ойи бошларида Эрон ҳукмдори Шоҳ Исмоил 70 минг қўшин билан Марв қўрғонини қуршовга олади. Бироқ, Шайбонийхон томонидан қаттиқ мудофаа этилган Марв шаҳрини босиб олишга муваффақ бўлолмаган шоҳ Исмоил орқага чекинаётганида Шайбонийхонга қарата: «Агар мард бўлсанг, ташқарига чиқиб, мен билан майдонда олишарсан!», дейди. Шайбонийхон жуда оз сонли лашкар билан Шоҳ Исмоилнинг орқасидан чопади. Эронли сафавийлар Марв яқинидаги Мурғоб дарёси қирғоғида, Таҳриробод деб аталган жойда дарё устидаги кўприкларни бузиб, шайбонийларни тузоққа туширадилар. Мағлубиятга учраган Шайбонийхон ярадор бир аҳволда яқиндаги бир қишлоққа чекинади. Эронлилар Шайбонийхонни қўлга тушириб, 1510 йил 12 декабрда унинг бошини танасидан ажратиб, найза учига илиб қўядилар. Келиб чиқиши бошқирд бўлган машҳур тарихчи профессор Заки Валидий Тўғоннинг 1947 йилда Истанбулда нашр этилган «Бугунги турк эли. Туркистон ва яқин тарихи» номли асарида турли манбаларга асосланиб билдирилишича, Шоҳ Исмоилнинг буйруғи билан Шайбонийхоннинг бош суягидан шароб қадаҳи ясалади ва у олтин билан ўралиб, Миср султони Қансу Гаврига совға ўлароқ юборилади. Чунки Қансу Гаври ҳам сунний мазҳабида эди ва Шайбонийхонни кўп севарди. Араб тарихчиси Ибн Аёс «Бадоий уз зуҳур» номли асарида келтиришича, Шайбонийхоннинг бош суягидан ясалган қадаҳ устига Шоҳ Исмоил қуйидаги шеърни ёзган экан:

Алсайф вал-ханжар райҳонано,
Уф аъло алнаржис вал-ас.
Мудомнномен дам аъдонно,
Вакасно жумжуматуъл-рас!

Бу арабча шеърни ўзбекчага шундай таржима қилиш мумкин:

Қилич ва ханжар бизнинг ҳидимиздир,
«Туф» бўлсин наргис ва сунбулимизга.
Душманнинг қони ичкилигимиздир,
Айлансин бош суяк қадаҳимизга!

Шайбонийхоннинг бош суягидан ясалган тилла қадаҳ Мисрга етиб келиши аҳоли ўртасида катта норозилик туғдиради. Миср султони Қансу Гаври ўша бош суягини катта ҳурмат билан кўмдиради. Яна Ибн Аёснинг айтишича, 200 дан ортиқ мисрли шоир Шоҳ Исмоилнинг юқорида келтирилган шеърига қарши жавобий шеър ёзади. Бу ерда Шайх Носуриддин Таҳҳан томонидан ёзилган бир тўртликнинг ўзбекча таржимасини келтирайлик:

Гар ҳидлаб юрсанг хушбўй нарсаларни,
Кўпайтирарсан мудҳиш қўрқувларни.
Жангда душманни ўлдириш шарафдир,
Фақат ит ялайди бош суякларни!

«Записки восточного отделения Русского археологического общества» (XXV, 325-бет) мажмуасида қайд этилишича, Шайбонийхоннинг Самарқанддаги қабри очилганида, унинг тана суяклари ўртасида бош суягининг бўлмаганлиги аниқланган. Эронли олим Саййид Нафисий 1965 йилда Теҳронда нашр этилган «Тарихи назму наср дар Эрон ва дар забони форсий то рақами қарни даҳуми хижрий» номли йирик илмий асарида берган маълумотига кўра, Шоҳ Исмоилнинг фармони билан Шайбонийхоннинг юз терисидан намоз гилами тўқилади ва у ҳам совға сифатида усмонли турк султони Иккинчи Боязидга юборилади.

XVI аср бошларида темурийлар авлодидан Мирзо Бобурни Ҳиндистонга боришга мажбур қилган Дашти Қипчоқ ўзбекларидан Шайбонийхон тўғрисида Туркистон тарихида икки хил муносабат бор. У бир ёқдан шайбонийлар давлатининг асосчиси бўлса, бошқа ёқдан темурийлар давлатини қулатиш орқали Туркистоннинг бир неча асрдан кейин кичик-кичик хонликларга бўлинишига йўл қўйган салбий бир давлат арбобидир. Бироқ, Шайбонийхоннинг XVI аср бошларида Туркистон маданиятига қўшган ижобий ҳиссаларини ҳам инкор этиб бўлмайди.

XVI аср бошларида ёзилган турли манбалар, шу қаторда Муҳаммад Солиҳнинг чиғатой-туркий тилидаги «Шайбонийнома», Фазлуллоҳ бин Рузбеҳоннинг форсча «Меҳмонномаи Бухоро», Биноийнинг форсча «Шайбонийнома», Сайид Ҳасан Ҳожанинг форсча «Музаккири аҳбоб» асарларида Шайбонийхон даврининг юксак савиядаги маданий ҳаёти холисона ёритилади. Темурийлар Ҳиротни Туркистоннинг асосий маданият ва санъат марказига айлантирган бўлсалар, Шайбонийхон Бухоро ва Самарқандни маданият-санъат марказлари ўлароқ қайта

Темур Хўжа ўғли — филология фанлари доктори, доцент; Олмониядa яшайдиган туркистонликлардан.

ШАЙБОНИЙХОН ДЕВОНИ

жонлантира бошлайди. Ҳирот ва бошқа жойлардаги олимлар, санъаткорлар, адиб-шоирлар Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига олиб келтирилади.

1451 йилда туғилиб, 1510 йилда фожиавий равишда ўлдирилган Шайбонийхон урушлар билан ўтган 59 йиллик умрида адабий асарлар ва шеърлар ҳам ёзиб қолдирган. Тақдир тақозоси билан Шайбонийхоннинг боши қандай бошқа юртларга юборилган бўлса, унинг адабий асарлари ҳам она юрти Туркистондан узоқларга сочилган. Шайбонийхон томонидан 1508 йилда ёзилган чиғатой-туркий тилидаги «Баҳр ул-худо» («Ҳақиқий йўлнинг денгизи») номли диний қасиданинг ягона қўлёзма нусхаси Англиянинг Лондон шаҳридаги «Бритиш Музейи» кутубхонасида сақланмоқда. Бу қасиданинг бир жойида Шайбонийхон шундай дейди:

Подишолиғда Шабоний фақрдан айрилмағил,
Фақр шоҳи икки олам ичра бўлур подишо.
Тенгри гар берди сенга Эрону Турон,
Бандалик таврин Шабоний бермагил элдин даҳо.

Шайбонийхоннинг шеърлар тўплами бўлган «Девон»и эса бугун Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Тўпқопи Саройи кутубхонасида сақланмоқда. Бу девон устида усмонли туркподшоҳларидан Аҳмад III га (1673—1763) оид тамға бор. Шайбонийхон девонининг жаҳондаги бу ягона қўлёзма нусхаси усмонли турк подшоҳлари саройига қандай келиб тушган, бу маълум эмас.

Шайбонийхоннинг бу ноёб девонини Тўпқопи Саройи кутубхонасидан топиб, илм дунёсига биринчи ўлароқ хабар берган киши профессор Заки Валидий Тўғондир. Бухоро жумҳуриятининг собиқ президенти Усмон Хўжа томонидан 20-ва 30-йилларда Истанбулда нашр этилган «Янги Туркистон» номли журналда тарихчи Тўғоннинг «Шайбонийхоннинг шеърлари» сарлавҳали мақоласи чоп этилади. Бу мақолада Шайбонийхоннинг девони ҳақида тўлиқ маълумот берилади (қаранг: «Янги Туркистон», Истанбул, 1927, 1-сон, 21—25-бетлар).

Тарихий манбаларда номи Шайбонийхон, Шоҳбахт, Шайбоқ, Шайбак, Шебоний, Шоҳибег ўлароқ турлича ёзилган Шайбонийхоннинг Истанбул Тўпқопи Саройида сақланаётган «Девон»ининг бу ягона нусхаси 191 варақдан иборат. Формати — 32×22 см, қоғози — оҳорли



Зарафшон қоғози, ҳар саҳифада гўзал таълиқ хат билан 13 ёки 12 сатр бор. Қуюқ жигарранг тери жилдда маймун суратлари ишланган. Девон ичида ва охирида бўш саҳифалар борлиги бу асарнинг Шайбонийхон тириклигида ҳозирланаётгани ва унинг 1510 йилда ўлими муносабати билан тугалланмасдан қолган асл нусха экани маълум бўлмоқда.

Сакокий, Гадоий, Навоий анъанасидаги классик чиғатой-туркий шеъриятини давом эттирган Шайбонийхоннинг шеърларида диққатни ўзига жалб қилган хусус — шоирнинг Туркистон юртига бўлган чексиз муҳаббатини ҳар доим тилга олиб турганидир. Туркистоннинг Бухоро, Самарқанд, Урганч, Ясси (Туркистон) шаҳарлари номини ўз шеърларида Шайбонийхон қадар кўп ишлатган бошқа шоир йўқ десак, сира янглишмаймиз.

Масалан, Шайбонийхон бир ғазалида Самарқандни қуйидагича тасвирлайди:

Жаннати маъво деган боғи Самарқанд эмиш,
Кавсари аъло деган оби Самарқанд эмиш.

Ҳар нечаким ўгсалар Ҳулд тоғи тошини,
Ўхшар анга дунёда тоғи Самарқанд эмиш.

Жилвари ҳуру қусур ҳар нечаким қилсалар,
Наргиси мастоналари бори Самарқанд эмиш.

Билки ато қилди Ҳақ ҳар ёнда Жуйбор,
Тўрт ориғи ҳар тараф ори Самарқанд эмиш.

Ҳар тараф маргзор боғлари эрди беҳишт,
Неча десам васфини кони Самарқанд эмиш.

Суйидур оби ҳаёт, ели турур жонфизо,
Нуш дору издасанг қори Самарқанд эмиш.

Ўла ёзиб Балхда бад йилидан истаб,
Тегма Шебонийга сен, шоҳи Самарқанд эмиш.

Юқорида тилга олинган Ҳулд саккизта жаннатдан биттасининг номидир. Шайбонийхон Самарқанднинг тоғини жаннатдаги тоғларга ўхшатса, Бухорони Каъба савиясида улуғлайди:

Бир хаёлим бор кўнгулким пир вофий айлайин,
Ул Бухоро шаҳрида Каъба тавофин айлайин.

Неча кун умрумки кечти ҳажрида ҳайф ўлди ҳайф,
Борайин васлинда умримни талофи айлайин.

Бори йўл ромини бу нафси ҳаво қўймас эса,
Эй, кўнгул, сен маҳкам ўл, анинг хилофи айлайин.

Журъа бер, соқиёким, ичайин риндонавор,
Ҳар кудуратким бўлур, кўнглумни софи айлайин.

Ул улуғ ҳазратким ер топсаман мастонавор,
Қозну муфти отин зарроқу лофи айлайин.

Мосивоуллаҳ лашкари гар келса кўнглум бошига,
Нафи тиғин тортайин азми мусофи айлайин.

Эй, Шебоний, пиринг ул Ҳофизи Бухорийдур сенинг
Ким, анинг остонасин Каъба тавофин айлайин.

Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидан ташқари Пири Туркистон деб аталган Аҳмад Яссавийнинг туғилган ҳам ўлган жойи Ясси (ҳозирги Туркистон) шаҳри тўғрисида Шайбонийхон ўз ғазалларида чексиз муҳаббат билан сўзлайди:



Авлиёлар сарвари ул шоҳи Туркистон эмиш,
Ер юзини нури тутқон моҳи Туркистон эмиш.

Йўл янгилғанларға дерман боролинг Саброн сари,
Қилма умрунг эмди зоеъ роҳи Туркистон эмиш,

Айтайин анинг суйининг васфидин бир шаммаий,
Оби Замзамким деюрлар чоҳи Туркистон эмиш.

Кўнглума келгил деюрмен ул Самарқанд орзулаб,
Билмамишсен эй кўнгул дилхоҳи Туркистон эмиш.

Ҳусн авсофинда нозик дилраболар анда бор,
Бил бириким лоф урарлар даҳи Туркистон эмиш.

Айтайин мен, эй йигитлар, ушбу сиррни, тингланг из,
Сарвар ўлурға лойиқ ер жоҳи Туркистон эмиш.

Дедилар: қайда борурсен кўп Самарқандда валий,
Бу Шебоний орзуси даргоҳи Туркистон эмиш.

Шайбонийхон темурийлар пойтахти Ҳери (Ҳирот)да турган пайтларида ҳам Самарқанд ва Бухорони соғиниб ғазаллар ёзади:

Ҳар киши кетса Самарқанд шаҳридин ночор кулар,
Жаннат ул-маъвода ҳам бўлса Самарқандни тилар.

Мен Ҳерининг шаҳрида турмоққа бир ер топмадим,
Ваҳ Самарқанду Бухоро қайда бўлғайму улар.

Кармону Шодмону Қоқлиқу Дарғам суви,
Мен не қилай кетмади ҳаргиз кўнгулдин ушбулар.

Ким, Самарқанддек жаҳонда бўлмағай хуш маргзор,
Дўстлар, мен найлайин, кетмас кўнгулдин сабзалар.

Бу Ҳерининг дониш аҳли ҳар неча айб этсангиз,
Қайдаким бўлса Шебоний ул Самарқанд орзулар.

Шайбонийхон бошқа жойларда юрган чоғларида ҳам Кармон, Шодмон, Қоқлик, Дарғам каби қадимий ариқларнинг сувини ҳар доим эслаб турганини билдиради. У бир ғазалида Мовароуннаҳрни ҳудо томонидан берилган қимматбаҳо совға ўлароқ қуйидагича тасвирлайди:

Бода бергил, соқиё, фасли баҳор ўлди яна,
Ушбу мавсумда хаёлим садҳазор ўлди яна.

Ёй юзин тутди баҳору бўлди қиш анқо бегин,
Бода келтургил ичалим лолазор ўлди яна.

Ғунча дилбар оғзига нисбат ўзин қилган учун
Ким, анинг машшотасиндин торумор ўлди яна.

Тангри берди бизга эмди Мовароуннаҳрни
Ким, кўра олмас кишининг кўнгли тор ўлди яна.

Бу Шебоний андалиб ўлди суворий ишқида,
Кетди ғусса-қайғу андин бахтиёр ўлди яна.

Шайбонийхон девонида энг кўп ўринни ғазаллар ташкил этади. Фақат еттита қасида (учтаси тавҳид, бештаси наат), 39 рубоий, 4 таърих ва 55 муаммо бор. Шайбонийхон девонида муаммо ёки чистон деб аталган шеърий топишмоқлардан бир неча намуна келтирайлик:

Ул надирким, йўлида гуллар битар,
Йўл юрнга эрса қўймай итар.
Оғзи кўзининг бошидур, ранг-баранг,
Фил тишини оғуси андин етар.

Бу шеърий топишмоқнинг жавобини Шайбонийхон «игна» деб билдиради.

Бир йилон кўрдумки, икки боши бор,
Оғзи бирдур, оёғи бир, тиши бор.
Коҳ оғзин сақлайибтур бир йилон,
Ул йилоннинг ҳасратидин қон ютар.

Бунинг жавоби ўлароқ «ўқ» ёзилган. Баъзи топишмоқлар фақат бир байтдан иборат. Улардан жавоби «булбул» бўлган бир топишмоқ қуйидагича:

Ду зулф, ду моҳ, ду сарв, ду лом —
Булар жамъидин бўлди икки ғулом.

Шайбонийхоннинг девони бугунгача ўзбек олимлари томонидан текширилмади. Бунинг сабабларидан биринчиси, бу нодир қўлёзма асарнинг ягона нусхасининг Истанбулдаги Тўпқопи (тўп эшиги) деб аталган турк подшолари саройида сақланаётгани бўлса, иккинчиси — турғунлик йиллари давомида Шайбонийхон ижодига салбий қаралганидир. Профессор Заки Валидийнинг юқорида тилга олинган асарларидан кейин мажор олимларидан профессор Енўш Экман, туркиялик професор Камол Эраслон Шайбонийхоннинг шеърларидан баъзиларини нашр этганлар. Истанбул университети адабиёт факультети турк тили ва адабиёти бўлимида Шайбонийхоннинг девони устида бугунгача иккита диссертация тайёрланди. Улардан бири шу сатрларнинг муаллифига оид (1971 йилда). Шайбонийхон девонининг бир фотосуратини Тошкентдаги Ўзбекистон Маданият фондига яқинда совға қилдим. Чиғатой-туркий адабиётининг муҳим шоирларидан бири бўлган Шайбонийхоннинг шеърлари устида бундан кейин ўзбек тилшунос ва адабиётшунослари томонидан илмий-тадқиқот олиб борилади, деган умиддаман.

Мюнхен
1991 йил, 26 ноябрь

Жамол КАМОЛ:

КЕЛАЖАКДАН УМИД КАТТА

Бугун ҳар соҳада, ҳар жабҳада мустақиллик сўзига алоҳида урғу берилмоқда. Марказ тасарруфидан эндигина қутила бошлаган уюшмаю ташкилотлар ўзларининг дастурларини ишлаб чиқишга киришмоқдалар. Ёзувчиларнинг Х қурултойида ўзини мустақил деб эълон қилган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳам яқинда бўлиб ўтган конференциясида ўзининг ташкилий ишларини, иш юритиш йўлларини белгилаб олди. Унинг ҳаракат дастури қандай бўлади, раҳбарият қандай ишларни амалий оширмоқчи? Мухбиримизнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биринчи котиби Жамол Камол билан суҳбати ана шу ҳақда борди.

— Ёзувчилар уюшмасининг қурултойида ижодкорлар ташкилоти халқнинг руҳият ўчоғи, фикрлар, ғоялар маркази бўлиши керак деган мулоҳазани ўртага ташлаган эдингиз. Тўғри фикр. Лекин унинг амалий ифодаси қандай бўлади? Бошқачароқ айтсак, уюшма раҳбари сифатидаги дастурингиз нималардан иборат?

— Бугунги кунда уюшма раҳбарияти олдида турган вазифаларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси, бош ғоямиз бўлмиш юртимизнинг мустақиллиги атрофида уюшиш ва шу жабҳада курашни давом эттириш. Такрор айтаманки, мустақилликсиз бизга ёруғлик йўқ, келажак йўқ. Мустақилликсиз адабиёт адабиёт эмас, санъат эмас. Боболаримиз ибораси билан айтганда «шанъат», яъни асл санъатнинг тескариси, ҳалтура... Ҳақиқий адабиёт ҳамиша халқ тақдиридан сўйлайди. Шундан баҳс этади.

Мустақилликсиз халқ тақдири ҳақида сўзлаш ҳам энди гуноҳдир.

Иккинчи вазифа, уюшмада ёзувчилар доирасида ижодий муҳитни жонлантириш, кучайтириш. Сабабки, кейинги йилларда ҳаммамиз ўзимизни сиёсатга уриб келдик. Мен бу билан бировни қораламоқчи эмасман, замонанинг зайли, давр тақозоси шу бўлди. Иқтисод билан ҳам, экология билан ҳам, ҳуқуқ ва молия масалалари билан ҳам шуғулландик. Энди ҳақиқий мустақиллик остонаси кўриниб қолди. Мазкур масалалар билан шуғулланиш билан бирга энди ўз ҳунаримиз бўлмиш адабиётга ҳам юз бурайлик дейман. Уюшмамизда адабиёт ҳақида, нафис сўз санъати ҳақида ҳам сўз бўлсин. Етук романлар, гўзал достонлар, яхши драмалар, нафис шеърлар муҳокамаси бу хонадондан аримасин.

Учинчи вазифамиз— ёзувчиларни моддий жиҳатдан қўллаш. Ўзингизга маълум, қайта қуришгача аҳолининг энг камбағал табақаси ўқитувчилар, муаллимлар эди. Бугунга келиб энг қашшоқ табақа ёзувчилар қаламкашлар бўлиб қолди, десам хато бўлмаса керак. Ўйлаб қаранг, ёзувчи бир очерк ёки публицистик мақола ёзса, ўртача 50 сўм қалам ҳақи олади. Мана шунга бозорда нари борса бир килограмм гўшт беради. Бошқасини шундан қиёс этаверинг. Хўш, шу аҳволда қандай қилиб тирикчилик қилиб бўлади. Биз қандай қилиб бўлмасин мана шу ўтиш даврида ёзувчиларга моддий жиҳатдан суянчиқ бўлишимиз керак. Бунинг йўлларини, чораларини излаяпмиз. Ижодкорларимизга озми-кўпми моддий жиҳатдан ёрдам берамиз деган умидимиз бор.

Тўртинчи вазифа — хорижий эллар билан, у ердаги адабий доиралар билан адабий алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантиришдан иборат. Очиғини айтганда, чет эллар билан, чет эллардаги адабий доиралар билан алоқаларимиз деярли йўқ эди, бори ҳам Москва орқали амалга ошириларди. Ҳабарингиз бор, президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов Туркияга ташриф буюрдилар. Жуда яхши ва фойдали битимлар тузилишига ишончимиз комил. Биринчи галда Тошкентда Туркия, Анқарада Ўзбекистон элчихоналари очилади деб умид қиламиз. Тошкент — Истанбул ҳаво йўли ҳам очилди. Туркиянинг 50 дан ортиқ дорулфунунларига талабалар жўнатиш масаласи ҳам ҳал бўлса ажабмас. Ўзбекистон радиоси туркча, Туркия радиоси ўзбекча эшиттиришлар бошлайди деган умидимиз бор. Мана шу жараёнда ёзувчиларимиз орасидаги алоқалар шаклланиб, ривож топиши табиийдир. Тошкентда Турк китоб мағазаси, Истанбулда ўзбек китоб дўкони очилса, нур устига нур бўлур эди. Шундай бўлади ҳам. Турк ёзувчиларининг энг дурдона асарларини ўзбекчалаштириб халқимизга тақдим этамиз, ўз навбатида ўзбек адабиётининг сара асарлари турк тилига ўгирилиб, китобхонларга тақдим этилади деб ишонамиз.

Табиийки, адабий алоқаларда ёлғиз Туркия билан чекланиб қолмаймиз. Покистон, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Араб мамлакатлари, Англия, Олмония, Франция, АҚШ ва бошқа давлатлар ҳамиша диққат марказимизда бўлади. Бунинг учун мавжуд Таржима марказини ва унинг фаолият доирасини кескин кенгайтиришга тўғри келади. Токи, унинг доирасида ҳар бир адабиёт билан шуғулланадиган махсус шўъбалар бўлсин... Хуллас, хорижий эллардаги адабий доиралар билан алоқаларни йўлга қўйиб, биз ҳам дунёга чиқамиз ва шу йўсинда мустақиллигимизни мустаҳкамлаймиз.

Бу режалар, ишлар битта менинг эмас, уюшма котибиятининг, қолаверса, ҳар бир ижодкорнинг дастурига айланиши керак. Акс ҳолда ҳеч нарсага эриша олмай қолишимиз ҳеч гап эмас.

— Тўғри айтдингиз, кейинги йилларда уюшма адабий жараёндан кўра сиёсий ва бошқа жабҳаларда фаоллик кўрсатди. «Бирлик» халқ ҳаракати, «Эрк» демократик партияси уюшма бағрида пайдо бўлди, тил, экологик, мустақиллик, халқимиз тақдири ҳақидаги долзарб муаммолар илк бор шу ерда айтилди. Ҳатто яқинда бўлиб ўтган қурултойда ҳам баҳслар, мунозаралар адабий жараённи четлаб ўтди. Буни Сиз қандай баҳолайсиз ва уюшма келгусида адабий баҳслар, мунозаралар масканига айланадими?

— Ҳақиқий ёзувчи ҳар қанча уринмасин сиёсатдан четда туролмайди. Негаки, у ҳаётда замондан четда туролмайди. Ҳаёт ва замон эса ҳамиша маълум бир сиёсат ила йўғрилган ва шундай бўлиб қолади. Демак, биз ёзувчилар қалбимиз амри ила бундан кейин ҳам сиёсат билан шуғулланаверамиз. Фақат маълум бир меъёрни тутишга эришмоғимиз керак...

Ўзингиз ўйлаб кўринг, сиёсат билан шуғулланмаслик, сиёсатга қизиқмаслик мумкинми? Биргина мисол, яқинда Россия, Украина, Белоруссия бирлашиб славян давлатлари ҳамдўстлигини тузишди. Шундан бери менинг хаёлимни бир ўй пармалайди. Хўш, бизнинг тақдиримиз, юртимиз тақдири не кечади? Улар у ёқда Славян ҳамдўстлигини тузишганда, нега биз Туркистон давлатлари ҳамдўстлигини тузишимиз мумкин эмас? Туркистон давлатлари ҳамдўстлиги тузилса, мустақиллигимизни мустаҳкамлашимиз, дунё миқёсига чиқишимиз осонлашади. Ва бу алал-оқибатда кучлар нисбатининг тўғри қарор топишига, халқаро мувозанатга, тинчликка хизмат қилади. Ёки бу ҳамдўстликка аъзо бўлишимиз оқибатда бизнинг тақдиримизга қандай таъсир кўрсатади?.. Хўш, халқимизнинг ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётган шу кунларда ёзувчи ушбу масалаларга қизиқмаслиги мумкинми? Шубҳасиз, қизиқади ва бу масалаларнинг истиқболини кўрмагунча тинчимайди, тинчимагунча қўли қаламга бормайди. Айтмоқчиманки, адабиёт ва сиёсат ҳам узвийдир, туташдир.

Демак, ҳар қандай шароитда ҳам ижодкорлар ҳаётнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий моҳиятларидан четда туролмайдилар. Бироқ буларнинг ҳаммаси ижодкорнинг шахсий фаолияти билан биргаликда ижодий фаолияти орқали — яратган бадиий асарлари, ёзган публицистик мақолалари орқали амалга ошса, нур устига нур бўларди.

Табиийки, адиблар ўзларининг ижод оламига қайтадилар. Ана шунда ижод уйимизда янги яратилган романлар, достонлар, драматик асарлар, янги таржималар устида баҳслар уюштирилади, мушоиралар ўтказилади. Классик адабиётимизнинг энг яхши намуналарини халқимизга етказиш учун ҳар хил анжуманлар ташкил этилади.

Хуллас, ижод аҳли ўз ижодий мунозараларига қайтишига қатъий ишонаман.

— Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳам мустақиллик мақомини олди. Ҳар қандай мустақилликнинг асосини иқтисодий омил ташкил этади. Шу маънода уюшмаларнинг иқтисодий, моддий манбалари қандай бўлади?

— Уюшмамиз, бир томондан, давлат бюжетидан олинадиган маблағ ҳисобига яшайди, иккинчи томондан, турли ҳомийларнинг мададига суянади. Алишер Навоий ҳазратларининг 550 йиллик тўйи муносабати билан турли идоралардан уюшмамиз ҳисобига анча-мунча маблағ тушди. Бундан кейин ҳам ана шундай анъана давом этади деб умид қиламиз. Ўзингизга маълум, Президентимизнинг шахсий ташаббуси билан жумҳуриятимиз ижодкорларининг жамғармаси ташкил этилиб, унга 3 миллион сўм ўтказилди. Ана шу жамғармадан ҳам баҳраманд бўламиз деган ниятдамиз. Бундан ташқари, жумҳурият Адабиёт жамғармаси ва вилоятлардаги бўлимларимиз ташаббуси билан жойларда кичик ёрдамчи хўжаликлар, ишхоналар очилмоқда. Буларнинг ҳаммаси келажакда оғиримизни енгил қилади, деб ишонамиз...

Биласиз, нашриётлар ғоят ночор аҳволда, қоғознинг баҳоси осмонда. Жумҳуриятда қоғоз муаммоси ҳал этилмас экан, биримиз икки бўлмайди. Ёзувчилар уюшмаси ана шундай муаммони ҳал этишда ўз ҳиссасини қўшишга тайёр. Менимча, нашриётлардан давлат бюжетига олинаётган йиллик маблағларни кескин қисқартириш керак. Шунда нашриётнинг қадри тикланиб, ёзувчининг қомати ростланади. Бошқа чора йўқ. Шу масала ҳал этилса, ёзувчиларнинг, бинобарин, Ёзувчилар уюшмасининг ҳам моддий аҳволи яхшиланади.

— Мустақиллик мақомини олган ҳар қандай ташкилотнинг фаолиятидан тортиб то унинг ички, ташқи тузилиши, муносабатларида ҳам янгиланишлар сезилиб туриши керак. Лекин ҳозирги раҳбарияти янгиланган уюшманинг ички ва ташқи тузилишида, Х қурултойнинг биринчи босқичида фикрлар билдирилган янги Уставида ҳам янгиланишлар нафаси сезилмаётгандай, эски қолип доирасида қолиб кетгандай...

— Бу ғоят нозик масала. Ҳаммамиз янгилик ва янгиланиш тарафдоримиз, лекин конкрет таклифга келганда ўйланиб қоламиз... Тўғри, уюшмамизда фахрий раис, биринчи котиб ва котиблар бор. Бир қарашда, бу эски идорани эслатади. Аммо эски шаклни янги мазмун билан яшатиб, яшартириб, ундан истеъфода этилса, бунинг нимаси ёмон? Қолаверса, бу ерда гап уюшмани қандай усулда, шаклда бошқаришда эмас, балки қандай бўлмасин муҳим ишларни амалга оширишдадир.

Кун келар, тўла мустақил бўлармиз, чегарада аскаримиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида байроғимиз бўлар, ўшанда бундоқ катта Ёзувчилар уюшмасига ҳожат қолмас, адабий клубларга бўлиниб кетармиз... Бироқ ҳозир, мустақиллик масаласи ҳал бўлаётган шу кеча-кундузда битта уюшма доирасида қўлни қўлга бериб туришимиз ғоят муҳим. Арғамчига қил ҳам қувват, дейдилар. Шунинг учун анови биринчи даражали ёзувчи, манови иккинчи даражали ижодкор деган гапларни қўяйлик. Бир мақсад йўлида бирлашиб, уюшиб ҳамжиҳат бўлайлик. Яъни, илгари айтганимдек, аввал Ватан, кейин жон... Ватан мустақиллигини таъминлайлик, жонимиз жой топар. Ҳар нимани орзу қилсак, ярашар ва муяссар бўлар.

— Маълумки, уюшманинг асосий вазифаларидан бири қардош халқлар ва хорижий эллардаги ижодий ташкилотлар ҳамда адиблар билан ҳамкорликларни йўлга қўйиш, адабиётимиз тарғиботи билан шуғулланишдир. Шу маънода уюшма келгусида қандай ишларни амалга оширади?

— Юқорида айтганимдек, бу иш уюшманинг энг долзарб вазифаларидан бири. Чунки адабиётлар ўзаро ҳамкорликсиз, адабий алоқаларсиз ҳеч ривожланган эмас. Шу ўринда иккита мулоҳазани айтиб ўтишни ўринли деб биламан. Биринчиси, собиқ Иттифоқдаги республикалар мустақиллик эълон қилгач, ҳар қайсиси ўз-ўзи билан ўралашиб қолди. Натижада бошқа соҳалардаги ҳамкорликларга путур етгани каби адабий алоқаларимизда ҳам узилишлар пайдо бўлди. Бугун бизнинг украин, белорус, грузин адабиётлари ёки бўлмаса Болтиқбўйи адабиётлари билан узоқ йиллар давом этган ҳамкорликларимиз камайди. Хўш, у адабиётлардаги яхши асарлардан, илғор тажрибалардан бебаҳра қолиш маъқул бўлармикан? Айни пайтда улар ҳам худди бизларнинг аҳволимизга тушаётган бўлса ажабмас. Ҳар қандай шароитда ҳам адабиётлар ўртасидаги алоқалар сақланиб қолиши керак.

Иккинчиси, биз адабиётлар ўртасидаги ҳамкорликларни шу пайтгача бир томонлама, яъни бошқа тиллардан ўзбек адабиётига таржима қилиш, хориждан ижодкорларни юртимизга таклиф қилиш шаклида тушуниб келганга ўхшаймиз. Таржима асарларини қаранг, ўзбек тилида қайси адабиёт намунаси йўқ. Ҳаммасидан бор. Лекин ўзбек адабиётининг бошқа тилларга таржимаси қандай кечмоқда, унинг тарғиботи қандай бўлмоқда? Бу эътиборимиздан четда бўлиб келган. Эндиликда ҳамкорликнинг бу икки асосини ҳам тенг олиб боришимиз зарур.

— Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинди. Эндиликда унинг амалдаги ифодаси учун барчанинг бир тан, бир жон бўлиб фаолият кўрсатиши талаб этилади. Афсуски, ана шундай бир шароитда, айниқса ижодкорлар ўртасида бирлик ниҳоятда зарур бир пайтда бўлиниш юз берди. Бу бўлинишга муносабатингиз қандай ва Адиблар иттифоқи билан Ёзувчилар уюшмасининг иқтисодий, ижодий ва бошқа соҳалардаги муносабатлари қандай бўлишини истайсиз?

— Биласиз, бўлинганни бўри ер деб бекорга айтмаганлар. Бўлиниб биров фойда топганини эшитганмисиз? Бу масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони шундаки, биз ёзувчилар ҳар бир ҳатти-ҳаракатимиз билан халққа ибрат кўрсатамиз. Ана шу ҳақда жуда чуқур ўйлаб кўриш керак... Масаланинг учинчи томони ҳам бор. Уюшган, аҳил, ҳамжиҳат Ёзувчилар уюшмасининг таъсири ҳам, залвори ҳам ўзига муносиб бўлади. Яъни, ҳукумат олдида тилимиз узун, халқ олдида юзимиз ёруғ бўлиши шунга боғлиқ. Энди пароканда, бир-бири билан низо қилувчи ёзувчиларнинг бир неча гуруҳларга бўлиниб иш тутишини тасаввур этиб кўринг... Биз халқ олдида ҳам, ҳукумат олдида ҳам аянч бир аҳволга тушиб қоламиз. Демак, ягона йўл — уюшиш, бирлашиш, аҳлият ва ҳамжиҳатлик. Бу баландпарвоз сўз эмас, ҳайқириқ эмас, замон талаби, давр тақозоси...

Энди ажралиб чиққанлар ҳақида. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» уларнинг таъсис қурултойини кенг ёритганини кўриб, аввал ранжидим. Аммо ўқиб кўриб, фикрларимдан қайтдим. Унда ўзи ўқиб кўриб ҳукм чиқарсин учун ўқувчига имкон берилибди. Ўқувчининг қиладиган хулосаси битта: улар қўяётган талабларни амалга ошириш учун ажралиш шарт эмас ва бу гаплар ажралишга баҳона бўлолмайди. Бўлинишга жиддий бир асос йўқ. Масалага аниқлик, манзарага ойдинлик киритгани учун ҳафталикка раҳмат...

Энди хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ажралиб чиққанларни мен ажралиб чиққанлар деб ҳисобламайман. Уларга айтадиган сўзим шу: келинг, биз бирлашиб она Туркистонимиз учун ҳаётмамот саналмиш масалаларни ҳал қилиб олайлик. Кейин ўйлашиб кўрамиз. Ажралиш қочмайди. Ўзимиз чин маънода уюшмай туриб, бўлинишга ружу этсак, бизни тарих ҳам, авлодлар ҳам кечирмайди. Бас, шундай экан, барча ижодкорлар ўртасида ижодий ва бошқа барча жабҳаларда ҳам бирлик, ҳамкорлик давом этади, деган ниятдаман.

— Уюшмага раҳбар бўлиб сайланишингиз билан қутлаймиз. Бугун иқтисодий ва маънавий тақчилликлар кучайиб бораётган пайтда раҳбарлик қилиш қийин. Лекин ижодкор учун раҳбарликнинг бошқа бир хавфли томони ҳам бор: ташкилотчилик адибни ижоддан четлаштириб қўйиши мумкин...

— Тўғри, Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик осон иш эмас. Катта масъулият, меҳнат, машаққат.. Аммо чархи даврон айланиб шу вазифа зиммамизга тушган экан илож қанча. Мен уюшма ишлари яхши йўлга тушиб, нисбатан тинч, осуда кунлар келади деб умид қиламан. Ижодимга катта зарар етишига йўл қўймайман, фурсат топиб ижод этишга ҳаракат қиламан. Лекин бу ҳақда ортиқча гапириш ноқулай.

ЮНУС РАЖАБИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА 70 ЙИЛ ТУЛДИ

Кутлайлик!

КЕЛАЖАК ТУЙҒУСИ

Ҳар бир театрнинг ташкил топиш, шаклланиш ва ижодий камолотга эришиш даври бўлади. Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театри бу босқичларни баҳоли қудрат босиб ўтиб, камолот пиллапояси сари интилаётир. Театр 70 йилдан буён жиззахлик томошабинларга ўзбек, рус ва чет эл драматургларининг ўнлаб яхши асарларини ҳавола этди. 1921 йилда ташкил топган «Кўк қўйлак» труппаси Жиззах театри шаклланишида асосий босқич вазифасини бажарди. Тез орада театр саҳнасида Ғ. Зафарийнинг «Ҳалима», У. Ҳожибековнинг «Аршин-мол-олон», С. Айнийнинг «Бухоро жаллодлари», Ҳамзанинг «Ким тўғри?», К. Яшиннинг «Номус ва муҳаббат», «Гулсара», Н. Сафаровнинг «Уйғониш» сингари асарлари пайдо бўла бошлади. Бу асарларни саҳнага олиб чиқишда режиссёрлар П. Носиров, А. Жўрабоев, С. Ҳоҳидов, А. Жўраев, Ҳ. Тошпўлатов, Б. Хўжаев, Р. Охунжонов, актёрлар И. Ҳақбердиева, С. Холдоров, И. Каримов, О. Мавлонова, Қ. Ҳожиева, Д. Аҳмедова ва бошқалар ўз истеъдодларини ёрқин намоён этдилар. Катта ижодий йўлни босиб ўтган театр қисқа фурсатда гоҳ Сирдарё, гоҳ Сурхондарё вилоят театрлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатди. Айни пайтда бу вилоятларда янги театрлар ташкил топишида муҳим роль ўйнади.

СУРАТДА: театрда саҳналаштирилган «Жарлик» спектаклидан кўриниш

Театрда Ўзбекистон халқ артисти Х. Азимова, республикада хизмат кўрсатган артистлар А. Ғофуров, Ҳ. Амирқулов, Т. Маҳмудов, Ҳ. Бекенов, Р. Қодиржонова, хизмат кўрсатган санъат арбоби Х. Искандаров сингари таниқли санъаткорлар сафини ёш истеъдодлар тўлдириб келаётир. И. Маҳмудов, М. Раҳматова, Г. Ўринова, Ж. Исроилов, Р. Алиев, Р. Жўраев, Р. Абдуллаева, А. Лапасов, Г. Йўлдошев, А. Ўринов ва бошқалар бугунги кунда самарали ижод қилмоқдалар.

— Сўнгги йилларда театримизда Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор», Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони», Ўткир Ҳошимовнинг «Тўйлар муборак», Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр», Уйғуннинг «Парвоз», Рихсивой Муҳаммаджоновнинг «Давлат болалари», Рустам Алиевнинг «Суюнчи бер, о, тангрим!» сингари асарлари саҳналаштирилди, — дейди театрнинг бош режиссёри Ғофир Ҳамидуллаев. — Бу саҳна асарларини томошабинлар яхши кутиб олдилар. Театр келгусида репертуарни янада бойитиш устида изланмоқда. Маҳаллий муаллифлардан Келди Қодировнинг «Жарлик», Нўъмонжон Мирзаевнинг «Чўл муножоти» асарларини қўйдик. Келгусида бу ҳамкорлик давом этади. Ҳозир бозор иқтисоди шароитида актёрлар билан ишлашда шартнома тузмоқчимиз. Бу кадрларни саралашда, маошнинг ошишида самарали таъсир кўрсатади. Шунингдек, Хитой Халқ Республикаси Уйғур Мухтор жумҳурияти билан маданий алоқаларни йўлга қўямиз.

— Жиззах маданий ҳаёти юксалишида улкан ҳисса қўшаётган театримиз юбилейига қизғин тайёргарлик кўрдик, — дейди театр директори Нортой Деҳқонов. — Шу муносабат билан театрни таъмирлаш, янги саҳна безаклари билан жиҳозлашга вилоят ижроия қўмитаси томонидан 440 минг сўм, жумҳурият маданият вазирлиги томонидан 200 минг сўм ажратилди. Ҳозиргача 500 минг сўмлик иш бажарилди. Бу келгуси ишларга мадад бўлади.

— Театрнинг 70 йиллик тантаналарида Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши раиси Э. Турсунов, Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгаши ижроия қўмитаси раиси Ў. Олимов, жумҳурият маданият вазирининг биринчи муовини М. Муродов, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳ. Ражабий, жумҳурият Актёрлар уйи директори Н. Усмонова ва бошқалар қатнашиб, ижодий коллективни қизғин қутладилар. Тантанали кеча спектаклларидан парчалар намойиш этиш ва санъаткорларнинг катта концерти билан якунланди.

А. ОЧИЛОВ

ПАДАРКУШГА ГУЛ БЕРМАЙДИЛАР

СУЛИМ ОҚШОМ ТУШАЁТИР. Чарчоқ қалбларда қандайдир эзгу ҳислар уйғониб, вужудни чулғай бошлайди. Бу ҳислар бизни турли гўшаларга етаклайди. Биримизга иссиқ хонадону, болалар овозини эшитиш кифоя қилса, биримиз қаҳвахонаю ресторанга, биримиз кинога, меҳмонга ёки ширин орзулар, соҳир фикрлар ва «ёлғон»нинг макони бўлмиш театрга йўл оламиз. Бунда киши ҳаёлий орзулар гирдобида ўзини бу қаттиққўл ҳаётдан узоқларда сезиши, ёлғондакам шоҳлар, гадолар, мажнун ва лайлоларнинг кечмишига шерик бўлмоғи мумкин. Ҳа, алдамоқ мумкин ўзни театр деб аталувчи даргоҳда, мумкин...

Ҳамза театри. Бу ерга атайин асабларимни қитиқлашга келдим. М. Шайхзоданинг «Улуғбек» драмасини томоша қилмоқчиман. Бу асарни бошқа театрларда ҳам, Ҳамза театрининг ўзида ҳам бошқа артистлар иштирокида кўрганман. Бугунги томошамнинг сабаблари бор. «Улуғбек»нинг қизил империя саҳнасидаги томошасидан мустақил Ўзбекистон саҳнасидаги томошанинг фарқини кўрмоқчиман. Менингча, бу икки томоша орасида катта фарқ бўлмоғи керак. Ахир, уларнинг орасида мустақиллик деган улуғ тушунча ётибди.

Ҳамза театрига яқинлашиш, бу маҳобатли бинонинг эшигидан кириш кишига ўзгача таъсир қилади. Аммо эшикдан кирганингиздан кейин сизга ҳар хил фотонигоҳлар, таниш артистлар кулиб боқиб турган даҳлизга ўтгингиз келмайди. Нимадир сизни чўчитади. Чунки оёғингиз тагидаги мармар сайҳончанинг тамом бўлиб, бирон қаровсиз жойга кириб қолишдан қўрқиб турасиз, хавотирланасиз.

Ҳашаматли сарой, қизил кимхоблар қопланган қулай ўриндиқлар... хушрўйгина хонимнинг оғушини эслатади...

Бу сарой ўзининг миллийлиги, ўзбеконалиги билан менга жуда ёқади. Бунинг устига, бугун шу дилтортар саройда юртим тарихига кўчмоқчиман. Улуғбек даврининг нафасини туймоқчиман.

Залга киришдан Самарқанд руҳини ҳис қилдим. Бу рассом У. Сайдалиевнинг хизмати эканини кейинчалик билдим. Надоматлар бўлсинким, бутун спектакль давомида ранглар ўзгармади. Кўксарой чиройини, Самарқандни, унинг гуллаган даврларидан бири бўлмиш Мирзо Улуғбек кошоналарини кўрмадим. Бу фикрларим учун рассомдан узр сўрайман. Чунки у режиссёрлар (Т. Азизов ва М. Абдуллаева) буюртмасини бажарган, холос.

Спектаклнинг илк дақиқаларидан бошлаб Бобо Кайфий (Ж. Зокиров) дилимни хуш қилди. Бу ёрқин сиймода халқимизнинг сийрати акс этиб туради. Унинг ўткир сўзи, жозибали ҳазили, қалтис шароитдан ҳам ўйинқароқ лутф билан чиқа олиши ўзбекнинг миллий, ўзига хос хусусиятларидан бири.

Саҳнада бир ёки бир неча кичик кўринишда қатнашган ролларни ижро этиш ғоят мушкул. Чунки биргина чиқиш билан, биргина сўз билан томошабин нигоҳида қолиш ҳақиқатан қийин ва бу ҳар қандай артистнинг ҳам қўлидан келавермайди. Мана шу образлардан бири Бобо Кайфий дедик. С. Табибуллаев ижро этган ундан ҳам кичик Бобо деҳқон образи ниҳоятда қойилмақом ўйналибди. Бу тўғри келса шоҳ билан ҳам тик туриб сўзлашадиган бизнинг чапани деҳқон. Чунки у шоҳни ҳам, гадони ҳам боқувчи ўзи эканини яхши билади. Шунинг учун бўлса керак, саҳнадаги Бобо деҳқонга қарата ўқилган Улуғбек (Т. Азизов) монологи жозибали, сўзлари темирдай жонсиз эмас, дилдан чиқади.

Спектаклдаги яна бир ажойиб кичик роль, шубҳасиз, Пири Зиндоний (Р. Каримов) образидир. У юксак иродали, жасур, умрида қуллликни тан олмаган аждодларимизнинг йиғма образи бўлиши керак эди, назаримда. Аммо бу салобат, бу виқор, бу ғурурни ҳам негадир режиссёрлар буккан, қайиргган, бу синмаган инсонни тиз чўктириб синдирганлар.

Пири Зиндоний Улуғбек олдида «Мен олим Улуғбек олдида тиз чўкишим мумкин», дейди ва саҳнада тиз чўкади. Аттанг... Бу шаккок инсон Амир Темур олдида тиз чўкмаган, 50 йил қамоқда ўтириб ҳам тиз чўкишни хаёлига келтирмаган. Ҳа, у Улуғбекнинг олимлигини билади. Аммо шу билан бир қаторда унга Улуғбекнинг шоҳлиги ҳам маълум. Шунинг учун у «мен тиз чўкишим мумкин», дейди. Режиссёрлар айнан мана шу сўзларга, айниқса, «мумкин» сўзига бирмунча бефарқ қарашган. Шу пайтгача биз тиз чўкиб келдик. Аммо ҳар қандай замонда ҳам ўз эркига содиқ қолган Пири Зиндонийлар орамизда ҳали бор экан — яна оёққа турайлик. Ҳа, Пири Зиндоний фақат олим олдида тиз чўкишим мумкин, деяпти. Шоҳ олдида эмас. Шу ўринда азиз режиссёрларимизга айтгулик бир гапим бор. Пири Зиндонийни ҳатто саҳнада ҳам тиз чўкишга мажбур қилманг! Чунки ҳаёт ўргатса, саҳна тарбиялайди. Ахир, Улуғбек ҳам шоҳлигича қолди, у ҳам Пири Зиндонийни озод қилишга ботинолмади.

Яна бир «кичик» рол — Амир Темур образи З. Муҳаммаджонов ижросида қиёмига етибди. Темурнинг овози маҳзун, ҳаяжонли, аммо шиддатли, иккиланишдан нишон ҳам йўқ. Бу овознинг томошабинни ўзига тобе этувчи, сеҳрлаб қўйгучи жозуси бор. Шунинг учун ҳам залда «чивин учса эшитилар» даражада сукунат ҳоким. Темурнинг босиқ, қалбларни титратувчи чақириқ овози, давлатнинг пароканда-лигидан азоб чекаётган аламли товуш билан айтилган мулоҳазалари Ўзбекистоннинг бугунги кунига ҳам тааллуқли эканини ёдга солади, изтироб ўтига ташлайди.

Юрагим зирқираб Темурга тикиламан. Балки бугунги мустақил Ўзбекистонимизга қаттиққўл, жасур, аммо шу билан бирга босиқ, кенг фикрли, адолатли, замон воқеаларини зимдан мушоҳада этишга қодир темурлар етишмаётгандир? Доно халқимиз бежиз «ўқиш билан уқиш бошқа» демайди. Келинг, М. Шайхзодани фақат ўқимасдан, чуқур уқиб олайлик. Муаллиф ўз замонасининг цензураларидан биз учун нималарни олиб ўтди, у нималар демоқчи? Наҳот ўша пайтда қатор орасига жойланган қаторларни бугун ҳам кўра олмасак? Менимча, муаллифнинг чуқур фикрини уқиш вақти аллақачон келди.

Саҳнага Гавҳаршодбегим (Я. Абдуллаева) кириб келаётир. Тўмарисдан тортиб Нодирабегимгача ўтган шоҳона оналарнинг тимсолини умумлаштирган Гавҳаршодбегим!

Ёлғон айтсанг, шундай айтки, ҳамма ишонсин, дейдилар. Ахир Я. Абдуллаеванинг Гавҳаршодбегим эмаслигини жуда яхши биламан. Аммо унга ишондим. Бу ишончимга сабаб Я. Абдуллаеванинг кийимидан тортиб зирагигача, юришидан то чимирилиб гапиришигача, Абдулатиф чиқиб кетганидан кейин оҳиста қимтиниб қўйишигача табиий чиққани бўлди. Театр рассоми қандай фикрда, билмадим-у, аммо менга бу спектаклда фақат шу бегимнинггина кийим-боши шоҳона кўринди. Ҳатто кийим-кечак, зиракатақинчоқлар тўғрисида атайлаб гап юритган сарой хонимларининг кийимлари ҳам қандайдир бачкана, кир, қўпол кўринди. Улардаги упа-эликларга келсак, баъзилари қора қозонга оқ ун чаплашгандай таассурот уйғотади. Қани меъёр, қани гримчи рассомнинг санъати?..

Муҳтарам ўқувчи, биламан, кутаяпсиз. Улуғбекни кўрмадингизми, деб сўрамоқчисиз. Афсус, ярқироқ саллали бир кишини, унинг баъзи жозибали монологларини, саҳнадаги сюжет зиддиятини айтмаганда, на олим, на шоҳ Улуғбек саҳнага чиқди. Бироқ кимдир бутун томоша давомида расадхона атрофида зир айланиб юрди. У ўзи билан саҳнани тўлдирмоқчи бўлиб, турли ҳаракатлар қилди, нималарнидир гапирди. Ва, ниҳоят, томоша охирида кимгадир бақириб-бақириб бўлди, шекилли, негадир ўзини тахтдан эмас, расадхона деворидан ташлаб юборди... Ажаб, наҳотки Улуғбекнинг фожиаси расадхонада эмас (ваҳоланки, илмий изланишлари боқийлик бахш этди унга) тахтда эканини на Т. Азизов, на М. Абдуллаева ўйлаб кўрмаган бўлса?

Яширмайман, спектаклнинг ранжитган томонларидан фарқли ўлароқ қувонтирган томонлари ҳам бўлди. Чунки мен падаркуш Абдулатиф ролини артист Б. Муҳаммадкаримов ижросида кўрдим.

Абдулатифнинг қабиҳликларини, кирдикорларини тоза оналарнинг тимсолини умумлаштирган Гавҳаршодбегим!

Ёлғон айтсанг, шундай айтки, ҳамма ишонсин, дейдилар. Ахир Я. Абдуллаеванинг Гавҳаршодбегим эмаслигини жуда яхши биламан. Аммо унга ишондим. Бу ишончимга сабаб Я. Абдуллаеванинг кийимидан тортиб зирагигача, юришидан то чимирилиб гапиришигача, Абдулатиф чиқиб кетганидан кейин оҳиста қимтиниб қўйишигача табиий чиққани бўлди. Театр рассоми қандай фикрда, билмадим-у, аммо менга бу спектаклда фақат шу бегимнинггина кийим-боши шоҳона кўринди. Ҳатто кийим-кечак, зиракатақинчоқлар тўғрисида атайлаб гап юритган сарой хонимларининг кийимлари ҳам қандайдир бачкана, кир, қўпол кўринди. Улардаги упа-эликларга келсак, баъзилари қора қозонга оқ ун чаплашгандай таассурот уйғотади. Қани меъёр, қани гримчи рассомнинг санъати?..

Муҳтарам ўқувчи, биламан, кутаяпсиз. Улуғбекни кўрмадингизми, деб сўрамоқчисиз. Афсус, ярқироқ саллали бир кишини, унинг баъзи жозибали монологларини, саҳнадаги сюжет зиддиятини айтмаганда, на олим, на шоҳ Улуғбек саҳнага чиқди. Бироқ кимдир бутун томоша давомида расадхона атрофида зир айланиб юрди. У ўзи билан саҳнани тўлдирмоқчи бўлиб, турли ҳаракатлар қилди, нималарнидир гапирди. Ва, ниҳоят, томоша охирида кимгадир бақириб-бақириб бўлди, шекилли, негадир ўзини тахтдан эмас, расадхона деворидан ташлаб юборди... Ажаб, наҳотки Улуғбекнинг фожиаси расадхонада эмас (ваҳоланки, илмий изланишлари боқийлик бахш этди унга) тахтда эканини на Т. Азизов, на М. Абдуллаева ўйлаб кўрмаган бўлса?

Яширмайман, спектаклнинг ранжитган томонларидан фарқли ўлароқ қувонтирган томонлари ҳам бўлди. Чунки мен падаркуш Абдулатиф ролини артист Б. Муҳаммадкаримов ижросида кўрдим.

Абдулатифнинг қабиҳликларини, кирдикорларини тоза моша қилиб шу қадар нафратланиб кетдимки, ўйин тамом бўлганда бошқа артистларга берган гулларимнинг биронтасини ҳам унга тутмадим. Мен — ишонувчан бир ўзбек томошабини Б. Муҳаммадкаримовни ҳақиқатан ҳам Абдулатиф деб ўйлабман. Бошқалар гуллар олаётганда у қанчалик гул берувчиларга жилмаймасин, ўз-ўзича нима қилиб қўйдим, мен Абдулатиф эмас, артист Муҳаммадкаримовман деб турган назокатли юзини кўрмадим. Бу менинг томошабин сифатида мағлубиятим, аммо Муҳаммадкаримовнинг чексиз ғалабаси эди. Ҳа, у ғалаба қилди, мағрур ғалаба қилди. Ўз ўйини билан, нутқининг ширасі билан, лозим пайтда жилмайиб туриши билан, саҳнадаги Улуғбекнинг парда орқасидан олиб борган учрашувидаги саволларга сезилар-сезилмас бош ирғаш изн жавоби билан ёки қачон шоҳ олдига кирмасин шоҳона (қотил!) қўллари кўксида бўлгани билан ғалаба қилди. Мана бу ғалабага тан бердим. Ўзбекистонимизнинг бокира мустақиллиги устига ўзимиздан чиқувчи ана шундай абдулатифлар келиб қолмасмикан, деган қўрқувга тушдим...

Мен Улуғбекнинг ўлимини унинг инсон сифатидаги фожиаси, аммо шоҳнинг, ҳақиқатнинг ғалабаси деб юрар эдим. Бу ғалабани кўрмадим. Оҳ, буни қанчалар истаб борган эдим мен. Ёлғонларга рози бўлиб ҳақиқат ва инсонийликни кўриш учун, қабиҳлик ва падаркушликдан нафратланиш учун борган эдим. Афсус, оддий томошани, Абдулатиф ғалабасини кўриб қайтдим.

О, ЮРТИМ, бундай томошаларинг фақат саҳналарингда бўлсин. Абдулатифларнинг ғалабаси фақат шоир ва ёзувчиларнинг асарларидагина қолсин. Майли, мен бир ўзбек томошабини сифатида Абдулатифга гул бермай келаверай. Ҳаётда абдулатифлар гул олиб ғалаба қилмаслигига артист Б. Муҳаммадкаримов ҳам рози бўлса керак. Гул керак бўлганда эса бир-биримизни топармиз...

Маҳмуд ИЎЛДОШЕВ,
руҳшунослик фанлари номзоди

ФАВВОРАЛИ УНИВЕРМАГ ҚУРИЛАРМИШ...

ЯНА ҚАЕРГА ДЕНГ? КУТУБХОНА ВА КИНОТЕАТР ЎРНИГА!

Муҳарририятга Янгийўл шаҳрининг марказидаги кутубхона ва кинотеатрни бузиб, ўрнига икки қаватли, яна фаввораси билан универмаг қурилаётганмиш, деган хабар келди. Уларнинг ташвишига сабаб ҳам бор: бугунги кунда барча дўкон пештахталари бўм-бўш бўлиб, сотувчилар «пашша қўришаётган» бир пайтда, маданият масканларини яксон қилиш шартмикан? Бу ҳақда уларнинг ўзларидан эшитиб кўрайлик.

Ҳайдарали МАМАДАЛИЕВ, Янгийўл шаҳар Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи директори:

— Бормаган жойимиз, шикоят қилмаган идорамиз қолмади. Шаҳар ижроқўмидагилар барибир ўз билганларидан қолишмаяпти. Можаролар, келишмовчиликларга сабаб бўлаётган асосий нарса — универмаг шаҳардаги ягона истироҳат боғи ҳудуди қурилаётгани.

Аслида, бу жанжаллар, идорама-идора чопишлар 1986 йилдан бошланган эди. Мана, 1986 йил 11 июлдаги шаҳар ноиблари ижроия қўмитасининг қарори. Аниқ ва лўнда қилиб, 0,7 гектар майдонга универмаг қурилади, деб ёзиб қўйилган. Албатта, ёзги кинотеатр бузилиши ҳисобига. 1990 йилнинг 10 октябрида яна бир қарор «туғилди». Қарорда П. Морозов номидаги болалар кутубхонаси бузилсин, ўрнига «Буратино» кафеси қурилсин, дея кўрсатма берилган.

Шахсий фикримча, бундай қарорларнинг «болалаб» кетишига аввало район билан шаҳарнинг қўшилиб ажралиши, халқ ноибларининг шаҳар ҳаётини чуқур билмасликлари сабаб бўлмоқда.

Фотима ЗИЕТДИНОВА, Болалар кутубхонасининг бош кутубхоначиси:

— Кутубхонамизнинг ўзига яраша ўқувчилари бор. Бизда бадиий адабиётлардан ташқари мактаб ўқув қўлланмалари ҳам мавжуд. Шунинг учун кутубхонамиз мактабларга яқин ерда қурилган. Учрашувлар, кечалар ташкил қилиб турамиз. Кафеми, фавворами қуришармиш, кутубхонанинг ўрнига. Хўш, биз қаерга боришимиз керак? Шаҳарнинг бир чеккасига олиб бориб қўйишса, ўқувчиларимиз овора бўлиб юришаркан-да?..

Тўлқин ХУДОЙБЕРГАНОВ, «Победа» кинотеатри директори:

— Тўғри, ёзги кинотеатр учун жой беришди. Лойиҳаси тайёр. Рози бўлдик. Энди, очиғини айтсам, мени ўзим ҳам шаҳарнинг кундан-кунга чиройи очилиб боришига қарши эмасман. Бузилаётгани 600 ўринли эди. Лойиҳалаштирилгани эса 500 ўринга мўлжалланган. Лекин, бирмунча замонавий услубда бўлади, техник жиҳозларни ҳам бутунлай янгилаб оламиз.

Акромжон ИБРОҲИМОВ, Янгийўл шаҳрининг Бош архитектори:

— Неча йилдан бери ишни бошлашга ҳалақит беришди. Барибир, кеч бўлса ҳам бошладик. Ахир эски иморатлар ҳам қачонлардир янгиланиши керакку. Қачонгача эски биноларда, эскича услубда яшаймиз? Ёзги кинотеатр ва болалар кутубхонаси қурилганига ҳам 30 йилдан ошган. Унинг устига йўлнинг ёқасида. Болаларнинг келиб-кетиши бор, ахир. Транспорт жуда серқатнов. Кутубхонага бошқа бир бинодан жой ажратамиз. Албатта, иккиси ҳам шаҳарнинг марказида бўлади.

Универмаг ҳам керак. Катта бир шаҳарда бундай савдо шахобчаси ҳали йўқ. Биз фақат бугунги кунни эмас, эртани ҳам ўйлайлик-да.

Мен ҳам савдо ходими эмасман. Универмагни қурдириб, томоша қилиб ўтирмоқчи эмасман. Ёзги кинотеатрни бузишдан аввал лойиҳасини тайёрладик, жой ажратдик. Кутубхона эса ҳали бузилганича йўқ. Чунки уларга бино ажратилмади. Уларни ҳам тўла кўчириб бўлиб, ундан кейин бузамиз.

Хуллас, Янгийўл шаҳрига кутубхона ҳам, ёзги кинотеатр ҳам, фавворали универмаг ҳам керак.

МУХБИР ШАРҲИ: Ҳа, шундай. Эски иморатнинг пештоқларини бўяш билан биз ҳеч қачон янги жамият қура олмаймиз. Фақатгина ўзимизни алдаган бўламиз, холос. Бугунги кунда эски биноларга маҳлиё бўлавермасдан, янгиларини ҳам қуришимиз лозим. Бу билан кўҳна ва тарихий иморатларни йўқ қилиш керак, деган фикрдан йироқман.

Тўғри, бизни коммунистик мафкура ёлғон-яшиқ гапиришга ўргатди, ғирромларча иш юритдик. Шунча йиллар кўпроқ ямаш-суваш билан овора бўлдик.

Эндиликда миллий кинотеатр ва кутубхоналар қад кўтариши лозим. Токи ёшлар ҳам ота-оналари, акалари сингари ўз тарихидан, миллий урф-одатларидан бебаҳра юрмасинлар.

Суҳбатдошларимдан бири яхши гапни айтди: янгийўлликларга кутубхона ҳам, кинотеатр ҳам, фавворали универмаг ҳам керак.

М. МАМАЖОНОВ

«ЮРАКНИНГ БИР БАНДИ УЗИЛГАН КЕЧА»

Истеъдодли хонанда Охунжон Мадалиев ижро этаётган дилрабо қўшиқларни тингларганда, хаёлингиздан ажойиб мулоҳазалар кечади. Унинг муҳаббат ҳақидаги қўшиқлари сизни сел қилади. Хаёл эса сизни беихтиёр ёшлик йилларига етаклайди. Сиз қўйнингиздаги ёрингизни эмас, у...ни қўмсайсиз. У... эса келмайди, келолмайди, фақат юракни ёқади, вужудни ўртайди...

Охунжон ҳар гал шу қўшиқни куйлаганда тингловчини ана шу ҳолга солади. Умр бўйи ушалмаган орзую армонимиз ушалгандай бўлаверади. Шоир Муҳаммад Юсуф сўзи билан айтиладиган «Кўнглимдаги ёр» қўшиғи Охунжонни элга танитди. Минг-минглаб ошиқларнинг дил армонларини қўшиқ қилиб куйлади. У куйлаганда юракдаги бор меҳрини қўшиб куйлайди. Шунинг учун бўлса керак, тез орада эл оғзига тушди.

Ҳозирги кунда халқнинг савияси, нозик диди кун сайин ўсиб, юксалиб бораяпти. Барчага маъқул бўладиган қўшиқ яратиш учун доим улар билан ҳамнафас бўлмоқ керак.

Шу боис ҳам Охунжон ижро этаётган қатор қўшиқлар халқимиз қалбидан чуқур жой олмоқда. «Фарзанд эмас у», «Бу дунёга икки бор келмаслигимни билдим», «Ярашмас», «Армоним», «Навоий бобо», «Бобо деҳқоним» сингари қўшиқлар шулар жумласидандир.

— Қўшиқ сўзи таъсирчан, сеҳрли, равон бўлса, мусиқа унга мос келса-ю, зеб бериб сайқаллаб турса ва ниҳоят бу қўшиқ ўз ижрочисини топиб ижро этилса, тингловчига манзур бўлади, — дейди Охунжон. — Ҳар гал янги айтган қўшиғимни санъат ихлосмандларига ҳавола этар эканман, янада бошқачароқ айтишим керакка ўхшаб туюлаверади. Доим шунга интиламан.



Тингловчини, қўшиқ мухлисини ром этиш осон эмас. Ахир, санъаткор бўлишнинг биз билиб-билмайдиган машаққатлари беҳисоб. Баъзан ҳафталаб, ойлаб сафарларда юришга тўғри келади. Тинимсиз машқ, ўз устида ишлаш даркор.

Халқ—ҳакам. Халқ ҳақиқий санъаткорни тушунади ва қадрлайди.

Ҳозирги кунда Охунжон халқимизнинг меҳрига сазовор бўлаётган ёш санъаткорлардан бири. Уни таниманган, қўшиқларини мароқ билан тингламаган киши Ўзбекистонда топилмаса керак. О. Мадалиев янги қўшиқ куйламоқда:

Юракнинг бир банди
узилган кеча,
Асрлар сингари
чўзилган кеча.
Чимилдиқ ичида —
сеннинг ўрнингда
Ўзга бир келинчак
сузилган кеча
Йиғладим...

Жўра БОБОРАҲМАТ

Муаллиф суратга олган

«ОДОБНОМА»

доимий ҳамроҳ

Инсон тарбияси доимо муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай долзарб масала бўлиб қолаверади. Ҳозирги пайтда ушбу муаммонинг зарурати яққол сезилмоқда. Адибларимиз, олимларимиз ва педагог мураббийлар бу орада ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Худди шундай заҳматкаш олимлардан бири Тошкент Молия институти тарих кафедраси мудири Мусоқул Усмоновдир.

Ўзининг одоб, ахлоқ ва тарбия соҳасидаги китоб ва мақолалари билан танилган Мусоқул Усмоновнинг яна бир хайрли иши ҳақидаги хушхабар жумҳуриятимизга тарқалди. Яқинда Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти Мусоқул Усмонов қаламига мансуб «Одобнома» китобини чоп этди. Китобни ўқиб чиқар эканман, беихтиёр хаёлимга буюк зот саналмиш ИНСОНга яна бир зўр мадҳиянома дунёга келибди, деб ўйладим. Китобнинг «Олам аро одамнинг азизлиги» билан бошланганлиги айни муддао бўлибди. Муаллиф, азизларнинг азизи ҳисобланмиш инсоннинг олам гўзаллиги эканини алоҳида таъкидлаган. Дарҳақиқат, инсон нафақат оламга чирой бағишловчи, балки уни тўлдириб турувчи ажиб бир хилқатдир. Инсоннинг азизлигига, унинг мўътабарлигига тасаннолар қилиб, улуғлашга нима етсин. Ана шуни инсон қадрк десалар керак. Инсон ўз қадри баҳосини ҳаётда топади, белгилайди. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, муаллиф тўғри йўл танлаган.

Инсон учун ҳаётда энг азиз ва ҳурматли кишилар ота-онадир. Ота-онани ҳурматлаш зарур ва шарт, ҳаттоки нима учун шундай деган фикрнинг ўзи ҳам бўлмаслиги керак. Уларнинг хизматлари фарзандлар учун бениҳоят буюкдир. Шунинг учун китобда ушбу томонларга кенг ўрин берилгани тасодиф эмас. Китобда оналарга бағишланган мадҳияномаларни ўқиб, қалбимиз қувончга тўлди. Китобни ўқир эканман, бу китоб оналарнинг ҳаққоний хизматига берилган зўр баҳо бўлибди. Оналарни

эъзозлаш, уларнинг хизматларини адо этиш ҳам фарз, ҳам қарз. Муаллифнинг фарзандлик бурчини адо этаётганлар ҳақидаги фикрларига ҳам мутлақо қўшиламиз. Қизлар тарбиясига бағишланган лавҳаларда мантиқ ва мазмун кучли.

Олимлар ҳамиша инсониятга хизмат қилиб келган, уларнинг тафаккур қувватидан янаям яхшироқ фойдаланилса соз бўларди. Олимларнинг жамиятда тутган ўрнига берилган баҳоларга қўшиламиз. Устозлар ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг муборак ишларини давом эттиришда хислат катта. «Устоз отангдан улуғ» деган халқ мақолида катта маъно бор. Муаллифнинг устоз ва шогирдлар ҳақидаги фикрларига бизнингча қўшилмоқ керак.

Азиз ўқувчи, М. Усмоновнинг китобини ўқиб, ажиб бир кайфият бутун борлиғимни эгаллаб, дўстимизга чин дилдан раҳмат дегимиз келиб қолди. Китобдаги қариялар ҳақидаги фикрлар ва фарзандлар тарбиясига бағишланган бобларнинг «қизим ёки ўғлим, мана буни бир ўқиб чиқинг», дейишга арзигулик томонлари кўп экан. Ҳеч шубҳасиз ўша саҳифалар фарзандларни ўйлантириб, мулоҳаза юритишга мажбур этади. Шу нуқтаи назардан Мусоқул Усмоновнинг китоби ўз вақтида чиққан қимматли туҳфа бўлибди.

Муаллифнинг «Талант ҳар кўчадан чиқмайди, ҳар куни туғилмайди, шунинг учун уларни эҳтиёт қилиш керак» деган фикрига қўшилмоқ керак. Китобда билимнинг турмушдаги ўрни ва аҳамияти ишончли мисолларда кўрсатиб ўтилган. Китобнинг «Ғурур бошқа, димоғ бошқа», «Сир сақлашнинг «сири» бор», «Тоқатлига тоғлар эгар бошини» сингари лавҳаларида ҳам ҳаётий воқеалар, ибрат олса арзийдиган қизиқарли муаммолар кўтарилган. Умуман, М. Усмоновнинг «Одобнома» китоби тарбия бобида қўйилган дадил қадамлардан бири бўлибди.

Ғулом ҒОФУРОВ,
филология фанлари номзоди

ИЖОДИЙ МУЛОҚОТ

Тошкент Давлат дорулфунуни Маданият саройида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ижодий ходимлари билан талабалар учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувни филология фанлари доктори Умарали Норматов олиб борди. Ҳафталик бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев коллектив амалга ошираётган ишлар ва янги режалар ҳақида гапириб берди. Ёшларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди. Учрашувда ҳафталик санъат бўлими мудири Ашурали Жўраев, профессор Норбой Худойберганов, доцент Сайди Умиров, ёзувчи ва шоир Мухтор Худойқулов сўзга чиқиб, ҳафталик ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Учрашувда хушовоз хонанда Асатилло Холиқов раҳбарлигидаги «Манзур» ансамбли ижросида куйқўшиқлар янгради. Раққоса Ёдгора Нурматова, ёш хонанда Нодир Турсунов, актёр Эргаш Нормуродовнинг чиқишлари учрашув қатнашчиларида илиқ таассурот қолдирди.

АДИБЛАР ИТТИФОҚИНИНГ БИРИНЧИ ЙИҒНИ

Боши биринчи бетда

Музокарада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор, оқсоқол таржимон Ваҳоб Рўзиматов, Ўзбекистон республикаси Адиблари иттифоқининг раиси, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, «Звезда Востока» журналининг бош муҳаррири, шоир Собит Мадалиев, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг бош муҳаррири ўринбосари, ёзувчи Иброҳим Ғафуров, «Ёшлик» журналининг бош муҳаррири, ёзувчи Тоҳир Малик, «Мулоқот» журналининг бош муҳаррири, шоир Барот Бойқобулов, шоирлардан Абдулла Шер, Икром Отамуродов, Саъдулла Аҳмад, ёзувчи Ҳожи Эмин Усмон, танқидчи Нурмуҳаммад Холлиев ва бошқалар қатнашиб бир қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар. Жумладан, Тоҳир Малик шундай деди:

— Оилада ака-укалар қозонини бошқа қилганда ўртадаги хўжалик бўлинади. Биз шундай ака-ука бўлайликки, бир-бирларимизни кўрганда тескари қараб ўтмайлик. Адиблар иттифоқининг котибияти билан Ёзувчилар уюшмаси котибияти Адабиёт жамғармасини тасарруф этиш масаласида бир битимга келишиб олишлари лозим. Яна бир таклиф. Тошкентда «Китобхон» жамияти билан яқин алоқада бўлиб, ўзаро шартнома тузишимиз керак. «Маърифат маркази» қошида Озод Шарафиддинов, Бегали Қосимов каби иқтидорли адабиётшунос олимлар раҳбарлигида адабий курс ташкил этиш лозим. Энди ССЖИ ёзувчилари қурултойи хусусида. Назаримда, қурултойга бормасдан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон адиблари бирлигини ташкил қилиш керак.

Ёзувчи Иброҳим Ғафуров шундай таклиф билан чиқди:

— Бугун Адиблар иттифоқимиз олдида бир қатор муҳим тадбирлар ўтказиш масаласи турибди. Бобокалонимиз Алишер Навоийнинг яқин ойларда бўладиган таваллуд кунини нишонлаш, Шарқнинг бетимсол шоираси ва давлат арбоби Нодирабегимнинг 200 йиллик юбилейларини умумхалқ байрами сифатида ўтказишимиз лозим. Бизнинг зиммамизда яна бир шарафли вазифа турибди. Бу — наинки Туркистон, балки бутун мусулмон оламида машҳур бўлган, ислом тарихи, адабиёти хусусида ажойиб асарлар ёзиб қолдирган, лекин 73 йиллик маънавий асорат даврида юзага чиқарилмаган алломаларнинг кунларини ўтказиш, элга таништиришдир. Шулардан бири Алихонтўра Шокирхонтўра ўғли Соғунийдир. Унинг «Тарихи Муҳаммадий» асари бутун Шарқда, ислом ўлкаларида ҳам ноёб китоб. Келгуси йил март ойида аллома ва давлат арбоби Соғунийнинг туғилганига 107 йил тўлади. Биз ана шу санани ҳам яхшилаб кутиб олишимиз, унинг улуғ мероси билан жиддий шуғулланишимиз зарур.

Йиғилишда шунингдек, Ўзбекистон ёзувчилари уюшмасининг СССР Адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлимини бундан буён Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармасига айлантириш ҳақидаги қарорининг қанчалар қонунийлиги ҳақида муносабат билдирилди. Жумладан, ЎзРАИнинг раиси Э. Воҳидов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор, ЎзРАИнинг биринчи котиби Сулаймон Раҳмон қуйидаги мулоҳазаларни [illegible]тишди: ЎзРАИни таъсис этгаёзувчилар Адабиёт жамғармасига Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолари билан [illegible]р даражада, тенг ҳуқуқли қилишлар. Адабиёт жамғарма орқали ёзувчиларга кўрсатилаётган ҳар қандай мадад тадбирларда уларнинг ҳаллашлари бор. Чунки бу жамғарма барпо этишда ЎзРАИ аъзоларининг ҳам каттасалари мавжуд.

Шу муносабат билан ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти билан музокаралар олиб борилди. Мақсадида беш кишидан иборат (Э. Воҳидов, С. Раҳмон, Мўминжабек, С. Азимов, А. Мўр) иборат вакиллар сайланди.

Шунингдек, йиғилишдаги тартибига киритилган масалалар юзасидан ва бошқа таклифлар хусусида ҳам қарорлар қабул қилинди. ЎзРАИ ошида ташкил этилган «Маърифат маркази»га ёзувчи Ўтўхта Қиличев раҳбарлик қилиб сайланди. «Ҳимоят» қўмитасига ёзувчи Тоҳир Малик, [illegible]рижий алоқалар марказига ёзувчи Ҳожи Эмин Усмон [illegible]сирлар раис этиб сайландилар. Умумий йиғилиш, ЎзРАИ кириш бадали ўттиз сўм, йиллик аъзолик бадалини эса [illegible] сўм миқдорида белгилади. Яқин варқ ойи ичида Алихонтўра Соғуний ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган маърифий кеча-анжуманни тайёрлаш ва ташкил этишни зарур деб топди. ССЖИ Ёзувчиларининг бўлажак қурултойига 28 кишидан иборат ЎзРАИнинг вакилларини сайлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Адиблари иттифоқининг биринчи умумий йиғилиши ўз ишини якунлади.

Е. ХУЖАМБЕРДИЕВ

ИЖОДКОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Адабиётчилар уйида ижодкорлар касаба ташкилотининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ёзувчилар уюшмаси котиби Мирпўлат Мирзаев кириш сўзи билан очди. Касаба уюшмаси қўмитасининг бир йил давомида олиб борган ишлари хусусида унинг раиси Раҳмон Ҳожимуродов ахборот берди.

— Бугун нарх-наво кескин кўтарилган, барча соҳада етишмовчиликлар, танқисликлар кучайган пайтда ҳар бир ишчи-хизматчининг ўзи аъзо бўлган касаба уюшмаси мададига умид боғлаши табиий, — деди у. — Айниқса, эндиликда моддий жиҳатдан кам таъминланганлар сафидан ўрин олган ижодкорлар, қаламкашларнинг эҳтиёжларини қондириш учун бу ташкилотнинг фаолроқ ишлаши талаб этилади. Шу сабабли йил давомида уюшмамиз ходимлари, ижодкорлар учун ҳар хил савдолар уюштирилди. Уюшмамиз раҳбарлари саъй-ҳаракатлари туфайли адибларга сотиш учун ўн тўққиз машина олинди. Шунингдек, ижодкорларга ҳовли-чарбоғлар қуриш учун қўшимча ер ажратилди. Машина ва ҳовли-чорбоғ қуриш учун ер тақсимотлари адолатли олиб борилиши мақсадида касаба уюшмаси қошида махсус комиссиялар тузилди. Тақсимот бу комиссиялар қарорига мувофиқ амалга оширилди.

Йил давомида ижодкорлар учун ўнта уй берилди. Бу уйлар ҳам оилавий яшаш шароитлари оғир бўлган адиблар оилалари ўртасида тақсимланди. Шу билан бирга саккизта видеомагнитафон ҳам ёзувчиларга сотилди.

Табиийки, йил давомида касаба уюшмаси томонидан ижодкорларга моддий маблағлар, дам олиш уйларига йўлланмалар берилди. Бошқа ташкилий ишлар амалга оширилди.

Кўриниб турибдики, касаба уюшмаси қўмитаси ўз олдидаги барча ишларни тўла бажара олди, деб бўлмайди. Эндиликда у мустақил уюшмининг мустақил ташкилоти сифатида иш олиб бориши керак. Шунинг учун унинг сафини янада кучайтириш лозим.

Касаба уюшмаси ташкилотининг фаолияти ҳақида ижодкорлардан Эргаш Муҳаммад, Ортиқбой Абдуллаев, Ҳамроқул Асқар, Муҳаммад Салом, Ёдгор Обид, Тўра Мирзо, Яшар Қосимов, Абдуғани Жумаев ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Улар ташкилотнинг йиллик фаолиятини қониқарли деб топган ҳолда машина, уй-жой, ҳовли-чорбоғ тақсимотларида камчиликлар рўй берганини, хусусан, айрим ижодкорлар ҳам машина, ҳам ҳовли-чорбоғ олгани ҳолда, баъзилари ҳар иккисидан ҳам қуруқ қолишгани, ташкилотнинг белгиланган йиғилишлари ўз вақтида ўтказилмагани ҳақида гапирдилар, ижодкорларга моддий ёрдам беришни кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Йиғилишда касаба уюшма қўмитасининг раиси қилиб Турсунбой Махаев сайланди.

ИЖОДКОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Адабиётчилар уйида ижодкорлар касаба ташкилотининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ёзувчилар уюшмаси котиби Мирпўлат Мирзаев кириш сўзи билан очди. Касаба уюшмаси қўмитасининг бир йил давомида олиб борган ишлари хусусида унинг раиси Раҳмон Ҳожимуродов ахборот берди.

— Бугун нарх-наво кескин кўтарилган, барча соҳада етишмовчиликлар, танқисликлар кучайган пайтда ҳар бир ишчи-хизматчининг ўзи аъзо бўлган касаба уюшмаси мададига умид боғлаши табиий, — деди у. — Айниқса, эндиликда моддий жиҳатдан кам таъминланганлар сафидан ўрин олган ижодкорлар, қаламкашларнинг эҳтиёжларини қондириш учун бу ташкилотнинг фаолроқ ишлаши талаб этилади. Шу сабабли йил давомида уюшмамиз ходимлари, ижодкорлар учун ҳар хил савдолар уюштирилди. Уюшмамиз раҳбарлари саъй-ҳаракатлари туфайли адибларга сотиш учун ўн тўққиз машина олинди. Шунингдек, ижодкорларга ҳовли-чарбоғлар қуриш учун қўшимча ер ажратилди. Машина ва ҳовли-чорбоғ қуриш учун ер тақсимотлари адолатли олиб борилиши мақсадида касаба уюшмаси қошида махсус комиссиялар тузилди. Тақсимот бу комиссиялар қарорига мувофиқ амалга оширилди.

Йил давомида ижодкорлар учун ўнта уй берилди. Бу уйлар ҳам оилавий яшаш шароитлари оғир бўлган адиблар оилалари ўртасида тақсимланди. Шу билан бирга саккизта видеомагнитафон ҳам ёзувчиларга сотилди.

Табиийки, йил давомида касаба уюшмаси томонидан ижодкорларга моддий маблағлар, дам олиш уйларига йўлланмалар берилди. Бошқа ташкилий ишлар амалга оширилди.

Кўриниб турибдики, касаба уюшмаси қўмитаси ўз олдидаги барча ишларни тўла бажара олди, деб бўлмайди. Эндиликда у мустақил уюшмининг мустақил ташкилоти сифатида иш олиб бориши керак. Шунинг учун унинг сафини янада кучайтириш лозим.

Касаба уюшмаси ташкилотининг фаолияти ҳақида ижодкорлардан Эргаш Муҳаммад, Ортиқбой Абдуллаев, Ҳамроқул Асқар, Муҳаммад Салом, Ёдгор Обид, Тўра Мирзо, Яшар Қосимов, Абдуғани Жумаев ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Улар ташкилотнинг йиллик фаолиятини қониқарли деб топган ҳолда машина, уй-жой, ҳовли-чорбоғ тақсимотларида камчиликлар рўй берганини, хусусан, айрим ижодкорлар ҳам машина, ҳам ҳовли-чорбоғ олгани ҳолда, баъзилари ҳар иккисидан ҳам қуруқ қолишгани, ташкилотнинг белгиланган йиғилишлари ўз вақтида ўтказилмагани ҳақида гапирдилар, ижодкорларга моддий ёрдам беришни кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Йиғилишда касаба уюшма қўмитасининг раиси қилиб Турсунбой Махаев сайланди.

МИРЗО ТУРСУНЗОДАНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ

ШАРҚНИНГ ШУҲРАТЛИ ШОИРИ

«Турсунзоданинг Ҳиндистон ҳақидаги шеърларида совет реалистик шеъриятининг энг яхши хусусиятлари мужассамлашган. Тинчлик ва бахт учун курашувчи оддий кишиларнинг жўшқин туйғулари ифодаланган. Бу шеърларни ўқир экансан, шундай сўз санъаткорларини, шундай адабиётни етиштирган халққа тасанно айтасан киши» деган эди машҳур совет ёзувчиси Леонид Леонов.

Мирзо Турсунзода ижодида узоқ асрлик анъанага эга бўлган тожик адабиётининг янги, совет давридаги энг яхши хусусиятлари ўз ифодасини топган.

Техникум ва институтдаги сабоқ, қайноқ ҳаёт ичида бўлиш, халқ турмуши ва курашига ҳамдардлик Мирзонинг қўлига қаламни анча эрта тутқазди. Ҳали йигирма баҳорни кўрмаган ижод бошидаёқ даврнинг долзарб масалаларига асосий эътиборни қаратди, тенгдошларининг кайфияти, ўй-фикрларини ифодалади. Ёш ижодкор дастлабки пайтларида турли жанрларда қалам тебратди. 1932 йилда нашр этилган «Зафар байроғи» тўпламидаги асарларида социалистик қурилишда жонбозлик кўрсатаётган тожик халқининг қаҳрамонона меҳнати, айниқса, комсомоллар шижоати, аёллар тенг ҳуқуқлиги тараннум этилади. Мазкур илк китобнинг ўзиёқ навқирон ижодкорнинг замон билан ҳамнафаслигини, бадиий адабиётнинг ролини яхши идрок этишини кўрсатди.

Мирзо Турсунзода тожик совет драматургиясини бошлаб берувчилардан бири ҳисобланади. «Ҳукм» пьесаси, Деҳотий билан ҳамкорликда яратилган «Хуснав ва Ширин» шеърий драмаси, «Восе қўзғолони» опера либреттоси фикримиз далилидир. «Зафар байроғи» китоби ва юқоридаги драматик асарлар адабиётга ўзига хос овоз ва созга эга бўлган кўпқиррали ижодкор кириб келаётганлигини кўрсатди.

40-йилларнинг иккинчи ярми Мирзо Турсунзода ижодида кўтарилиш, сифат ўзгариши даври бўлди. Халқнинг тинч меҳнати, мамлакат ободлиги учун олиб борган фидокорона ишлар бу босқичда яратилган шеърлар мазмунига сингдирилди.

1947 йилда майдонга келган «Ҳиндистон қиссаси» туркумидаги шеърлар тожик адабиётининг катта ютуғи ҳисобланади. Адабиётимиз мазмундорлигини оширган мазкур туркум учун шоирга 1948 йилда СССР Давлат мукофоти лауреати унвони берилди.

Ҳиндистон, умуман Шарқ мавзуи Мирзо Турсунзода ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. «Мен Шарқ халқлари озодлиги мавзуига ҳамиша содиқ қоламан. Фақат шеърий асарларимгина эмас, балки бутун ижтимоий фаолиятим ҳам шу улкан иш рўёбига бағишлангандир», деб ёзган эди шоир. «Мен озод Шарқданман» туркумидаги шеърларни «Ҳиндистон қиссаси»нинг мантиқий давоми дейиш мумкин.

«Осиё овози» достонида юқорида таъкидланган ғоя яна кенгайтирилади. Асар Осиё халқларининг ҳайқириғидай, озодлик нидосидай жаранглади. «Ҳасан аравакаш» достонида эса тожик халқи босиб ўтган мураккаб йўл, тарихий бурилиш давридаги кураши, қишлоқларни коллективлаштириш манзаралари акс эттирилган. Ҳар иккала асар совет поэзиясининг 50-йилларда эришган салмоқли намуналаридан эканлиги жамоатчилик томонидан тасдиқланди, миллионлаб китобхонларнинг севимли асарларига айланди. Мазкур достонлар учун шоир Ленин мукофотига сазовор бўлди.

Мирзо Турсунзода машҳур шоир бўлиш билан бирга улкан жамоат ва маданият арбоби ҳам эди. Узоқ йиллар мобайнида Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет қўмитасининг раиси, Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви котиби вазифаларида ишлади, СССР Олий Совети депутати сифатида жўшқин фаолият кўрсатди.

Ижодкорнинг илмий-публицистик асарлари гражданлик пафосининг кучлилиги билан ажралиб туради. «Гражданлик лирикаси ҳақида ўйлар», «Тожик адабиётининг вазифалари», «Юксак поэзия учун», «Адабиёт ва ҳаёт» китоблари, Фирдавсий, Рудакий, Низомий, Навоий, Пушкин, Айний ва бошқа улуғ сиймолар ҳақидаги мақолалари айниқса диққатга моликдир.

Мирзо Турсунзода ўзбек халқи ва адабиётининг чинакам дўсти эди. Мирзо Турсунзоданинг ҳаёти, ижодий йўли Ўзбекистон, ўзбек халқи ва адабиёти билан мустаҳкам ва ҳар томонлама боғланган. Чунки унинг инсон ва шоир сифатида шаклланишида, ижодининг равнақида Ўзбекистон, ўзбек адабиётининг маълум ўрни бор. Мирзо Турсунзода ўзбек халқининг машҳур шоири ва адиблари, атоқли давлат арбоблари билан яқиндан дўст ва биродар эди. У Ғафур Ғулом, Зулфия, Комил Яшин билан дўст тутинганлигидан фахрланиб, бу биродарликни мустаҳкамлаш, янада ривожлантиришга интиларди. Мирзо Турсунзода Ғафур Ғуломни илҳом булоғи ўчмас донишманд шоир сифатида ҳурмат қиларди. Ғафур Ғулом туғилган кунга 60 йил тўлиши муносабати билан ёзилган «Барно йигит» шеърида тожик шоирининг ўзбек халқига бўлган беқиёс муҳаббати, юрак ҳарорати чуқур ва самимият билан ифодаланган. Икки ижодкор орасидаги бундай қадрдонлик бир-бирларининг асарларини таржима қилиш жараёнида янада мустаҳкамланган. Мирзо Турсунзода Ғафур Ғулом шеъриятининг қатор ажойиб намуналарини тожик тилига таржима қилган. Ғафур Ғулом эса унинг «Ганг дарёси», «Боғи муаллақ», «Ватанга қайтув», «Ҳиндистон қиссаси», «Кишининг ёдида» сингари шеърларини маҳорат билан ўзбек тилида жаранглатган.

Ғафур Ғулом Мирзо Турсунзода ижодини жуда қадрларди: «...Уни ғурур билан чуқур ғоявий шоир, сиёсий ўткир, ҳозиржавоб, доим совет халқи ҳақида ўйловчи, ижодий уфқи кенг деса бўлади. Мирзо Турсунзоданинг асарларида айниқса икки Шарқнинг — Совет Шарқи ва хорижий Шарқнинг қалби, юраги, уларнинг кечаги куни, бугуни ва эртаси равшан акс этган».

Мирзо Турсунзоданинг «Марҳабо» (1958 йил) шеъри руҳи, пафоси жиҳатидан «Барно йигит»нинг мантиқий давоми. Атоқли ўзбек шоираси Зулфияга бағишланган бу шеър ҳам халқимиз шаънига ўқилган мадҳиядек жаранглайди.

Мирзо Турсунзоданинг яна бир қатор асарлари борки, уларда ўзбек шоирлари ва ёзувчиларининг ижоди тўғрисида фикр юритилади.

Ғафур Ғулом ҳақидаги «Озод Шарқ куйчиси», Ҳамид Олимжон ижоди хусусидаги «Оташин сўзли шоир хотираси», Комил Яшин ҳақидаги «Янги ўлка қўшиқчиси» асарлари шулар жумласидандир.

Хуллас, Мирзо Турсунзодани Ўзбекистон, ўзбек адабиёти билан боғловчи иплар жуда кўп. Турсунзода номи ва асарлари ўзбек халқи учун ҳам ғоят севимли ва яқиндир.

Раҳматилла ИНОҒОМОВ

БОРИС ТИХОМОЛОВ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ёзувчи, 1941 йили Берлинни бомбардимон қилган учувчи, 1943 йили уч буюк ҳокимият раҳбарлари Теҳрон конференциясида хизмат қилган Борис Ермилович Тихомолов оламдан ўтди. Улкан ва покиза қалб эгаси орамиздан кетди. У ўзи қизиққан ва умрини бахшида этган олам миқёси жуда кенг эди: учувчилик, адабиёт, она табиат. 212 маротаба Борис Ермилович ўлим билан юзма-юз бўлган — бу унинг ҳарбий учишлари ҳисоби. Лекин куни кеча, узоқ давом этган касаллиқдан сўнг у мангу кўз юмди.

Унинг китоблари, орзу-армонлари, чуқур ва собит эътиқоди биз билан қолди. Б. Тихомоловнинг қаламига мансуб «Бўронлар аро», «Тўрғайлар», «Ёнаётган осмон», «Осмон романтикаси» ва бошқа китоблари қуёш нурларидай тиниқ ва ҳароратли, ҳаёт қувончлари ва ташвишлари каби ранго-ранг. Кимгаки Борис Ермилович билан дўстлашиш, дийдорлашиш бахти насиб этган бўлса, бу олижаноб инсонни ҳеч қачон унутмайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси марҳумнинг қариндошуруғларига, яқин биродарларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ

Кутлайлик!

САНЪАТГА БАХШИДА УМР

Иттифоқ Театр арбоблари уюшмасининг аъзоси Аирбек Қўйтосов (Аширбе Қўйтос мўлда Туркистони) бир неча йиллардан бери Ўзбекистон Жумҳурияти Қозоқ театри жамғармасинг ташкилотчиси ва Ўзбекистон Жумҳурияти Қозоқ таҳриба театри бирлашмасинин бадиий раҳбари бўлиб ишлб келяпти.

Меҳнат фаолиятининг 25 йилини икки халқ маданияти ва санъати ривожига бағишлаган А. Қўйтосов Сирдарё вилояти комсомол қўмитасида, «Гулдер» жумҳурият эстрада ансамблида, Жамбул номидаги Қозоғистон давлат филармониясида, Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театрида бир қатор раҳбарлик вазифаларида ишлади.

1988 йили Аширбек Қўйтосов бошчилигида Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида «Адабиётлар дўстлиги — халқлар дўстлиги» мавзуида қозоқ шеърияти, адабиёти ва санъати кечалари ўтказилди.

1989 йили А. Қўйтосовнинг фаол иштирокида Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида қозоқ адабиёти шўъбаси, Ўзбекистон Қозоқ маданияти Маркази очилди. Ўзбекистон телевидениесининг «Замандас» кўрсатуви сифат ва мазмун жиҳатдан яхшиланиб бормоқда, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида, Сирдарё педагогика институтида кириш имтиҳонларини қозоқ тилида топшириш имкони туғилди. 1990 йилда Ўзбекистон Маданият вазирлиги билан Қозоғистон маданият Давлат қўмитаси ўртасида Тошкент шаҳрида жумҳурият қозоқ театри, Чимкент шаҳрида эса вилоят ўзбек театри биноларини қуришга доир шартнома имзоланди.



Унинг кўмагида 1969 йили Еттисой шаҳрида Сирдарё вилояти қозоқ мусиқали драма театри, 1989 йили Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилояти мусиқали драма театри қошида «Кўктем» қозоқ театр-студияси ташкил этилди.

Аширбек оға икки қардош халқ ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга ўз умрини бахшида этган фидойи тарғиботчилардандир. Шу кунларда унинг 50 ёшлик тўйи нишонланмоқда. Биз Аширбек Қўйтосовни шу сана муносабати билан самимий табриклаймиз, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ижодий зафарлар тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ҚОЗОҚ ТАЖРИБА ТЕАТРИ БИРЛАШМАСИ

Турсунбой АДАШБОЕВ:

БЎСАҒАДАГИ БОЛАКАЙГА НИМАЛАР КЕРАК?

«Республикада болалар адабиётига эътибор кам. Улар учун китоб нашр этишнинг аҳволи оғир. Болалар учун яратилаётган асарлар савияси паст», деган фикрлар адабий йиғинларда, анжуману қурултойларда, матбуот саҳифаларида кўп айтилди. Буларнинг бари тўғри, лекин... Бошқачароқ айтганда, болалар адабиётн ҳақида танқидий гаплар хўб айтилдию амалий ишлар кам қилинди. Эндиликда бунинг акси ўлароқ, яқинда ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод боғида бўлиб ўтган кенгашда гап болалар адабиётини ривожлантиришдаги амалий ишлар хусусида бўлди. Мухбиримиз кенгаш мутасаддиларидан бири Турсунбой Адашбоевдан ана шу кенгаш тўғрисида гапириб беришни илтимос қилди.

— Халқлар ўртасидаги ўзаро алоқалардаги узилишлар, республикалар орасидаги ҳар хил низолар, бошқачароқ айтсак, иқтисодий, сиёсий жабҳадаги мураккабликлар болалар қалбига, уларнинг ўзаро муносабатларига, айниқса болалар адабиётлари ҳамкорликларига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. Шу учун «Чўлпон» нашриётимиз ва Москвадаги «Детская литература» ойномаси ҳамкорликда ўтказган кенгашни «XXI аср бўсағасидаги кичкинтой: ўзбек ва рус болалар адабиёти олдида турган вазифалар, муаммолар, изланиш ва тадқиқотлар» деб атадик. Бу кенгашни икки йил олдин ўтказишни мўлжаллаган эдик. Афсуски, ўшанда шароит тақозоси билан кечиктиришга мажбур бўлгандик.

Баъзилар кенгашнинг номини кўриб, бу эски тос, эски ҳаммом-ку дейишлари мумкин. Йўқ, биз бу кенгашимизда эски ваъзхонлик йўлидан бормадик. Маълумки, республикамизда шу пайтгача комсомол раҳбарлигида болалар ижодкорлиги, болалар адабиёти бўйича семинарлар ўтказиб келинарди. Лекин унинг болалар адабиётига амалий ёрдами кам тегарди. Шунинг учун бу кенгашда амалий ишларга эътиборни қаратдик. Кенгашда «Детская литература» ойномаси таклифи билан россиялик ўнта, «Чўлпон» нашриётимиз таклифи билан республикамиздан ўнта болалар адабиёти соҳасида бир-иккитадан китобини чиқарган ёки таржима асарларини нашр эттирган энг иқтидорли ёшлар қатнашдилар. Улар бир ҳафта давомида боғда ижодий мулоқотда бўлдилар.

Кенгаш натижалари чакки эмас. Аввало, ёш ижодкорлар ўзаро танишиб олдилар. Улар бир-бирларининг асарларини таржима қилдилар. Доимий ўзаро ижодий ҳамкорликда бўлишга келишдилар. Ҳар икки тилга таржима қилинган энг яхши асарлар «Детская литература» ва «Чўлпон» нашриётларида тўплам ҳолида нашр этиладиган бўлди. Бундан ташқари, улар асарлари «Мурзилка», «Пионер», «Кукареку» каби ойномаларда, республикамиздаги болалар журналларида ҳам босмага тайёрланади. «Детская литература» ойномаси бош муҳаррири ўринбосари Игорь Нагаев журналнинг шу йилги сонларидан бирини Ўзбекистон болалар адабиётига бағишлаш ниятида эканлигини таъкидлади. Унда, айниқса, кенгаш иштирокчилари асарларига кенг эътибор берилади.

Кенгаш яна бир нарсани — ўзбек болалар адабиётига ёш иқтидорли авлод кириб келаётганини, улар бошқа адабиётлар вакиллари билан бемалол беллаша олишини ҳам кўрсатди. Афсуски, уларнинг аксарияти шу пайтгача эътибордан бироз четда қолиб келган. Масалан, Кенгашда қатнашган Ҳ. Имнбердиев, Р. Назар, З. Исомитдинов, А. Акбар, К. Турдиева, З. Иброҳимова, М. Қодиров, Д. Ражабов, М. Қаҳҳоров каби икки-учдан китоб чиқарган ёшларда шу пайтгача фақат иккитасигина ёзувчилар ташкилотига аъзо бўлган, холос. Ёш уларнинг аксарияти ундай йиғинларга биринчи бор таклиф этилган. Шунинг учун болалар адабиёти бўйича қалам тебратаётган ёш ижодкорларга эътиборни кучайтириш мақсадида бундай кенгашни ҳар икки йилда бир марта ўтказиб турилга келишилди. Нашриётимиз эса кенгашда қатнашган ёшларнинг китобларини чоп этишни зиммасига олди.

Кенгашда ўзбек ва рус болалар адабиётлари, уларнинг аҳволи жусуида Кавсар Турдиева, Нархол Нарзуллаева, Лола Звонарева, Игорь Нагаевнинг маърузалари ҳам тингланди. «Чўлпон», «Детская литература» нашриётлари, «Детская литература» ойномаси аввал кам ёритилган Эрон, Покистон, Туркия, Хитой, Япония, Корея каби Шарқ мамлакатлари болалар адабиётлари намуналарига кенг ўрин бериш улар ҳақида адабий-танқидий мақолаларни чоп этиш тўғрисида келишиб олдик.

СУРАТЛАРДА: кенгаш қатнашчилари

«СУСАНБИЛ»

Бухоро шариф маданий ҳаётида яна бир қутлуғ воқеа рўй берди. Маданий-маърифий, адабий-бадиий газета — «Сусанбил»нинг биринчи сони босмадан чиқди. Санъат, маърифат, маданият, тарих, дин ва адабиётга ошно қалблар «Сусанбил» номли маънавий булоқдан ўз чанқоқликларини қондирадиган бўлдилар. Газетага вилоят матбуот бошқармаси томонидан 32-сонли гувоҳнома берилди. «Англамассан ҳақни, эрсанг маърифатсиз» сўзлари шиор қилиб олинган. Газетада таниқли адиб Неъмат Аминов ва Мир Араб мадрасаси директори Салоҳиддин Шарифнинг табриги берилган. Шунингдек, Наршахийнинг «Бухоро тарихи»дан боб, истеъдодли шоир Садриддин Салимов «Абу Ҳафс Кабири Бухорий» мақоласи ўрин олган. Бир ойда икки марта чиқадиган бу газетага «Сусанбил» кичик корхонаси (раҳбари Й. Муқимов) муассислик қилмоқда.

Газетанинг муштарийларига мурожаат тарзида ёзилган бош мақоласи шундай сўзлар билан якунланади: «Бизнинг ниятимиз шундай: «Сусанбил» барча эзгу ниятли кишиларнинг газетаси бўлиши керак». Таҳрир ҳайъатининг ушбу фикрларига биз ҳам қўшиламиз ва газетага оқ йўл тилаймиз.

ЎзАО ахбороти

«Ҳозир иқтисодий бўҳронлар бўлиб, тақчиллик ва меҳр-оқибат камайиб кетаётган бир даврда жумҳуриятимизда халқимиз, айниқса ёшларимиз шеър тинглаш, суюкли шоирлари билан учрашишга ошиқар эканлар, биз ҳали маънавий бойлигимизни қадрлаш, шоирларини эъзозлашни унутмаган эканмиз, биз қудратлимиз ва ёруғ келажагимизни яратишга қодирмиз».

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари олий билимгоҳи ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг мудири Ҳасан Қудратуллаев ана шу сўзлар билан адабий кечани очди. Олий билимгоҳ санъат саройига йиғилган устозлар, талабалар ҳузурига Ўзбекистон халқ шоири Абдулла **Орипов**, шоирлар Нормурод **Нарзуллаев**, Муҳаммад **Юсуф** ташриф буюрди. Шоирлар ўзларининг янги шеърларини ўқидилар, талабаларнинг саволларига жавоб бердилар. Кеча охирида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг совриндори Исмоилжон Ғуломов қўшиқлар ижро этди.

М. АБДУКАРИМОВА

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

«Шарқ юлдузи» ойномасининг 1991 йилдаги сўнгги сони босмадан чиқди. У таниқли ёзувчи Зоҳир Аъламнинг «Жомбой ҳангомалари» номли публицистик мақоласи билан очилган.

Шеърият рукнидан Ойдин Ҳожиеванинг «Нажот» достони, Муҳаммадали Қўшмоқов, Эргаш Абдулла ва Инобат Нормуродова шеърлари ўрин олган.

Наср мухлислари Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонини Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон томонидан кино тилига ўгирилган кўриниши билан танишадилар.

Ёш ёзувчи Жаҳонгирнинг биринчи катта асари «Жаҳаннамга йўл» қиссаси ҳамда ёзувчи Ёқуббек Яқвалхўжаевнинг «Уч кўчанинг охири» номли романидан боблар мухлислар ҳукмига ҳавола этилган.

«Булоқ кўз очди» рукни остида эса умидли ёшлар Ҳабиб Абдиев ва Маннон Отабой шеърлари эълон қилинган.

Тарихчи олим Шониёз Дониёровнинг «Мухторият қисмати» мақоласи Қўқон мухториятининг аччиқ тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатлар, далиллар асосида ёзилган.

Ёш тадқиқотчи Дилмурод Қуронов «Томчида қуёш акси» мақоласида Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи қаҳрамонлари ҳақида теран мулоҳазалар юритади.

Шунингдек, бу сонда ўқувчилар хорижда яшайдиган советшунос олим А. Авторхонов қаламига мансуб «Сталин ўлимининг сирлари» китобидан олинган парчанинг давоми билан танишадилар ва «Қуръон» сураларининг навбатдаги таржималарини ўқийдилар.

Ўзбекистон Композиторлари ва Бастакорлари уюшмаси бошқаруви, Ўзбекистон мусиқа жамғармаси ҳамда Мусиқа тарғибот бюроси жамоалари Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ рассоми Самиғ Абдуллаевга рафиқаси, санъатшунослик номзоди, мусиқашунос Р. С. Абдуллаевга онаси

РОЗИЯХОН

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва жумҳурият Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси, таниқли шоир Толиб Йўлдошга умр йўлдоши

ТОЖИХОН опа

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва жумҳурият Адабиёт жамғармаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Худойберди ЭШОНҚУЛОВ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, ёру-биродарларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси, Таржима ва адабий алоқалар маркази ҳамда Жумҳурият Адабиёт жамғармаси ёзувчи Нодир Норматовга отаси

Нормат бобо АЛИМАРДОН ўғли

вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдирадилар

Муаллифнинг асл исм-шарифи Паул Герҳард Ҳюбш бўлиб, 1946 йилда Олмонияда, христианлар оиласида таваллуд топган. 23—24 ёшларида Оллоҳнинг каромати билан кўзига тинимсиз равишда Қуръони Карим кўрина бошлайди. Натижада у Маккан Мукаррамани зиёрат қилиш учун сафарга отланади, лекин Испаниядан ўтаётганида полиция томонидан шубҳа остига олиниб, авахтага ташланади. Узоқ текширишлар жараёнида унга қўйилган айблар исботланмагач, уйига жўнатиб юборилади. У 1970 йили Франкфурт шаҳридаги Нур мачитида калима қайтариб, Ислом динига ўтади ва Ҳидоятуллоҳ деган мусулмонча ном олади.

Ўттиздан ортиқ китоблар муаллифи Ҳидоятуллоҳ Ҳюбш ҳозирги кунда Олмониядаги «Ислом» нашриёти директори ва Ҳессен вилояти Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби вазифаларида ишламоқда. Эътиборингизга ҳавола этилаётган бу мақола муаллифнинг «Ислом келажак динидир» номли китобидан олинди. Бу мақола олмон ва оврупо мусулмонларига мўлжаллаб ёзилган, лекин у дини ва диндорлари юз йилдан кўпроқ вақт давомида қатағон қилинган бизнинг мушфиқ халқимиз учун ҳам фойдадан холи бўлмайди, деган умиддамиз.

Ислом нима?

Ислом арабча сўз бўлиб, таржимаси «ўзини Оллоҳ ихтиёрига бахшида этиб, тинчлик (осойиш) топиш» деган маънони англатади. Ислом барча мусулмонлар (ўзини Оллоҳга бахшида этганлар) динининг номидир. Бу динни муҳаммадчилар ёки муҳаммадизм деб аташ нотўғри, чунки бу номлар дин марказида бир одам туради деган янглиш тушунчага олиб келган бўларди. Муҳаммад Расулиллоҳга нозил қилинган Қуръони Каримнинг сурасида бундай дейилади: «Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўкис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим». (Моида сураси, 4-оят).

Оллоҳ — худонинг исмидир, аммо бу сўз арабча «ал-илоҳ» (худо) деган сўзнинг ўзгарган шакли эмас, аксинча, атоқли от бўлиб, унинг кўплик шакли йўқ. Оллоҳ ўзи ҳақида гап кетганда, қайси томонга урғу берилишига қараб «Оллоҳ», «Биз», «Худо», «У» ёки «Мен» деб сўзлайди. Муҳаммад алайҳиссаломга дин қилиб танланган Исломдан бўлак барча динлар Оллоҳ томонидан инкор этилган деб ўйлаш нотўғри, аксинча, Исломнинг ҳаётга нисбатан муносабати инсонларга берилган бошқа динлар билан ҳамоҳангдир, бу ҳақда Қуръонда қайта-қайта таъкидланади. Барча пайғамбарларга ва осмондан тушган барча китобларга ишониш мусулмонларга вожиб қилиб қўйилган. Қуръоннинг бир сурасида шундай дейилади:

«Пайғамбар ўзига Парвадигоридан нозил қилинган нарсаларга иймон келтирди ва мўминлар (ҳам) иймон келтирдилар. Оллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига иймон келтирган ҳар бири киши (айтадилар): «Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз». Ва айтадилар: «Эшитдик ва итоат этамиз. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат ўзингга қайтажакмиз». (Бақара сураси, 286-оят)*.

Қуръони Каримда бир қатор (кўп ҳолларда Инжилда номлари зикр этилган) пайғамбарлар тилга олинади ва ҳар бир халққа бир пайғамбар жўнатилганлиги таъкидланади: «Ҳар бир миллат учун (унга юборилган) пайғамбар бўлур. Бас, қачон пайғамбарлари келганида, ўша миллатларга зулм қилинмаган ҳолда, уларнинг ўрталарида адолат билан ҳукм қилунур». (Юнус сураси, 48-оят).

Ва яна бир оят бор: «Айрим пайғамбарлар ҳақида сизга ҳикоя қилдик, айрим пайғамбарларни эса сизга ҳали ҳикоя қилганимиз йўқ». (Нисо сураси, 165-оят).

Ҳар бир пайғамбар ўзининг дини бошқача номланганига қарамай, барибир «Ислом»дан таълим берган. Шунинг учун Қуръон инсонларга туширилган сўнгги илоҳий қонун китобидир.

«Бу Қуръон чиндан ҳам ҳал қилувчи сўнгги сўздир». (14-оят, 86-сура).

Қуръон мусулмонлар амал қилиши лозим бўлган қатор қонунлар мажмуасидир. «Равшан китоб билан қасамки, Биз уни фаҳмлаб олишингиз учун хатосиз тилда Қуръонга айландирдик. Чиндан ҳам у ёнимизда, қўкларга кўтарилган ва ақл булоғи бўлмиш китоблар онасининг ичидадир». (5-оят, 45-сура).

Қуръон ягона тугал қонунни ифодалагани сингари Муҳаммад алайҳиссалом ҳам оламдаги барча кишиларга мурожаат қилган биринчи зотдир.

«Айтинг (эй Муҳаммад); Эй одамлар, албатта мен сизларнинг барчангизга Оллоҳ юборган элчиман. Оллоҳ шундай зотки, самовот ва ер унинг мулкидир. Ҳеч илоҳ (ҳеч тангри) йўқ, магар унинг Ўзи бордир. Ҳаёт ва ўлим берадиган ҳам Унинг Ўзидир. Бас, Оллоҳга ва Унинг элчисига— Оллоҳ ва Унинг сўзларига ишонадиган умумий пайғамбарга иймон келтирингиз ва унга эришингиз — шояд ҳидоят топурсиз». (7-сура, 159-оят).

Муҳаммад пайғамбарга иймон келтириб, унга эргашган киши мусулмон бўлади. «Айтинг (эй Муҳаммад): «Агар Оллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Оллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Оллоҳ (гуноҳларни) кечиргувчи ва меҳрибондир». (3-сура, 32-оят). Ло илоҳа илло Оллоҳ, Муҳаммадур Расулуллоҳ деб кишилар мусулмон бўлишади. Бу дуонинг мазмуни шундай: «Оллоҳдан ўзга ҳеч илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг элчисидир» ёки «Оллоҳдан ўзга худо йўқ, Муҳаммад унинг пайғамбаридир». Калимаи таййиба деб аталмиш бу калима Ислом динининг бешта устунидан биринчисидир ва у на ўғли ва на шериги бор, осмонлар ва ерни ҳамда улардаги бор нарсаларни яратган Оллоҳнинг мутлақ ва текланмаган бирлигидан далолат беради. Оллоҳ ўзи ҳақида шундай хабар беради: «Бандаларим, Сиздан (эй Муҳаммад) мен ҳақимда сўрасалар (айтинг), мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида, дуогўйларнинг дуосини ижобат қиламан. Бас, ҳақ йўлга юришлари учун (улар ҳам) менинг даъватимга жавоб қилсинлар ва менга иймон келтирсинлар». (Бақара сураси, 187-оят).

Яна бир сурада эса мана бундай дейилган:

«Чиндан ҳам биз инсонни яратдик ва жони унга нималар деб шивирлаётганидан хабардормиз. Чунки биз унга бўйин томиридан ҳам яқинроқмиз». (Қоф сураси, 17-оят).

Исломнинг иккинчи устуни кундалик диний ибодат, яъни номоздир. Бу ибодат араб тилида «салот» ҳамда турк, форс, покистонча ва ҳиндча сўзлашадиган жойларда «номоз» деб аталади. Кунига беш маҳал номоз ўқиш фарздир. «Албатта, белгиланган пайтларда номоз ўқиш мўминларга фарз қилинди». (Нисо сураси, 104-оят).

Исломнинг учинчи устуни Рамазон ойида 30 кун рўза тутишдир. «(У саноқли кунлар) Рамазон ойидирки, бу ойда одамлар учун ҳидоят бўлиб ва ҳидоят ва фуркон (ҳақ билан ботилни ажратгувчи)нинг очиқ оятлари бўлиб, Қуръон нозил қилинган. Бас, сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин. Ва ким хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саноғини бошқа кунларда (тузалганда ёки сафардан қайтгач) тутади. Оллоҳ сизларга енгиллик истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди. Оллоҳ сизларга иноят қилгани ва тўғри йўлга бошқаргани учун бу саноқни тўлдиришингиз ва Оллоҳни улуғлашингиз зарур. Шояд, шукр қилсангиз». (Бақара сураси, 2-сура, 186-оят).

Исломнинг тўртинчи устуни Оллоҳ йўлида садақа қилиш, яъни закот беришдир. «Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилингиз. Эҳсон қилиш учун улардан ўзингиз фақат кўз юмиб оладиган паст-нопокларни танламангиз. Ва билингизки, албатта, Оллоҳ беҳожат ва ҳамду санога лойиқ зотдир». (Бақара сураси, 2-сура, 268-оят).

Исломнинг бешинчи устуни Маккаи Мукаррамани зиёрат қилиш, яъни ҳаждир. «Ҳаж ва умрани Оллоҳ учун комил суратда адо қилинг». (2-сура, 197-оят). «Ҳаж (мавсуми) маълум ойлардир. (Яъни Шаввол, Зулқада ва Зулҳижжа ойининг ўн куни) Бас, ким шу ойларда ўзига ҳажни фарз қилса (ҳаж қилишни ният қилса), ҳаж давомида (жуфтига) яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал-сурон қилмайди. Қандай яхши амал қилсангиз, албатта, Оллоҳ билади. Ва (зарур озуқа билан) таъминланиб олинг. Энг яхши озуқа (яъни ўзингиз билан бўлиши лозим бўлган энг яхши нарса) Оллоҳдан қўрқишдир. Мендан қўрқинглар, эй ақли донишлар». (Бақара сураси, 2-сура, 198-оят).

Ҳидоятуллоҳ ҲЮБШ

Қуръони Каримнинг қарийб 700 та бажарилиши лозим бўлган қоидаси таянадиган бу беш устун диний эътиқоднинг бешта ақидасига ишонишни вожиб қилиб қўяди. Бу беш ақида Оллоҳнинг бирлигига, фаришталарнинг борлигига, Оллоҳ туширган китобларга, Оллоҳнинг пайғамбарларига ва охиратдаги ҳисоб-китоб кунига, яъни ўлимдан кейинги ҳаётга ишонишдир. Ушбу бажарилиши лозим бўлган қоидалар ва эътиқод ақидаларининг манбаи Қуръондир. Қуръон сўзи «қироат қилинган китоб» маъносини беради. У Оллоҳ томонидан Муҳаммад алайҳиссаломга нозил қилинган ва Қуръони Карим учун белгиланган ваҳийлар мажмуасидир. (Бундан ташқари, Қуръонга кирмаган ваҳийлар ҳам бўлиб, улар Ҳадиси қудсий, яъни қуддусий ҳадислар деб аталади).

Мусулмонлар суннатни иккинчи манба деб биладилар. Суннат Муҳаммад алайҳиссаломнинг амалиётидир. Унда мисол учун, намоз ўқиганларида пайғамбаримиз гавдасини қандай тутганлари, қандай қилиб таҳорат ушатганлари ва шунга ўхшаш ҳолатлар баён қилинади. Ҳадислар учинчи манбадир, улар Муҳаммад алайҳиссаломнинг маълум мавзуларга бағишлаб гапирган гапларидир. Уларда ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақидаги хабарлардан тортиб, яқин ва олис келажак тўғрисидаги башоратлару шеърият, табобат, гигиена тўғрисидаги программатик фикрларгача мужассам. Ҳаммаси бўлиб қарийб 600000 ҳадис айтилган. Ҳадис тўпловчилар (улардан энг машҳурлари Имом Бухорий, Абу Муслим, Ибн Мадях, Имом Термизий, Абу Довуд, Ан-Нисоий) пайғамбаримиз вафотидан бир неча ўн йиллар кейин у кишининг гапларини йиғишга киришганлари учун жиддий меҳонларга амал қилганлар. Муҳаммад алайҳиссалом бундай деган эдилар, деб хабар берган кишиларнинг бутун авлод-аждодлари текширувдан ўтказилган ва далолат бергувчи ҳар бир киши характери, ахлоқи ва шахсий қобилиятлари нуқтаи назаридан аниқ имтиҳон қилиб кўрилган, чунки пайғамбаримиз ўзлари вафот этгач, айтмаган гаплар ҳам янглиш суратда ўзига тақаб қўйилиши хавфидан огоҳлантириб ўтганлар. Ҳадиснинг ҳақиқийлигини билдирадиган белгилар қуйидагилар: Биринчидан, ҳадис Қуръон оятларининг биронтасига зид келиши мумкин эмас. Иккинчидан, ҳар бир ҳадис пайғамбаримиз суннатига мос келиши керак. Учинчидан, ҳар бир ҳадис тарихий воқеаларни бузмасдан кўрсатиши керак. Тўртинчидан, ҳадисларда айтилган гаплар ғайри ахлоқий ёки Ислом динининг аниқ-равшан таълимотига зид бўлмаслиги керак.

Ҳадис билан Қуръони Каримни адаштирмаслик керак, чунки Қуръони Карим Оллоҳ субхона вахувва таолонинг қонун сифатида нозил қилинган сўзларидир. Ҳадислар эса Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти давомида турли мавзуларга бағишлаб айтган гапларидир. Улар ўз вақтида Пайғамбаримизнинг ғаройиб ўткир хотирага эга бўлган саҳобалари ва издошлари томонидан ёд олиниб, тилдан тилга кўчиб келган.

Ислом динининг тўртинчи манбаи юқорида тилга олинган манбавий китоблардаги бир хил жавоб бериш қийин бўлган масалаларда мусулмон жамиятининг якдил бўлишидир. Бешинчи манба эса оқилона далиллар ва уларни ишлатишга асосланган қиёсий қарордир. (Қиёс).

Барча ваҳийлар, ифодалар ва фалсафаларнинг умумий мақсади инсонни хоҳ у аёл ёки эркак бўлсин — ўзининг барча хислатлари ва иқтидорини ривожлантириши ва бойитиши мумкин бўлган ҳолатга солишга қаратилган. Оллоҳ Қуръонда шундай дейди:

«Мен жинлар ва инсонларни шу мақсадда яратдимки, токи улар менга ибодат қилсинлар». (51-сура, 57-оят).

Бу хизмат, ибодат инсоннинг Оллоҳ фазилатларини ўзига хос равишда ўзида ривожлантиришдан иборат. Оллоҳнинг фазилатлари Қуръони Каримда баён қилинган, аммо Оллоҳнинг фазилатлари одатда такрорлаганларидек, 99 та эмас. Фақат Қуръоннинг ўзида Оллоҳнинг 103 та фазилати тилга олинган, масалан, ҳамма нарсани билгувчи, раҳмдил, қодир, поклагувчи, кечиргувчи, кўнгилчан, севувчи, одил, сабр-тоқатли, даволовчи, яккаю ягона ва бошқалар. Ислом кишиларни ўз ақлу заковатлари билан иш юритишга чақиради. «Оллоҳнинг изму иродасисиз ҳеч бир жон бўла олмас. У (Оллоҳ) ақлларини ишлатмайдиган кимсаларни азобга дучор қилур» (10-сура, 101-оят).

Ақлу заковат ва унинг ишлатилиши эътиқод калити ҳисобланади. «Эътиқод қилиш билмасликдир» деган гап Исломга хос эмас. Аксинча, Оллоҳ йўлида заҳмат чекиб, кўнгилда Оллоҳни ёд этиб, тажрибалар тўплаб Оллоҳнинг борлигига ишонч ҳосил қилиниши лозим. Мусулмонлар қуйидаги сўзларни айтиб дуо қилишга даъват этиладилар:

Жума ўгитлари

«Ҳақ Подшоҳ — Оллоҳ юксакдир (Эй Муҳаммад) сизга (Қуръон) ваҳий битишидан илгари қироат қилишга шошманг, (балки фаришта Жаброил Оллоҳ томонидан келтирган оятни тўла ўқиб бўлгандан кейингина) қироат қилинг ва айтинг: Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин». (20-сура, 115-оят).

Бу илм икки хилдир. Биринчидан, бу илм мусулмонларга қандай вазиятда нима қилиш лозимлигини кўрсатадиган ҳуқуқий йўл-йўриқлардан иборат. Ислом луғатида бу билим «Фиқҳ» деб аталади. Абу Ҳанифа, Малик, Шафии ва Ибн Ҳанбал ҳуқуқшунослик фанининг тўрт забардаст ўқитувчилари эдилар. Аммо турли ислом гуруҳларида бу тўрт кишидан фақат биттаси улкан ҳуқуқшунос сифатида тан олинади. Бир ҳадисда шундай дейилади:

«Муад Яман ҳокими этиб тайинланганда, Пайғамбаримиз ундан давлат ишларини бажараётганда қандай қоидаларга амал қилишини сўрадилар.

— Қуръон қонунларига таяниб иш кўраман, — жавоб берди у.

— Агар Қуръонда шу масалага доир биронта кўрсатма тополмасанг, нима бўлади? — сўрадилар Пайғамбаримиз.

— У ҳолда мен Пайғамбаримиз суннатига(амалиётига) мос равишда ҳаракат қиламан, — жавоб берди у.

— Хўш, суннатда ҳам бунга мос келадиган кўрсатма бўлмасачи? — сўрадилар яна Пайғамбаримиз.

— У ҳолда мен ўзимнинг баҳолаш қувватимни ва ақлимни ишга соламан ва шунга асосан иш кўраман, — деди у.

Бу жавобдан Пайғамбаримиз ғоят таъсирланиб, Оллоҳга шукроналар айтди ва деди: «Пайғамбарнинг хабарларини хоҳлаганича бошқарадиган Оллоҳга шукроналар бўлсин». (Абу Довуд, 23—11).

Қонуншунослар жорий қилган билим шакли билимнинг иккинчи хили, яъни Оллоҳнинг борлиги ва унинг ҳали ҳам аввалгидек одамлар билан мулоқотда бўлаётгани тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдирилмаса, қуруқ таомиллигича қолаверади. Оллоҳдан келган хабарлар ислом луғатида «ваҳий» деб аталади. Кўпгина Ислом олимлари Оллоҳ ҳозир ҳам одамлар билан мулоқотда бўлаяптими ёки Муҳаммад алайҳиссалом вафотидан кейин бу ҳодиса бутунлай йўқолиб кетдими, деган масала устида бош қотиришган. Улардан баъзилари ҳозирги кунда Оллоҳ билан одамлар ўртасидаги тўғридан-тўғри мулоқот йўқ деган фикрга келишгани сир эмас. Аммо бу фикрга қарши Қуръоннинг қуйидаги оятини келтириш жоиз:

«Парвардигорингиз: «Менга дуо-илтижо қилинглар, Мен сизларга (дуоларингизни) мустажоб қилурман» деди. Албатта, менга ибодат этишдан кибр-ҳаво қилган кимсалар яқинда бўйинларини эгган ҳолда жаҳаннамга кирурлар». (40-сура, 61-оят).

Худди шунга ўхшаш:

«Эй Одам болалари, ҳар қачон сизларга ўзларингиздан бўлган пайғамбарлар Менинг оятларимни сўзлаган ҳолларида келганларида ким да-ким (ширкдан) сақланиб, ўзини ўнглаб олса унга (ундайларга) хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар». (7-сура, 36-оят). Демак бир томонда тиловатларни тинглаш ва уларга жавоб беришга Оллоҳнинг ваъдаси турса, иккинчи томонда Оллоҳ ўзи сайлаган кишиларга хабарлар жўнатиб туриши туради. Оллоҳ Қуръонда шунда дейди:

«Бас, мени эсласангиз, мен ҳам сизларни эслайман: Ва менга шукр қилингиз ва мени инкор қилмангиз». (2-сура, 153-оят).

«Эй мўминлар, сабр қилиш ва намоз ўқиш билан (мендан) мадад сўранглар. Албатта, Оллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир». (2-сура, 154-оят).

Албатта, намоз ўқилиши Оллоҳнинг ҳар нарсани эшитгувчи ва намозларни тинглагувчи эканлигининг белгиси сифатида тан олинади. Пайғамбаримизнинг ўзлари кўпинча саҳобаларидан ёки ожизалар билан бирга шунақа ҳолларни бошларидан ўтказганлар ва бу ҳақда хабар берганлар.

Оллоҳ Қуръони Каримда шундай ваъда беради:

«Улар шундай кишилардирки, бенуқсон пайғамбарга — номини ўз олдиларидаги Таврат ва Инжилда ёзилган ҳолда топишадиган элчиларга эргашадилар. Пайғамбар уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни уларга ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади ҳамда улардан юкларини ва устларидаги кишанларни олиб ташлайди, (яъни Ислом динидан аввалги динларда бўлган оғир, машаққатли ибодатларни олиб ташлаб, уларнинг ўрнига енгилларини келтиради). Бас, унга иймон келтирган, уни улуғлаб, унга ёрдам қилган ҳамда унинг (келиши) билан нозил қилинган нурга (яъни Қуръонга) эргашган зотлар — ана ўшаларгина нажот топгувчилардир». (7-сура, 158-оят).

Олмон тилидан Йўлдош ПАРДАЕВ таржимаси

* Қуръон оятларидан келтирилган мисоллар Аловуддин Мансур таржимасидан олинди.

МАЙ ҲАМ КЕРАК, МАЙИЗ ҲАМ.

Бу қолса, узумдан тайёрланган спиртли ичимликни «кўпайтирайлик!» деб ниятда ёзилаётгани йўқ. Балки, шу кунгача винодарбат маҳсулотларинин Россия ва Украина жумҳуриятларига сувтекин нархда натилганидан, деҳқон меҳнатининг нотўғри баҳоланганидан ташвишга тушиб ёзилмаган. Яна жумҳуриятимиз ичида катта маблағлар сарфлаб қурилган қанчадан-қанча вино заводлари ва корхоналарга маҳсулот етказиб радиган неча-неча гектар майдондаги узумзорлар кетган деҳқон меҳнати р. Токларни бирдан кесиб заводларни тўхтатиш жумҳуриятимиз иқтисодини не аҳвалга солиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Майсиз, ҳушёжамиятга буйруқбозлик, зумзорларни қийратиш йўли билан эмас, ақл ва маърифат орқали интилиш керак.

Ҳозирги пайтгача (2 апрелгача) бир литр вино 58 тийин нархда Украина ва Россия вино шишалаш заводларга сотиларди. Завод бирлиги хом ашёни деҳқондан узумнинг сифатига қараб 7 тийиндан 25 тийингача ўлган нарахларда сотиб олди. 10 кило узумдан 7 литр вино чиқади. 10 кило узум 25 тийиндан 2,5 сўм бўлади. Хўжалик Россиядаги шишалаш заводига 10 литр винони (1 литри 58 тийин) 4 сўм 06 тийинга сотади. Узумни қабул қилган завод бу пулнинг 2,5 сўмини деҳқонга беради. Ўзига 1,5 сўм 14 тийин қолади. Бу пул ишчига, техникага, таъмирлашга ҳамда спирт ва бошқа вино тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёни сотиб олишга кетади. Қанча пойда кўради дейсизми? Завод давлатдан қарздор бўлиб қолади.

Деҳқонга қанча фойда тегади? Ў 10 кило узумини бозорга чиқарса, 20 сўмга (эски нархда) сотиши мумкин. Лекин юқоридан чиқарилган фармон бунга йўл бермайди. 20 сўмга кетадиган узумини заводга 2,5 сўмга сотишга мажбур. Бу узумни етиштиргунча кетган меҳнат харажати, техникага, хўжалик фондига ва унинг казо-казоларига ҳам шу пул ҳисобидан маблағ яратиб бериши зарур. Натижада оралиқдаги вино заводи эмас, узум етиштирувчи деҳқон ҳам қарздор бўлиб қолади.

Узумдан фойда йўқ экан деб, узумзорларни қўпориб ташлашга ошиқманг. Ҳисоб-китобимизни давом эттирамиз. Мен ҳикоя қилаётган Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги «Партия XXV съезди» давлат хўжалиги вино заводи ўз маҳсулотини юқоридаги нархда, яъни 7 литрини 4 сўм 06 тийинданга Россия ва Украина вино шишалаш заводларига элтиб берадилар. Йўл харажати ҳам деҳқон зиммасида. Шишалаш заводи тайёр маҳсулотни фақатгина идишга солиб (7 литри 14 шиша) дўконларга камида 35 сўмга пуллайдилар. 35 сўмдан 4 сўм 06 тийинини деҳқонга ажратсак, 30 сўм 94 тийин қолади. Шишалаш жараёнидан сотувга чиққунга қадар кетган харажатни 5 сўм десак, 26 сўм атрофида соф фойда қолади. Мана мўмай даромад қаерда! Меҳнатни ким қилди-ю, фойдани ким кўрди?!

Ўзбекистонда шишалаш заводлари жуда кам. Ҳаммаси Россия ва Украинада. Юқоридан «завод қурилсин» деган кўрсатма бўлмаган, бўлмайди ҳам. Чунки, Ўрта Осиё Россиянинг хом ашё базасими, демак, у тайёр маҳсулот чиқармаслиги керак, вассалом. Бу илгари ўйлаб қилинган сиёсатдир.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлди. Иқтисодиётимизнинг виночилик тармоғида қандай муаммолар кўндаланг бўлмоқда? Деҳқон давлатдан қарздор бўлиб қолмаслиги учун нима қилмоқ керак?

Юқорида номи тилга олинган хўжалик вино ишлаб чиқариш корхонасининг директори Рауф ака Тиллаев билан шу ҳақда фикр юритдик. Рауф аканинг виночиликда 30 йилдан ортиқ тажрибаси бор.

— Ҳозир шишалаш заводларини ярим йилда қуриб, маҳсулотимизни ўзимиз тайёр ҳолда бозорга чиқарамиз, десак ҳато бўлади. Янги ускуналарни четдан сотиб олиш керак. Бунга вақт керак. Унгача эса тайёрланган маҳсулотлар чиқариб сотилиши ва келгуси йил ҳосили учун жой ҳозирланиши даркор. Иккинчи апрелдан бошлаб виночиликда ҳам нарх ошди. Лекин бошқа ўзгариш бўлгани йўқ. Деҳқонни инсоф билан ўйлайдиган механизм ишлаб чиқилмаган. Аслида винонинг нархини баҳолашни хўжаликнинг ўзига, аниқроғи, деҳқонга қўйиб бериш керак.

Мустақил давлат бўлдик, энди Россия ва Украина бизга хом ашёсини арзон нархда бермасликка ҳақли. Лекин, умуман бермасликнинг имкони йўқ. Ҳозир заводга Россия ва Украинадан «вино беринг!» деган телеграммалар кўп келяпти. Илгари спиртни Украинадан олишарди. Ҳозир бермай қўйишибди. Ўзбекистонда эса фақат Оҳангарон «Магнит» комбинатида бор экан. Табиийки, у ҳам Ўзбекистондаги вино заводларни спирт билан таъминлай олмайди.

Рауф ака, аввало, спирт ишлаб чиқарадиган завод қурилиши кераклигини таъкидлади. Бунинг учун виночилик ва майизчиликка мослашган хўжаликлар бўлгани каби буғдой, лавлаги, картошка етиштиришга мўлжалланган хўжаликлар ҳам ташкил қилиниши керак. Негаки, спирт буғдой, оқ лавлаги ҳамда картошкадан олинади. Бундай хўжаликни ташкил қилиш билан шакар муаммосини ҳам ҳал қилиш имконияти туғилади. Қолаверса, лавлагидан молга озуқа тайёрласа ҳам бўлади. Демак, бу хўжалик ўз фермасига эга бўлади.

Бундан кейин четдан спирт олиш керак эмас. Улар ёғоч спиртни ҳам юборишяпти. Бу спирт одатда техник аппаратларни ювиш-чайиш учун ишлатилади. Лекин одам ичса, кўз билан мияни боғлаб турадиган ришта (нерв)ларни қуритади. Оқибатда кўр бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Навоий шаҳрида қўлдан сотиб олинган спиртни ичиб бир неча киши заҳарланган. Бу аниқ мисол.

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Винонинг хом ашёларидан яна бири гилмоя. У Қизилтепада бор.

Яна бир муаммо бу вино сузиб олинадиган (фильтрлайдиган) қоғознинг ўзимизда йўқлиги. Уни ҳозирча шартнома йўли билан Россиядан сотиб олиш мумкин. Сизғич қоғоз, албатта, ёғочдан олинади. «Ҳозирча» дейилишининг сабаби, — дейди Рауф ака, — чет элларда сизғич вазифасини бажарадиган қоғозсиз мосламалар қурилганлигини эшитдим. Имконият туғилса, у жойларга бориб, ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўриб, агар қулай бўлса, мосламалар ҳарид қилсак, винони сузиб олишга кетадиган харажатларимиз камаярди».

Идишларни қайта ранглаш ишлари ҳам завод чўнтагини «қоқлаётган»лигини директор ташвиш билан гапирди. Унинг ташвиши ўринли эканлиги қуйидаги ҳисоб-китобда аниқ бўлди. Ҳозирги вино сақланадиган темир идишлар ҳар йили янгидан ранглнмаса, винонинг сифати бузилади. Ранглаш заводга 40 минг сўмга тушади. Агар Самарқанд вилояти бўйича 10 та вино заводи бўлса, бир йилда фақатгина ранглаш учун 400 минг сўм пул сарфланади. Агар эмал идишлар сотиб олинса, у бемалол 50 йилга чидаши мумкин.

Кўпгина хўжаликларда «анъана» бўлиб кетган бир иллат бор. Хўжалик шаҳардан ёрдамчи чақиради-ю, улардан фойдаланиб жамики ишларни бажариб олишга ошиқади. Шу аснода етилиб пишмаган узум ҳам узиб юборилади. Завод эса узумнинг ширасига (шакарлилик даражасига) қараб ҳақ тўлайди. Масалан, рикоцетели узумининг ширасн 23 фоиз бўлиши керак. Яхши пишмасдан топширилса, шакар даражаси 17 фоиз бўлади. Шунда деҳқонга 1 сўм ўрнига 60—70 тийин тегади. Бу деҳқоннинг ўз ерига эгалик қилолмаётганидан далолатдир. Икки йил аввал ижарачи бўғинлар тузилганди. Ҳозир эса яна бригадага айлантиришди. Раҳбарлар одатда ижарага деҳқон онгининг тайёр эмаслигини рўкач қилишади. Маҳсулотни сифатли, баракали етиштиришни, ўз ерининг инжиқликларини деҳқон яхши биладими ёки идорада ўтирган раҳбар? Раҳбарлар ҳужжатлаштириш жиҳатларини чалкаштириш ўрнига деҳқонга мадад бераолсалар, ўринли бўларди.

Мазкур заводда коньяк ишлаб чиқариш учун ҳамма хом ашё бор экан-у, бироқ хорижда ишлаб чиқилган мураккаб мосламалар йўқлиги ишга тўсқинлик қилаётган экан. «Ҳозирги маҳсулотларимиз қаторига коньякни ҳам қўйиш ниятимиз бор», деди Рауф ака. Ҳозирча «Зарафшон», «Чашма», «Ўзбекистон», «Жасорат» каби винолар тайёрланаяпти. Янги нав вино ҳам тайёрланмоқда. Уни «Алеатика» деб номлашмоқчи. У таъмининг ўзгачалиги, рангининг софлиги ва хушбўйлиги билан бошқа вино навларидан фарқ қилади.

Рауф ака виночиликда ишлаб чиқариш маданияти паст эканлиги ҳақида қайғуриб гапирди: «Виночи вино қилмайди, бочка вино қилади» деган ақида бор. Биздаги эмандан ясалган идиш (бочка)лар тўкилиб тамом бўлди. Асл вино эса худди шу идишда тайёрланарди». Бу идишларнинг йўқолиб кетиши сабаби дарров аён бўлди. Усталарнинг иш ҳақи жуда оз бўлган. Натижада улар ишдан кетиб қолишган. Энди уларни топиш қийин.

Хўжалик олдида майизбоп узум навларини кўпайтириш, майиз қуритишни такомиллаштириш вазифаси турибди. Хўжаликда Италиядан (Сандвик) қуритиш аппарати келтирилган. У олма, ошқовоқ, пиёз қуритаркану, лекин, узум қуритишга мосланмаган экан. Буни мутахассислар узумга мослаштиришса, у орқали қуритилган майизлардан анчагина фойда олиш мумкин. Ҳозирча эса узум хўжалик бўлимларининг майиз жойларида қуритиб олиняпти.

Юқорида айтганимиздек, асосий фойда шишалашдан келади. Тажрибалардан хулоса чиқариб хўжалик шишалаш цехини қуришга киришди. Цех қурилиши лойиҳалаштирилиб, шишалаш мосламаси сотиб олинди. Бу цех келажакда 1 млн. дона шишага май қуйиш қувватига эга бўлади. Фикримча, бу корхонанинг қурилиши раҳбариятни яна бир қанча муаммолар устида ўйлашга мажбур қилади. Биринчиси, малакали мутахассислар топиш ёки ёшларни виночилик бўйича мутахассис тайёрлайдиган илмгоҳларда ўқитиш. Иккинчиси, шишалаш учун асосий ашё — шиша идиш. Улар ҳозир қиммаблашди. «Тошкент» биржасининг сотувга қўйган маҳсулотлари орасида шиша идишларини ҳам кўрдим. Демак, хўжалик мутасаддилари цех қуриб битказилмасдан идиш муаммосини ҳал қилишлари керак. Бундан ташқари, шишага қопқоқ ясайдиган корхоналар билан шартномалар тузилса, цех қурилгач вужудга келадиган ташвишлардан холос бўларди.

Тайёр маҳсулот хом ашёга нисбатан қиммат, унинг талабгорлари кўп. Тайёр маҳсулотни давлатнинг бошқа зарур товарларига алмаштириш ҳам мумкин. Қолаверса, бу цехнинг қурилиши Ўзбекистоннинг мустақил иқтисоди учун хўжаликнинг сезиларли ҳиссаси бўлади.

Мақоладаги муаммоли гаплар нафақат бир хўжаликка, балки, шундай ишларга ҳали қўл урмаган ва юрагининг тубида шундай дардлар ётган республикамизнинг барча ватанпарвар ишбилармонларига тааллуқлидир.

Ҳалим САЙИИД

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА» Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларига қайтарилмайди.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо КЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЁҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ЙУЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ
Босмахонага топшириш вақти — 20.00 Топширилди — 20.00

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 25 ТИ